

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

«ФАЛСАФА ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ»

КАФЕДРАСИ

**«МАНТИҚ, АХЛОҚШУНОСЛИК,
НАФОСАТШУНОСЛИК»
ФАНЛАРИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим
бакалаврият босқичи учун)**

Тошкент - 2005

Мазкур маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари асосида ва «Мантиқ, Ахлоқшунослик, Нафосатшунослик» ўқув қўлланмалари асосида тайёрланган.

(Маъруза матни кафедранинг 11- январ 2006 йилги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. Баённома №10)

Тўзувчилар: кат.ўқт. Ҳайдарова. Н.Н.
кат.ўқт.Маматқулов.Р.У

Такризчилар: доц. Ҳусанов.С.Ҳ.
доц. Жуманиёзов. Х.С.

КИРИШ

Фаннинг мақсади ва вазифалари. Ҳозирги кунда мантиқ илмини ўрганиш ҳар бир маданиятли киши учун зарур бўлиб қолди. Чунки, фикрнинг изчиллик, аниқлик, тўғрилиқ ва унинг исбот қилинган бўлиши ҳақиқатга эришишнинг йўлларида ҳисобланади. У инсонга ўз атрофидаги оламни ўрганиш, билимларини кўпайтириш, бошқа инсонлар билан муносабатда бўлиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Давлатлар, тарихий даврлар, ижтимоий жамоаларнинг ўзгариб бориши, фан ва маданиятнинг ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб бориши билан бирга мантиқ илмининг мавқеи мустаҳкамланиб ҳамда бу жараёнда тараққий этиши унинг инсон жамият учун энг зарур илм соҳаларидан бири эканини кўрсатади.

Фанни ўқитишдан мақсад Ахлоқшунослик фанининг ахлоқ фалсафаси сифатидаги моҳияти, унинг илмий-амалий аҳамияти;

- ахлоқнинг таркиби ва вазифалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Ахлоқшуносликнинг асосий тушунча ва тамойилларини;

- ахлоқнинг иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ билан ўзаро муносабатини;

- «Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги» эканини, замонавий комил инсонни тарбиялашда ахлоқшунослик эришган ютуқларни билиши зарур.

Шахс ҳуқ-атвори маданиятини шакллантириш;

- шахсий, оилавий ва ижтимоий ҳаётда ўз-ўзини ҳамда ўзгаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Ахлоқшунослик фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг мақсади ахлоқ тафаккурнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиётини, ахлоқнинг давлат, фуқаролик жамияти, шунингдек, шахс ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтиришга қаратилган.

Фаннинг вазифалари:

- олий қадрият бўлмиш ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, унинг ҳаётдаги юксак мавқеини талабалар онгига сингдиришдан;

- ҳалол, пок, ростгўй мутахассислар бўлиб етишишда ахлоқ ва одобнинг аҳамиятини талабаларга теран англантишдан;

- ахлоқшунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, чуқур илмийлик, тарихийлик ҳамда олимона ҳолислик тамойилларига амал қилишдан;

- маъруза ва семинар машғулотларида, мустақил таълим жараёнларида талабаларнинг имкон борида кўпроқ манбаларга мурожаат қилишларига эришишдан иборат.

Ахлоқшунослик фанининг аҳамияти унинг талабларда эзгуликка эътиқод, Ватанга, миллатга, инсониятга муҳаббат ҳиссини шакллантириши ва юксак даражага кўтариши ҳамда ёшларнинг комил инсон бўлиб етишувларига кўмаклашиши билан белгиланади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари: Нафосатшунослик фанини ўқитишдан мақсад эстетик тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққиётини, санъатдаги, турмушдаги, саноатдаги, табиатдаги нафосатнинг, гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтиришга қаратилган;

-Нафосатшуносликнинг гўзаллик, санъат ва тарбия фалсафаси сифатидаги моҳияти, унинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

Эстетик тафаккур тараққиёти, эстетик онгнинг моҳияти ва эстетик фаолият, эстетиканинг асосий тушунчаларини;

- санъатнинг моҳияти, вазифалари ва эстетик-бадий тарбия вазифалари ва турлари тўғрисида назарий билимга эга бўлиши;

- ҳар жиҳатдан баркамол фуқаролик жамияти аъзоси, замонавий шахсни тарбиялашда эстетика эришган ютуқларнинг катта ўрин эгаллашини билиш лозим.

Атроф-муҳитни, инсон хулқини гўзаллаштириш ҳамда ўзи ва ўз замондошларини эстетик жиҳатдан тарбиялай олиш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Нафосатшунослик фанининг вазифалари:

- эстетик қадриятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб беришдаг;

- талабаларда гўзалликка, улуғворликка нисбатан муҳаббат ҳиссини шакллантиришдан;

- талабаларга ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини ўқитишдан, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилишдан;

- техника эстетикаси ва унинг амалий кўриниши бўлмиш дизайннинг саноатни гўзаллаштиришдаги, эркин, демократик жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини талабаларга англатишдан;

- Нафосатшунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, илмийлик, тарихийлик ҳамда олмона ҳолислик тамойилларга амал қилишдан;

- маъруза ва семинар машгулотларида, мустақил таълим жараёнларида ёшларни имкон борича кўпроқ манбаларга мурожаат қилишларига эришишдан иборат.

Нафосатшунослик фанининг аҳамияти талабаларнинг шахс сифатида ҳам, фуқаролик жамияти аъзоси сифатида ҳам – ҳар жиҳатдан гўзалликка ошно, юксак эстетик дид эгаси қилиб тарбиялашга улкан ҳисса қўшиши билан белгиланади.

1- мавзу. Мантиқ илмининг предмети, аҳамияти. Формал мантиқнинг асосий қонунлари. (2-соат)

Режа:

- 1. Мантиқ илмининг тадқиқот объекти.**
- 2. Тафаккурнинг асосий шакллари.**
- 3. Формал мантиқнинг асосий қонунлари.**

1-масала. «Мантиқ» арабча сўз бўлиб, маъноси бўйича «логика» сўзига мувофиқ келади. «Логика» атамаси эса, грекча «logos» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «фикр», «сўз», «ақл», «қонуният» каби маъноларга эга. Унинг кўп маънолиги турли хил нарсаларни ифода қилишида уз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам қонуниятларини (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг манжуд булиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йигиндисини (масалан «субъектив мантиқ» иборасида), ва нихоят, учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Унинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан бўлган муносабатини аниқлаб олиш зарур.

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ходисаларининг инсон миёсида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини кондиритиш мумкин бўлган нарсаларни тушуниб етишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширар экан, кишилар уз олдиларига маълум бир мақсадларни қуядилар. Улар урганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини хиссий билиш - инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиш ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ходисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Хиссий билиш 3 та шаклда: сезги, идрок ва тасаввур шаклида амалга ошади. Сезги предметнинг бирорта ташқи хусусиятини (масалан, рангини, шаклини, таъминини) акс эттирувчи яққол образдир. Идрок предметнинг яхлит яққол образи бўлиб, у мазкур предмет ҳақидаги турли хил сезгиларни синтез

қилиш натижасида ҳосил бўлади. Алоҳида олинган сезгилардан фарқли уларок, идрок берилган предметни бошқа предметлардан (масалан олмани беҳидан, нокдан ва шу кабилардан) фарқ қилиш имконини беради. **Тасаввур** эса аввал идрок этилган предметнинг образини маълум бир сигналлар (берилган предмет билан маълум бир умумийликка эга бўлган) таъсирида миёда қайта ҳосил қилишдан, ёки шу ва бошқа образлар негизида янги образ яратишдан иборат хиссий билиш шаклидир. Масалан, танишингизга ухшаган кишини учратганда танишингизни эслайсиз, ёки кўрмоқчи бўлган иморатингизни мавжуд иморатлар образлари ёрдамида яққол хис қиласиз.

Хиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлари каторига қуйидагилар киради:

Биринчидан, хиссий билиш объектнинг (предметнинг ёки унинг бирорта хусусиятининг) субъектга (индивидга, тўғрироғи, унинг сезги органларига) бевосита таъсир этишини тақозо этади. Тасаввур ҳам бундан истисно эмас. Унда образи қайта ҳосил этилаётган (ёки яратилаётган) предмет эмас, у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет-сигнал таъсир этади.

Иккинчидан, хиссий билиш шакллари предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан, хиссий образ предметнинг яққол образидан иборат.

Туртинчидан, хиссий билиш, конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам, ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиш қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан, хиссий билиш билишининг дастлабки ва зарурий босқичи хисобланади. Усиз билиш мавжуд була олмайди. Чунки инсон ташқи олам билан узининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи, бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чикадиган ҳулоса шуки, хиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Хусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-оқибатда эмпирик талкин қилиш йули билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг объектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида, хиссий билиш, умуман олганда, ақл томонидан бошқарилиб туради, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувоҳларнинг берган курсатмалари асосида жинойтчининг портрети яратилади, яққол хис қилинади ва кидирилади.

Лекин, шунга қарамасдан хиссий билиш уз имкониятлари, чегарасига эга. У бизга алоҳида олинган предметлар (ёки предметлар туплами), уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумот беради. Унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан муз билан хавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) урганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолларда хиссиётимиз бизни алдаб қуяди. Масалан, узоқдан сизга қараб юриб келаётган кишини танишингизга ўхшатасиз, лекин яқинроқ келганда унинг бошқа киши эканлиги маълум

бўлади. Бошқа бир мисол. Энди танишган кишингиз ҳақидаги дастлабки таассурот (бу асосан унинг ташқи тамонидан кўринишига қараб ҳосил қилинади), у билан мулоқотда бўлгандан кейин узгаради. Мана шу уринда «Кийимига қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади» деган мақолнинг хиссий билиш билан ақл ўртасидаги ўзаро муносабатни, фарқни яхши ифода қилишини таъкидлаш лозим. Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар билишда тафаккурга бўлган эҳтиёжни, унинг моҳиятини, билишда тутган ўрнини чуқур англашга ёрдам беради.

Предмет ва ходисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-рационал (лотинча ratio-ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ходисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

1) Унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Хиссий билишдан фарқли уларок., тафаккур бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан абстрактлашган (фикран четлашган, мавҳумлашган) ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради. Хусусан, турли кишиларга хос индивидуал белгиларни (хулқ-атвор, темперамент, кизикиш ва шу қабилардаги) эътибордан четда қолдирган ҳолда, улар учун умумий, муҳим белгиларни, масалан, мақсадга мувофиқ, ҳолда меҳнат қилиш, онгга эга бўлиш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби ҳислатларни ажратиб олиб, «инсон» тушунчасини ҳосил қилиш мумкин. 2) Тафаккур борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ходисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. 3) Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятдан иборат. Унда билиш жараёни борлиқда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар-юқори даражада идеаллашган объектларии (масалан абсолют каттик жисм, идеал газ каби тушунчалар) ни яратиш, турли хил формал системаларни *қуриш* билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ходисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ходисаларни олдиндан қуриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4) Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ходисадир. У фақат тилда-моддий ходисада (товуш тулкинларида, график чизикларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

2. масала. Тафаккурнинг асосий шакллари.

Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд.

Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши) дир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги

ахборотлар тушунилади. Тафаккур шаклининг табиатини конкрет мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, «давлат» тушунчасида узининг майдонига, аҳолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. «Илмий назария» тушунчасида эса, предметларнинг бирорта соҳасига оид бўлган ва улар ҳақида яхлит тасаввур берадиган, маълум бир метод ёрдамида қурилган тушунчалар системаси ифода этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу тушунчалар мантикий шаклига кўра бир хилдир: ҳар иккаласида предмет унинг муҳим белгилари орқали фикр қилинган. «уз майдонига эғалиги», «аҳолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларига эғалиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Худди шунингдек, «предметларнинг бирорта соҳасига алоқадорлиги», «предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга имконият бериши», «маълум бир метод ёрдамида қурилиши», «тушунчалар системаси шаклида бўлиши» илмий назариянинг муҳим белгилари ҳисобланади. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., п билан белгиласак, тушунчанинг мантикий структурасини А (а, в, с,..., п) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин. Ҳукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан «Темир-металл» деган ҳукмда предмет (темир) билан унинг хоссаси (металл эканлиги) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ ҳуқуқдан илгари пайдо бўлган» деган ҳукмда иккита предмет (ахлоқ ва ҳуқуқ) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат қайл этилган, яъни P нинг Sга хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантикий структурасини (шаклини) S-P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолларни кузатиш мумкин. Масалан,

Дарахт - ўсимлик

Терак – дарахт

Терак - ўсимлик

ва

Ҳар бир химиявий элемент уз атом оғирлигига эга

Мис - химиявий элемент

Мис уз атом оғирлигига эга

хулоса чиқариш кўринишлари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантикий структурага эга. Ҳар иккаласида хулосани ташкил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда-«дарахт», иккинчи мисолда — «химиявий элемент» тушунчаси) орқали боғланган.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан тафаккур шаклининг фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва, демак, ўзига хос қонуниятларга эгалиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин.

Тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал шакллари, унинг асосий структуравий элементлари ҳисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя аргументлаш ва шу қабилар) да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартлари каторига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри қурилиши қиради. Чин фикр деб, узи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикр ҳисобланади (Масалан, «Темир-металл»). Хато фикр предметга мос келмайдиган фикрдир (масалан, «Темир-металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятларидир.

Фикрнинг чин бўлиши мантиқий фикр юритишнинг зарурий шarti бўлсада, ўз ҳолича етарли эмас. Фикр муҳокама юритиш жараёнида формал жиҳатдан тўғри қурилган ҳам бўлиши керак. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хил мантиқий структураларда, содир бўладиган ҳар хил мантиқий амалларда ўз аксини топади.

Тафаккур куп қиррали жараён бўлиб, уни турли хил томонидан, хусусан, мазмуни ва шакли (структураси) бўйича, тайёр ҳолида ёки келиб чиқиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методлардан фойдаланишига, ҳар хил йуналишларга ажралишига сабаб бўлади.

Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан деб аташ мумкин. Ҳозирги пайтда унинг формал мантиқ, диалектик мантиқ ва математик мантиқ каби йуналишларини фарқ қилиш мумкин. **Формал мантиқ**, тафаккурнинг структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётдан четлашган ҳолда, нисбатан мустақил равишда олиб урганади. Унинг диққат марказида муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ қоидалар ва мантиқий амаллар ётади.

Формал мантиқга тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан, деб таъриф бериш мумкин.

Диалектик мантиқ, формал мантиқдан фарқли уларок, тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида ҳамда тараққиётида олиб урганади. Математик мантиқ эса тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этади. У ҳозирги замон математикасининг муҳим йуналишларидан бири бўлиб, тафаккурни мантиқий ҳисоблаш деб аталадиган юқори даражада абстрактлашган ва формаллашган системада таҳлил қилади.

Биз урганадиган фан формал мантиқ бўлиб, у ҳозирги пайтда узининг махсус формаллашган тилига, тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган самарали мантиқий методлари ва усулларига, концептуал воситаларига эга. Тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар, хусусан фалсафа, психология,

физиология билан ҳамкорлик қилади ҳамда илмий билимлар системасида узининг муносиб ўрнига эга. Айниқса, унинг билиш методи сифатидаги аҳамияти катта.

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини устиради, хусусан, фикрни тўғри куриш малакасини ривожлантиради; бахс юритишда узининг ва бошқаларнинг фикрига танкидий муносабатда бўлишига, суҳбатдошининг мулохазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради. Муҳокамани тўғри куришга, формал зиддиятлар, хатоларга йул қуймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат-мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чуқур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намоиш қила олади. Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Уқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри қуйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил қила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

3-масала. Оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракати ўзига хос ички қонунлар асосида юзага келади. Бу ҳаракатнинг инсон онгидаги инъикоси, яъни тафаккур жараёни ҳам ўзига хос объектив қонуниятлар асосида амалга ошади.

Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим зарурий, умумий, нисбий баркарор муносабатларини ифодалайди. Формал мантиқда илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунди. Улар диалектика қонунлари ва формаллашган мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқ илмининг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формаллашган мантиқ қонунлари эса, фақат тафаккурдагина амал қилади. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида олиб урганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда урганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зарурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миёсида узоқ, вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулохазалар (ҳукмлар) ҳамда ҳулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунлари юзаки караганда субъектив қонунлардек бўлиб туюлса ҳам, аслини олганда, объектив мазмунга эгадир. Бу қонунлар ҳамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал қилувчи умуминсоний қонунлардир. Уларни бузиш, алмаштириш, узгартириш, янгилаш мумкин эмас. Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аник изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниклик, изчиллик, зиддиятлардан холи булиш ва исботлилик (асосланганлик) тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири фикрнинг аник бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ходиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ходисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, уз навбатида, буюм ва ходисаларнинг инсон, тафаккурида аник акс этишини, ҳар бирфикр, мулоҳазанинг аник, равшан ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниклиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашуви, мантиқсизликка олиб келади. Масалан, объектив ва субъектив сабаб ,тушунчаларининг моҳиятини аниқлаб олмасдан бирорта ходисанинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида аник фикр юритиб бўлмайди. Шу сабабдан фикрдаги аниклик тўғри, тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Объектив воқеликдаги буюм ва ходисанинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ходисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида уз ифодасини топган. Тафаккурга хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қилади. Фикрдаги изчилликнинг бузилиши, фикр маъносининг узгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниб олиш қийинлашади. Масалан, бирорта файласуф - мутафаккирнинг умумфалсафий қарашларини урганмасдан туриб, унинг ижтимоий ёки ахлоқий таълимотининг моҳиятини тулик тушуниб бўлмайди.

Тафаккурга хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараёнининг зиддиятсизлик хусусиятига эга булишлигидир. Бу белги ҳам объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ходиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмайди. Масалан, бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йук. була олмайди ёки инсон ҳам эътиқодли, ҳам эътиқодсиз була олмайди. Фикрда мантиқий зиддиятларнинг мавжуд бўлиши унинг ноаник, чалкаш, тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Буюм ва ходисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиш жараёнида иложи борида чинлиги асосланган мулоҳазаларни баён қилишга интилади.

Демак мантиқ қонунлари деб фикрлар ўртасидаги шундай алоқага айтампизки, бунда мантиқий узгаришларни ҳар қандай конкрет фикр мазмуни билан канчалик алмаштирсак ҳам тўғри муҳокама ҳосил булаверади. Формал мантиқда қоида ва қонунлар куп. Биз булардан туртрасини мантиқнинг асосий қонуни деб атампиз. Булар: айният қонуни , нозидлик қонуни,

учинчиси мустасно қонуни, етарли асос қонуни.

Айният қонуни

Бирор буюм ёки ходиса ҳақида фикр юритилганда уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар камраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан доимий, узгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра маълум бир предмет ёки ходиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда уз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқ, илмида «А-А дир» формуласи билан ифодаланади.

Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни, билиб ёки билмасдан, бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан, бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан: «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан айнандир. Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг кулланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан: фалсафий нуқтаи назардан «сифат» тушунчаси, ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор хунарманд томонидан бу тушунча, бошқа мазмунда (ярокли, фойдали) қўлланилади.

Шунингдек у, бир тушунчага касб-хунари, ҳаётий тажрибаси ва дунёқараши турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юклатилишида ҳам намоён бўлади.

Бахс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибни алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади; уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Шунингдек, узбек халкига хос бўлган аския санъатида айният қонунлари атайлаб бузилишини, тушунчаларнинг уз маъносида эмас, балки кучма маъноларда кулланилишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз уйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик кочиришлар аския айтиувчининг маҳоратини курсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади.

Демак, ҳаётда, амалиётда тушунчанинг турли маъноларда кулланилишидан гаразли ёки бегараз, яхши ёки ёмон мақсадлар учун фойдаланиш мумкинлигини кўрамиз.

Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (ҳукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

Нозидлик қонуни

Инсон тафаккури аник, равшан бўлибгина колмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зидиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ходисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга булмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, ҳар хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли булмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб колган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йул куймасликни талаб куйилади ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ходиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно килувчи (қарама-қаршиёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, Хеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас була олмайди» формуласи орқали берилади. Нозидлик қонуни қарама-қаршива зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қаршимулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қаршимулоҳазаларда эса бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чикмайди. Масалан: «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси эмас»-бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлгани учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қаршибўлган «Бу дори ширин» ва «Бу дори аччиқ» мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччиқ ҳам бўлмаслиги, балки бемаза ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама-қарши фикр айтилганда мантикий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қаршификрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: Талаба А. мантиқ фанидан имтихон топширмади» ва «Талаба А. мантиқ фанидан имтихон топширди». Бу зид мулоҳазалар турли вақтга нисбатан чин бўлади, яъни улар ўртасида зиддият бўлмайди.

Демак, фикрлаш жараёнида, вақт, муносабат ва объект бирлигининг сақланиши нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит хисобланади. Нозидлик қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қилади.

Мантиқ илми умуман ҳар кандай зид мулоҳазаларни таъкикламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қаршимулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Формал мантиқ диалектик зиддиятлар билан мантикий зиддиятларни чалкаштириб юборишни коралайди. Мантикий тафаккурдаги зиддият билан реал ҳаёт зиддиятларини, яъни диалектик зиддиятни бир-биридан фарқлаш, уларни алмаштириб юбормаслик зарур. Чунки булардан биринчиси

тафаккурда йул куйиб бўмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ходисалар тараққиётининг ички манбаини ташқил қиладиган диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектов, иккинчиси объектив зиддиятдир.

Нозиддлик қонунини билиш ва унга амал қилиш ракибнинг, суҳбатдошнинг фикрларидаги мантиқсизликни аниқлаш, илмий таҳлилни изчил ва чуқур мантиқий асосда олиб бориш имконини беради

Истисно қонуни

Учинчи истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тулик мазмунини камраб олиб баён қилинган икки зад фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига урин йук эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А В еки В эмасдир» формуласи орқали берилади. Учинчиси истисно қонуни тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тулик, мазмунини камраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал қилмайди. Масалан,

Талаба имтихонда «аъло» баҳо олди. Талаба имтихонда «икки» баҳо олди.

Бу мулохазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қиладди. Чунки бу мулохазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтихонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтихонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтихонда «аъло» баҳо олмади», мулохазаларни таҳлил қилсак, унда бу мулохазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига урин йук эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» баҳолар-»аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан,

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулохазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулохазага урин йук. Учинчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий мулохазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулохазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан, Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Хеч бир файласуф нотик, эмас.

Бу мулохазалардан, бирининг ҳатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида ҳулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир мулохаза чин ҳисобланади.

2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулохазалар баён қилинганда, буюм ва ходисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулохаза билан шу синф буюм ва ходисаларининг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулохазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига урин бўлмайди.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар табиётшуноздир.

Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас.

Бу икки мулохаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам була олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи мулохазага урин йук.

Демак, Учинчиси истисно қонуни:

1. Икки зид якка мулохазаларга нисбатан;
2. Умумий тасдиқ ва жузъий инкор мулохазаларга нисбатан;
3. Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулохазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулохазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулохазанинг бир-бирини хажм жиҳатдан тулик инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тулик мазмунини камраб оловчи зид белгиларни ифодалайди.

Учинчиси истисно қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун уз кучини йукотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

Учинчиси истисно қонунини билиш муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

Етарли асос қонуни

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилиқ, ишончлилиқдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ходисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина колмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа булмаслиги учун, уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулохазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, тасдиқланган бошқа бир фикр, мулохаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математики Г Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд, нарсалар узининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ходисанинг реал асоси бўлгани каби, уларининг инъикоси бўлган фикр-мулохазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асосий сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб утилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади, Фикрлаш жараёнида берилган мулохазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулохазалар мантиқий асос деб, берилган мулохазанинг узи эса мантиқий натижа деб юритилади.

Мантикий асос билан объектив, хакикий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги мантикий боғлиқликни сабаб ва окибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор» деган мулохазани «У шифохонада даволанаяпти» деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулохазанинг сабаби эмас балки окибатидир. Кўриниб турибдики, мантикий асос ҳамма вақт ҳам ходисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга булишлигининг объектив манбаи фақат сабаб-окибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган булиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-окибат муносабатларидан ташкарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам уз ичига олади.

Фикр — мулохазаларни асослаш мураккаб мантикий жарен бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулохазани асослаш деганда, шу мулохазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гуруҳга: эмпирик ва назарий асосларга булиш мумкин. Булардан биринчиси асосан хиссий билиш тажрибага асосланса, иккинчиси аклий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегараланган бўлиб, сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулохазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли хиссий мушоҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Хиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг усткурмаси хисобланади.

Назарий асослашда кенг фойдаланиладиган усул-дедуктив хулоса чиқариш усули, яъни умумий чин мулохазаларга таяниб фикр юритишдир. Берилган мулохазани мантикий усул орқали бошқа чин мулохазалар ёрдамида асослаш мумкин бўлса, унда берилган мулохаза чин, яъни асосланган бўлади. Бунда фикрлар ўртасидаги боғланиш умумийлик, хусусийлик ва яккалик ўртасидаги ўзаро борлиқликни ифодалайди. Масалан, тўғри тафаккур қонунларининг объектив ҳарактерга эканлигини, барча илмий қонунларнинг объектив ҳарактерга эга эканлиги ҳақидаги умумий чин мулохаза ёрдамида асослаш мумкин.

Умумий чин мулохазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашнинг субъектив ҳарактерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллуқли бўлмаган усуллари мавжуддир. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-

одатларга асосланиш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб утилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қилади. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки : бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг ҳарактерига қараб амал қилади. Айният қонунига кўра фикрлаш жараёнида ҳар бир мулоҳаза катъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантиқий зиддиятларни келтириб чиқаради. Зид мулоҳазаларнинг чин ёки ҳатолигини аниқлаш уларни мантиқий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тулдирган ҳолда, яхлит мантиқий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

Мантиқ, ҳиссий билиш, тафаккур, тафаккур шакли, тафаккур қонуни, тўғри тафаккур, чин фикр, формал мантиқ, диалектик мантиқ, математик мантиқ. Тафаккур қонуни, тўғри муҳокама юритиш принциплари, тўғри қурилган фикр, айният қонуни, нозидлик қонуни, учинчиси истисно қонуни, етарли асос қонуни, авторитетларга асосланиш.

Адабиётлар

1. Ислон Қаримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Ислон Қаримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. «Мулоқот», 1998, №5.
3. Ислон Қаримов. Барқамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Ислон Қаримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида: Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Ислон Қаримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. - Т : «Ўзбекистон», 1999.
5. И.А. Қаримов. Миллий истиклол мафқўраси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоблар.Т., Ўзбекистон, 2000.
6. М. Ҳайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ., Тошкент. «Уқитувчи» 1993, 1-боб, 4-боб.

2-мавзу. Тушунча. Ҳуқм. (2-соат).

Режа:

1. Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунча ҳосил бўлишининг мантиқий усуллари.
2. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
3. Ҳуқмнинг моҳияти, таркиби ва асосий хусусиятлари.
4. Ҳуқмларнинг турлари. Ҳуқмларнинг сон ва сифат жиҳатидан бирлашган классификацияси.

1- масала. Тушунча предмет ва ходисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.

Белгилар деб, предметларни бир-биридан фарқ килувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода килувчи томонларга, хусусиятларга айтилади. Ҳар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан (бевосита ёки билвосита) алоқада бўлганлиги учун куп белгиларга эга. Уларнинг баъзилари фақат битта предметга хос бўлган, унинг **индивидуал, яккалик** белгиларини ташкил қилса, бошқалари предметнинг маълум бир гуруҳига тегишли бўлиб, **умумий белгилар** ҳисобланади. Масалан, ҳар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган рухий кечинмалар ва шу каби индивидуал белгиларга эга. Шунинг билан бирга кишиларнинг маълум бир гуруҳига (меҳнат жамоаси, миллат ва элат қабилаарга тегишли) ёки барча кишиларга (меҳнат қилиш, фикр юритиш қобилиятлари, ижтимоий муносабатларда иштирок қилиши ва шу қабилаар) хос бўлган умумий белгиларга эга.

Индивидуал ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, унинг табиатини, моҳиятини ифодалайди. Бундай белгилар предметнинг **муҳим белгилари** дейилади. Масалан, давлатнинг мавжуд бўлиши унинг ўз майдони, аҳолиси, ҳокимият органларига эга бўлишини тақозо этади.

Номуҳим белгилар предметнинг моҳиятини ташкил қилмайди. Уларнинг йўқолиши билан предметнинг табиати ўзгармайди. Масалан, қайси ирқда, миллатга, жинсга тааллуқли бўлиши индивиднинг инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас.

Шуни ҳам айтиш лозимки, предмет белгисининг муҳим ёки номуҳим бўлиши, бизнинг предметга амалда қандай муносабатда бўлишимизга қараб ҳам белгиланади. Хусусан, бир муносабатда муҳим бўлмаган белгилар, бошқа муносабатда муҳим бўлиши мумкин. Масалан, кишининг лаёқати унинг қандай касбни танлаши учун муҳим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас. Бундай муҳим белгилар предметнинг маълум бир муносабатдаги муҳим белгилари дейилиб, объектив муҳим белгилардан (предметнинг мавжуд бўлиши билан зарурий алоқада бўлган белгалардан) фарқ қилади.

Нихоят, предмет тухтовсиз ҳаракатда, тараққиётда бўлганлиги учун, вақт утиши билан унинг муҳим бўлган белгиси номуҳим бўлган белгига ёки, аксинча, номуҳим белгиси муҳим белгига айланиши мумкин.

Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билиш босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлса, назарий билиш босқичида унга камроқ мурожаат қилинади.

Демак, тушунчада предмет узининг муҳим белгилари орқали фикр қилиниб, бу белгилар предметнинг умумий ва индивидуал белгилари бўлиши мумкин. Масаяан, «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий» тушунчасида предметнинг умумий белгилари (инсон, ёзувчи) билан бир қаторда, индивидуал муҳим белгилари (хусусан, «Бой ила хизматчи» драмасининг муаллифи) ҳам фикр қилинади.

Тушунчанинг хиссий билиш шаклларида тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сезги, идрок ва тасаввур предметнинг яққол образларидир. Биз фақат бирорта конкрет предметни, масалан, узимиз ёзиб утирган каламни идрок қилишимиз ёки у тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. «Умуман каламни идрок қилиб бўлмайди. Чунки тушунча предметнинг яққол образи эмас, балки абстракт образидир. Калам тушунчаси ўзида конкрет каламларнинг барчасини камраб олгани ҳолда, уларнинг ҳар бирига хос бўлган индивидуал белгиларни ташлаб юбориб, умумий, муҳим белгиларини ифода қилади. Айни пайтда бу белгилар каламни бошқа предметлардан, масалан, китобдан фарқ қилдириб турадиган специфик белиглар бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тушунча предметнинг номуҳим белгиларидан четлашар экан, демак уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у хиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқдан узоқроқда туради. Лекин, тушунча предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан хиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқни чуқурроқ туларок ифода этади.

Тушунча, хиссий билиш шаклларида фарқли уларок, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантикий усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади. Бу усуллар таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлардан иборат.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир-биридан фарқ қилдирувчи индивидуал белгилари аниқланади.

Таққослаш анализни тақозо қилади. Чунки предметларни яхлит ҳолда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар ажратилиши лозим. **Анализ** ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисмлар томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида урганилади.

Синтез анализга тескари усул бўлиб, у анализ давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун холига келтиришдан иборат. Синтез булмаса предмет ҳақида яхлит фикр ҳосил қилиб бўлмайди. Анализ ва синтез узвий боғлиқдир.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар билан аниқланган умумий ва индивидуал белгиларининг муҳимлари ажратилиши, номуҳимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса **абстракциялаш** ёрдамида амалга оширилади.

Умумлаштиришда предметлар уларнинг айрим умумий, муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тарика битта тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет тарзда намоён бўлишидир. Тушунчалар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан «талаба», «тарих факултети», «Ўзбекистан миллий университети» ва шу кабилар сўзлардан иборат. Лекин бундан тушунча ва

сўз айнан бир хилдир, деган хулоса келиб чикмаслиги керак. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир тилда ҳам турли хил сўзлар билан ифода қилинади. Тилимиздаги омоним ва синоним ходисалари сўз ва тушунчанинг нисбий мустақил ҳолда мавжудлигидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзнинг куп маънога эга бўлиши баъзан фикр юритиш жараёнида тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шунинг учун ҳам фан ва техникада кўпроқ терминлардан фойдаланилади. Термин катъий битта тушунчани ифода қилувчи сўз бўлиб, муайян илмий билиш соҳасида бир хил маънода ишлатилади.

2-масала. Тушунча узининг мазмуни ва хажмига эга. Тушунчанинг мазмунини унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари йигиндиси ташкил этади. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари, яъни унинг амалиёт билан алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив чин (ҳақиқий) билимлар системасидан иборат бўлиши, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қилади.

Тушунчанинг хажми эса унда фикр қилинаётган предметлар йигиндисидан иборат. Масалан, юқорида мисол қилиб келтирилган «фан» тушунчасининг хажми мавжуд барча фанларни: математика, физика, мантик ва хоказоларни ўзида қамраб олади.

Тушунчанинг мазмуни ва хажми узвий боғлиқ бўлиб, у тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тесқари нисбат қонуни ёрдамида ифодаланади. Бу қонунга мувофиқ тушунчанинг хажми кенгайтирилса, мазмуни тораяди ва аксинча хажми торайтирилса, мазмуни кенгаяди. Масалан, «Фан» тушунчасининг мазмунита «мантиқга оид бўлиш» белгисини кушиш билан хажм жиҳатидан ундан торроқ бўлган «мантиқ фани» тушунчасига утилади.

«Фан» тушунчасининг хажмини кенгайтириш билан мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ бўлган «ижтимоий онг шакли «тушунчаси ҳосил қилинади. Бунда фақат фанга хос бўлиб, бошқа ижтимоий онг шаклларида, масалан санъатда бўлмаган специфик белгилар тушунча мазмунидан чиқариб ташланади.

Бу қонун тушунчалар билан олиб бориладиган катор мантиқий амаллар асосида ётади.

Мантиқда тушунчалар мазмуни ва хажми бўйича бир канча турларга бўлинадилар. Хусусан, хажмига кўра якка ва умумий тушунчалар фарқ қилинади.

Якка тушунчанинг хажмида битта предмет фикр қилинади. Масалан, «Ер планетаси», ўзМУ асосий кутубхонаси» ва шу кабилар якка тушунчалардир. Умумий тушунчалар предметлар гуруҳини акс эттиради. «Планета», «Кутубхона» тушунчалари умумий тушунчалар ҳисобланади. Умумий тушунчалар акс эттирувчи предметларнинг микдори чегараланган ва

чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, «химиявий элемент» тушунчасида фикр қилинаётган предметлар сони чегараланган. Уларни ҳисобга олиш мумкин. «Юлдуз» тушунчаси ҳажмини ташкил қилувчи предметлар сони эса чексиз, уларни ҳисобга олиб бўлмайди.

Фикр юритиш жараёнида айирувчи ва тупловчи тушунчаларни фарқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айирувчи тушунча шундай умумий тушунчаки, у акс эттирувчи белгилар берилган синфнинг ҳар бир предметига хосдир. Масалан, «УзМУ талабалари иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессия материалларини урганмоқда деган фикр УзМУнинг ҳар бир талабасига тегишли. Демак, «УзМУ талабалари» тушунчаси бу ерда айирувчи тушунчадир. «УзМУ талабалари иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунларини муҳокама этишмоқда» деган фикрда эса, «УзМУ талабалари» тушунчаси тупловчи тушунча сифатида иштирок қилади, чунки фикр уларнинг тупламига нисбатан билдирилган.

Мазмуни бўйича тушунчалар, аввалам бор, абстракт ва конкрет тушунчаларга бўлинадилар. Конкрет тушунчаларда предмет узининг белгилари билан биргаликда фикр қилинади. Абстракт тушунчаларда эса предметнинг белгилари ундан фикран ажратиб олиниб, алоҳида акс эттирилади. Масалан «Инсон», «Табиат» тушунчалари-конкрет тушунчалар, «кахрамонлик» (инсонга хос хусусиятни акс эттиради), «Гузалик» (борлиқдаги предметларга хос хусусиятни ифода қилади) тушунчалари абстракт тушунчалардир,

Мазмуни бўйича яна нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларни ҳам ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустақил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. «Давлат», «Бадий асар» ана шундай тушунчалардир.

Нисбатдош тушунчалар эса зарурий равишда бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қиладиган предметларни акс эттиради. Масалан, «Укутувчи» ва «Укувчи», «Ижобий кахрамон» ва «Салбий кахрамон», «Сабаб» ва «Окибат» тушунчалари нисбатдош тушунчалар каторига киради.

Баъзи ҳолларда ижобий ва салбий тушунчалар ҳам фарқ қилинади. Ижобий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос белгилар орқали фикр қилинса, салбий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос бўлмаган белгилар орқали фикр қилинади. Масалан, «Саводли киши», «Виждонли киши» - ижобий тушунчалар, «Саводсиз киши», «Виждонсиз киши» - эса салбий тушунчалардир

Объектив дунёдаги барча предмет ва ҳодисалар ўзаро алоқада бўлганлиги учун, уларни акс этирувчи тушунчалар ҳам ўзаро маълум бир алоқаларда, муносабатларда мавжуд. Бу муносабатлар турли хил бўлиб, уларни аниқлаш учун, авваламбор, таққосладиган ва таққосланмайдиган тушунчаларни фарқ қилиш лозим.

Таққосладиган тушунчалар умумий белгиларга эга бўлган, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бир-бирига яқин турган тушунчалардир. Масалан, «Металлург» ва «Ишчи» тушунчалари ана шундай таққосладиган

тушунчалар хисобланади.

Таққосланмайдиган тушунчалар эса, бир-бири билан узоқ алоқада бўлган, куп холларда моддий ёки идеал булишдан бошқа умумий белгига эга бўлмаган предметларни акс эттирувчи тушунчалардир. «Ижтимоий прогресс» ва «Зухро юлдузи», «Идеал газ» ва «Гўзаллик» тушунчалари таққосланмайдиган тушунчалар деб хисобланади. Мантиқда таққосланмайдиган тушунчалар ўртасидаги мантикий муносабатлар урганилмайди. Таққосланадиган тушунчалар эса хажм жиҳатидан сивишадиган ва сивишмайдиган бўлади.

Сивашидиган тушунчаларнинг хажми бир-бирига бутунлай, тулалигича ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва буйсуниш. 1. Мослик муносабатидаги тушунчалар битта предметни (предметлар синфини) акс эттирувчи тушунчалар бўлиб, улар бир-биридан фақат мазмуни билангина фарқ қилади. Масалан,

«И.А.Каримов», «Ўзбекистон Республикасининг Президенти» тушунчалари худди шу муносабатда мавжуддир. Буни қуйидаги схема ёрдамида курсатиш мумкин.

А-И.А. Каримов.

В-Ўзбекистон Республикаси Президенти.

2. Қисман мослик муносабатидаги қисман умумийликка эга. Масалан: А-Спортчи.

В-Талаба.

Доираларнинг штрихланган қисми бир вақтнинг ўзида ҳам спортчи, ҳам талаба бўлганларни билдиради.

3. Буйсуниш муносабатида тушунчалардан бирининг хажми иккинчисининг хажмига тулик, кириб, уни ташкил қилувчи қисм хисобланади. Масалан:

А-Фан.

В-Мантиқ.

Бу муносабатдаги тушунчалардан бири буйсундирувчи (А), иккинчиси (В) буйсинувчи бўлиб, улар жинс-тур муносабатида бўлади. Жинс тушунча предметларнинг бирорта синфини, тур тушунча эса шу синфга мансуб предметларнинг бир гуруҳини ёки биттасини акс эттиради. Мантиқда у ёки бу тушунчанинг жинс ёки тур эканлиги нисбий ҳарактерга эгадир. Ҳар бир тушунча ўзидан умумийроқ тушунчага нисбатан тур, қамроқ умумлашган тушунчага нисбатан жинсдир. Масалан, миллий ғоя, ғоя, фикр тушунчалари ўртасида қуйидаги нисбат мавжуд: «Ғоя» тушунчаси «Фикр» тушунчасига нисбатан тур, «Миллий ғоя» тушунчасига нисбатан жинс бўлади.

Сивишмайдиган тушунчалар хажми жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалар хисобланиб, бир синфга қирувчи ҳар хил предметларни ёки предметлар гуруҳини акс эттиради. Уларнинг умумийлиги фақат ана шунда. Бу тушунчалар ўртасида ҳам уч хил муносабат бор: бирга буйсуниш, қарама-қаршилиқ, зидлик.

1. Бирга буйсуниш муносабати қуйидаги тушунчалар ўртасида мавжуддир.

А-Фан.

В-Мантиқ.

С-Физика.

Бунда «Мантиқ» ва «Физика» тушунчалари хажмлари жиҳатидан биргаликда «Фан» тушунчасининг хажмига буйсунади.

2.Карама-каршилиқ муносабатидаги тушунчаларнинг хажмлари бир-бирини истисно қилади. Улар предметнинг (предметлар гуруҳининг) карама-каршибелгиларини акс эттиради, яъни бири предметнинг маълум бир белгисини ифода қилса, иккинчиси уни инкор қилувчи бошқа белгини акс эттиради. Карама-каршилиқ муносабатидаги тушунчалар узлари буйсунадиган тушунчанинг хажмини тулик эгаллай олмайди. Масалан, «Баланд буйли одам» ва «Паст буйли одам» тушунчалари «Одам» тушунчасининг хажмини тўлиқ қоплай олмайди

А-Одам.

В-Баланд буйли одам.

С-Паст бўйли одам.

3.Зидлик муносабатидаги тушунчалардан бири предметнинг бирорта хусусиятини ифода қилса, иккинчиси уни инкор қилади ва мазмун жиҳатидан ноаниқ бўлиб қолади. Зидлик муносабатидаги тушунчалар, карама-каршилиқ муносабатидаги тушунчалардан фарқли уларок, буйсундирувчи тушунчанинг хажмини тулик қоплайди. Масалан,

А-Одам.

В-Баланд буйли одам,

С-Баланд буйли эмас одам.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш тушунчалар устида олиб бориладигани амаллар ҳисобланади. Улар тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тесқари микдорий нисбат қонунига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Тушунчани умумлаштириш- билиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бу амал натижасида бизнинг фикримиз яккадан умумийга, таркок тушунчадан кенгрок тушунчага қараб боради. Хажми кичикрок тушунчадан хажми каттарок тушунчага бориш умумлаштириш деб аталади. М. «ботаника» ва «биология»- Фан.

Тушунчаларни умумлаш натижасида умумий тушунчадан энг умумий тушунчаларга боради.Энг умумий тушунчалар категориялар деб аталади.

Хажми каттарок тушунчаларни, хажми кичикрок тушунчага келтириш чегаралаш деб аталади. Чегаралаш хажми кенг тушунчадан хажмига тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран утишдан иборат. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил булгунча давом эттирилиши мумкин.

А - Жамики мавжудот

В- Хайвонот олами

С – Умурткалилар

Д – от

Е- кора байир.

Умумлаштириш ва чегаралаш фан ва амалий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлаш операциясидир. Агар умумлаштириш орқали нарсалар ва ходисаларнинг муҳим, бир- бирига ўхшаш томонларини билсак, чегаралаш орқали ҳар бир нарсанинг ўзига хос, конкрет томонини биламиз. Уларнинг ички хусусиятини аниқлаймиз.

3-масала. Ҳукм предметга маълум бир хоссанинг, муносабатнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Ҳукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни курсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ходисаларнинг оддий, ташқи хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурий боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ходисаларнинг хусусиятларини кетма-кет урганиб, улар ҳақида турли абстракциялар ҳосил киламиз. Бу абстракциялар ҳукмлар ёрдамида ифодаланади. Билимларимиз турлича бўлгани учун, уларни ифодаладиган ҳукмлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи ҳукмларда аниқ, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида хусусиятнинг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади.

Ҳукмлар нисбатан тугал фикрдир. Унда конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳақида билим ифода қилинган бўлди.

Ҳукмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Обьектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вақдда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган ҳукмлар — ноаниқ ҳукмлар мавжуддир.

Ҳукмлар тилда гаплар орқали ифодаланади. Ҳукм мантиқий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Ҳукмлар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади.

Масалан, «Вақт орқага кайтмайди», «Ҳаёт-бу ҳаракат» каби гаплар ҳукмни ифода қиладилар.

Ҳукмлар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий деб таркибидан яна бир ҳукмни ажратиб бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Таркибидан икки ёки ундан ортиқ ҳукмни ажратиш мумкин бўлган мулоҳазаларга мураккаб ҳукм дейилади. Масалан, «Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради» деган мулоҳаза оддий ҳукмни ифодалайди. «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини урганади», деган мулоҳаза мураккаб ҳукмдир. Бу мулоҳазанинг таркиби икки қисмдан: «Мантиқ илми тафаккур шакллари урганади» ва «Мантиқ илми тафаккур қонунларини урганади», деган икки оддий ҳукмдан иборат.

Мулоҳаза (ҳукм) таркибида мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб курсатиш мумкин. Мантиқий эга-субъект (S) фикр қилинаётган предмет ва ходисани билдиради. Мантиқий кесим-предикат (P) предметга хос хусусиятни, муносабатни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар хисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва

предикати унинг терминлари деб аталади.

Хукмнинг учинчи зарурий элементи мантикий богламадир. У субъект ва предикатни бир-бири билан боглайди, натижада хукм хосил бўлади. Оддий катъий хукмнинг формуласи қуйидагича ёзилади: S-P.

4-масала. Оддий хукмлар сифати ва микдорига кўра турларга бўлинади. Сифатига кўра тасдиқ ва инкор хукмлар фарқланади. Хукмнинг сифатини мантикий боглама белгилайди. Тасдиқ хукмларда белгининг предметга хослиги, инкор хукмларда, аксинча, хос эмаслиги курсатилади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясининг муаллифидир»-тасдиқ хукм, «Математика ижтимоий фан эмас»-инкор хукм. Микдорига кўра оддий хукмлар якка, умумий ва жузъий хукмларга бўлинади. Бунда субъектда ифодаланган предметларнинг сони, яъни унинг хажмидан келиб чиқилади.

Якка хукмларда бирорта белгининг предметга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатдир», «Ахмедов тарихчи эмас».

Умумий хукмларда бирорта белгининг якка предметлар синфининг ҳаммасига ёки ундаги ҳар бир предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида фикр баён қилинади. Масалан: «Ҳар бир инсон бахтли булишни хоҳлайди», ва «Ҳеч бир аклли одам вақтини беҳуда сарфламайди». Жузъий хукмларда бирорта белгининг предметлар тупламининг бир қисмига хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «Баъзи файласуфлар нотикдир». «Купчилик талабалар дангаса эмас». Жузъий хукмларда «баъзи» сўзи «ҳеч булмаса биттаси, балки ҳаммаси» деган маънода қўлланилади. Шунга кўра «Баъзи тошлар тирик мавжудот эмас», деган хукм чин бўлади, чунки ҳеч бир тош тирик мавжудот эмас.

Маълум маънода якка хукмларни умумий хукмлар билан тенглаштириш мумкин. Чунки ҳар икки хукмда ҳам тупламдаги предметларнинг ҳар бирига нимадир тааллуқли ёки тааллуқли эмас, деб кўрсатилади. Якка хукмларда эса бу тўплам биргина предметдан иборат бўлади.

Мулохазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа ҳолатларда оддий хукмларнинг микдор ва сифати бўйича бирлашган классификациям (асосий турлари) дан фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Умумий тасдиқ хукмлар. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини урганадилар». Бу хукмлар лотин алифбосидаги А ҳарфи билан белгиланади ва «ҳамма S-Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

2. Умумий инкор хукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди». Бу хукм «Ҳеч бир S-P эмас» формуласи орқали ифодаланади ва лотинча Е ҳарфи билан белгиланади.

3. Жузъий тасдиқ хукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар масъулиятли». У

лотинча I ҳарфи билан белгиланади ва «Баъзи S-P дир» формуласи орқали ифодаланади.

4. Жузъий инкор ҳукм бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар спорт билан шугулланмайдилар». Унинг формуласи «Баъзи S-P эмас» бўлиб, лотинча O ҳарфи билан белгиланади.

Оддий ҳукмлардаги терминлар (S ва P) тушунчалар орқали ифодаланганлиги туфайли уларнинг хажмига кўра ўзаро муносабатларини аниқлаш мумкин. Ҳукмларда терминлар (S ва P) тулик ёки туликсиз хажмда олинган бўлади. Термин тулик хажмда олинганда унинг хажми бошқа терминнинг хажмига тулик мос бўлади ёки мутлақо мос бўлмайди (уларнинг хажми бир-бирини истисно қилади). Термин туликсиз хажмда олинган бўлса, унда унинг хажми бошқасининг хажмига қисман мос келади ёки ундан қисман истисно қилинади. Оддий ҳукмларда терминлар хажми қуйидагича бўлади:

1.A - Умумий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тулик хажмда олинган бўлади. Предикати эса баъзан тулик, баъзан туликсиз хажмда бўлади. Масалан: «Ҳамма инсонлар тирик мавжудотдир».

Бу ҳукмнинг субъекти — «Инсон», предикати — «Тирик мавжудот» тушунчасидир, «Ҳамма» -умумийлик квантори. Бу ҳукмнинг субъекти тулик хажмда олинган, чунки унда ҳамма инсонлар тўғрисида фикр билдирилган ва бу тушунча «тирик мавжудот» тушунчасининг хажмига тулик киришади. Унинг предикати тулик хажмда олинмаган, чунки унда тирик мавжудотларнинг бир қисми-инсонлар ҳақида фикр юритилади.

Умумий тасдиқ ҳукмларнинг баъзиларида S ҳам, P ҳам тўла хажмда бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳамма мусулмонлар Ислом динига эътиқод қиладилар»

2.E — Умумий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳам, предикати ҳам тулик хажмда олинган бўлади. Масалан, «Ҳеч бир диндор эътиқодсиз эмас». Бу ҳукмда S — диндорларни, P — эътиқодсизларни ифодалайди, ҳеч бир — умумийлик кванторидир. Бунда ҳар икки терминнинг хажми бир-бирини истисно қилади

3. I — Жузъий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт туликсиз хажмда олинади, предикати эса баъзан тулик баъзан туликсиз хажмда бўлади. Масалан: «Баъзи талабалар инглиз тилини билади» ҳукмнинг терминлари қуйидагича: S — талабалар, P — инглиз тилини биладиганлар, баъзи — мавжудлик квантори. Бу ҳукмда S ҳам P ҳам туликсиз хажмда олинган бўлиб, ҳар икки терминнинг хажми бир-бирига қисман мос келади

4. O — Жузъий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт туликсиз хажмда, предикати эса тулик хажмда олинади. Масалан, «Баъзи ёшлар хунарманд эмас». Бу ҳукмнинг терминлари S — ёшлар, P — хунарманд эмаслар, баъзи — мавжудлик квантори. Ҳукмнинг субъекти тулик хажмда олинмаган, унда ёшларнинг бир қисми ҳақида фикр юритилади, холос. Ҳукмнинг предикати эса тулик хажмда олинган. Унда хунармандларнинг ҳаммаси ҳақида фикр билдирилган .

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, умумий ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тулик ҳажмда, жузъий ҳукмларнинг субъекти туликсиз ҳажмда олинади. Инкор ҳукмларнинг предикати ҳамма вақт тулик ҳажмда бўлади. Тасдиқ, ҳукмларнинг предикати $P < S$ бўлгандагина тулик ҳажмда бўлади, бошқа ҳолларда эса туликсиз ҳажмда олинади.

Ҳукмларда терминлар ҳажмини аниқлаш катъий силлогизмни тўғри тузишда ва бевосита хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Оддий ҳукмларда терминлар ҳажмини қуйидаги схема орқали яққол ифодалаш мумкин. Бунда «+» — тулик ҳажмни, «-» туликсиз ҳажмни билдиради.

Предикатнинг мазмунига кўра оддий ҳукм турлари. Улар қуйидагилардан иборат: атрибутив ҳукмлар, мавжудлик ҳукмлари ва муносабат ҳукмлари. Атрибутив (сифат ва хусусият) ҳукмларда бирор хусусиятнинг предметга хослиги ёки хос эмаслиги аниқ катъий қилиб курсатилади. Шунинг учун атрибутив ҳукмларни бирорта предметнинг синфга кириши (мансублиги) ёки кирмаслиги (мансуб эмаслиги) ҳақидаги ҳукм деб таърифласа бўлади.

Масалан: «Ҳамма дарахтлар ўсимликлардир» ва «Ҳеч бир ўсимлик ҳайвон эмас». Биринчи ҳукмда дарахтларнинг ўсимликлар синфига кириши ҳақида фикр билдирилса, иккинчи ҳукмда ўсимликлар ва ҳайвонлар синфининг ўзаро ҳеч қандай умумийликка эга эмаслиги ҳақида фикр билдирилган.

Иккита, учта ва хоказо предметлар ўртасида муайян муносабатларнинг бўлиши ёки булмаслигини ифодалаган ҳукмларга муносабат ҳукмлари дейилади. Масалан: «Бутун булакдан катта». «Икки-учдан кичик сон». Биринчи ҳукмда «катталиқ» муносабати бутун ва булак ўртасида бўлиши тасдиқланса, иккинчи ҳукмда уч сони билан икки сонининг муносабати ҳақидаги фикр тасдиқланган.

Муносабат ҳукмлари сифатига кўра тасдиқ ёки инкор ҳукм турларига бўлинади. Тасдиқловчи муносабат ҳукмларда предметлар ўзаро муаян муносабатда эканликлари ҳақида фикр билдирилади. Инкор этувчи муносабат ҳукмларда эса предметлар ўртасидаги муаян муносабатларнинг мавжуд эмаслиги ҳақида фикр билдирилади.

Муносабат ҳукмлари микдорига кўра ҳам турларга бўлинади. Хусусан, икки уринли муносабат ҳукмлари микдорига кўра якка-якка, умумий-умумий, хусусий-хусусий, якка-умумий, якка-жузъий, умумий-жузъий, жузъий-умумий турларга бўлинади.

Масалан: «Укаси акасидан баланд» (якка-якка); «Группамизнинг ҳар бир студенти факультетимиздаги ҳамма уқитувчиларни билади» (умумий-умумий); «Группамиздаги баъзи талабалар баъзи хинд кино юлдузларини яхши биладилар» (жузъий-жузъий). «Тарих уқитувчиси группамиздаги ҳар бир талабани яхши билади» (якка-умумий); «Дустим баъзи масалаларни еча олади» (якка-жузъий); «Группамиздаги ҳамма талабалар инглиз тилини урганадилар» (умумий-якка); «Группамиздаги баъзи талабалар француз

тилини урганадилар» (жузъий-якка); «Группамиздаги баъзи талабалар «Пахтакор» командасининг ҳар бир уйинчисини биладилар» (жузъий-умумий).

Уч уринли, турт уринли ва хоказо муносабат ҳукмлари ҳам юқоридаги каби турларга булинадилар.

Атрибутив ва муносабат ҳукмларидан бошқа яна мавжудлик ҳукмлари (Кутубхонада мантиқ дарслиги бор), айният ҳукмлари («А-В» кўринишда бўлган) ва модал ҳукмлар (эхтимол ёмгир ёради) ни курсатиш мумкин. Баъзи дарсликларда улар оддий катъий ҳукм турлари сифатида талкин қилинади. Биз бу ҳукм турларини алоҳида кўриб чикмаймиз, чунки мавжудлик ҳукмларини купинча атрибутив ҳукмлар кўринишида, айният ҳукмларини муносабат ҳукмлари кўринишида талкин қилиш мумкин.

Шунингдек, оддий ҳукм турлари сифатида ажратиб курсатувчи ва истисно килувчи ҳукмлар ҳам фарқланади. «Группамиз талабаларидан фақат 4 киши мусобакада катнашади». Бу ажратиб курсатувчи ҳукмдир. «Мантиқ тарихи» курсидан бошқа ҳамма уқитиладиган фанлардан дарсликлар етарли». Бу истисно килувчи ҳукмдир.

Ҳукм терминлари бирдан ортик бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмлар «ва», «ёки», «агар...унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортик оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига кўра мураккаб ҳукмларнинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар деб икки ва ундан ортик оддий ҳукмларнинг «ва» «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий боғловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмларга айтилади. Масалан: 1.»Кунгирок чалинди ва дарс бошланди». 2.»А, Навоий шоир ва давлат арбоби бўлган». 3. «Муҳаммад Хоразмий ва Ахмад Фаргонийлар математика фанининг ривожланишига катта хисса қўшганлар».

Биринчи бирлаштирувчи ҳукм икки мустақил оддий ҳукмнинг боғланишидан ҳосил бўлган. Иккинчи ҳукмда бир хил субъектга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Учинчи бирлаштирувчи ҳукмда эса, бир хил предикатга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Узбек тилида бирлаштирувчи ҳукмлар «аммо», «лекин», «бирок, каби боғламалар ва (,) воситасида ҳам тузилади. Мантиқий боғламалар конъюнкция белгиси, “^” орқали ифодаланади.

Конъюнктив (бирлаштирувчи) ҳукм таркибидаги оддий ҳукмларни «р» ва «q» шартли белгилари билан белгиласак, унда бу ҳукм» $p \wedge q$ формуласи орқали ифодаланади. Конъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар чин ёки хато бўлиши мумкин. Таркибидаги ҳамма оддий ҳукмлар чин бўлганда, бирлаштирувчи ҳукм чин бўлади. Бошқа ҳамма ҳолатларда эса, хато бўлади. Масалан, «Ёлгон гапириш ва угирлик қилиш жиноятдир» ҳукмидаги биринчи оддий гап «Ёлгон гапириш жиноятдир» чин бўлмаганлиги учун, бу ҳукм чин бўлмайди.

Айирувчи (дизъюнктив) ҳукм деб «ё», «ёки», «ёхуд» мантикий боғламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳазага айтилади. Бу боғловчилар икки оддий ҳукмни ёки бир канча предикатларни, ёки бир канча субъектларни бир-биридан айириб туради. Масалан: «Кодиров фалсафа, ёки социология, ёки психология булимида укийди». «Иккинчи соатда ё математика, ёки чет тили дарси бўлади». Айирувчи борламалар «V»-дизъюнкция белгиси орқали ифодаланади. Айирувчи (дизъюнктив) ҳукмлар оддий ёки катъий турларга булинади. У оддий дизъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлардан бири ёки ҳаммаси чин бўлиши мумкин, катъий дизъюнктив ҳукмда эса таркибидаги оддий ҳукмлардан фақат биттаси чин бўлади. Оддий дизъюнктив ҳукм $(p \vee q)$ формуласи билан, катъий дизъюнктив ҳукм $p \vee q$ формуласи билан белгиланади.

«Х.Х Ниёзий шоир ёки драматургдир». Бу оддий дизъюнктив ҳукм. «Абдуллаев мусобакада ё ютади, ютмайди». Бу катъий дизъюнктив ҳукм.

Шартли (имплекатив) ҳукм икки оддий ҳукмнинг «агар...унда» мантикий боғламаси орқали бирикишидан ташкил топади. Шартли ҳукмнинг моҳиятини аниқлаш учун зарурий ва етарли шарт тушунчаларини фарқлаш зарур. Ходисанинг зарурий шарти деб, унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатга айтилади. Агар ходисанинг шарти зарурий булмаса, ходиса ҳам бўлмайди. Масалан: «Агар ўсимлик сувсиз колса, у курийди». Ходиса учун етарли бўлган шарт деб, ҳар сафар шу шарт бўлганда, уша ходиса кузатиладиган ҳолатга айтилади. Масалан: «Агар ёмгир ёгса, унда уйларнинг томи хул бўлади». Шартлар «етарли, лекин зарурий бўлмаган», «зарурий лекин етарли бўлмаган», «зарурий ва етарли» бўлиши мумкин.

Шартли ҳукм таркибида асос ва натижа қисмлари фарқланади. Шартли ҳукмнинг «Агар» ва «унда» сўзлари ораллигидаги қисми — асос, «Унда» сўзидан кейинги қисми — натижа деб аталади. «Агар ёмгир ёгса, унда уйларнинг томи хул бўлади» ҳукмида «Ёмгир ёгса» ҳукми асос, «уйларнинг томи хул бўлади» ҳукми — натижа ҳисобланади.

Демак, асосда курсатилган ходиса, натижада қайд этилган ходисанинг келиб чиқиши учун етарли шартни ифодалаган ҳукм, шартли ҳукм дейилади.

Шартли (имплекатив) ҳукмлар «агар ... унда» мантикий боғламаси (_ --) белги билан ифодаланади. Хозирги замон мантиқ илмида эса () симболи билан белгиланади. Бу символлар моддий импликация белгиси деб аталади. Шартли ҳукм эса имплекатив ҳукм деб юритилади. Имплекатив ҳукмнинг асоси - антецедент, натижаси-консеквент дейилади. Имплекатив ҳукм антецедент-чин, консеквент-хато бўлган ҳолатдан бошқа ҳамма кўринишларда чин бўлади:

Эквивалентлик ҳукмлари «агар ва фақат агар ... унда» мантикий боғловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик ҳукми шартли ҳукм кўринишида ифодаланади. Бундай ҳолатларда шартли ҳукмнинг эквивалент ҳукм эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар шартли ҳукмнинг асоси натижада қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. Масалан» Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса,

унда у иккига колдиксиз булинади».

Эквивалент ҳукмнинг мантикий богловчиси (--) симболи, яъни (моддий) эквивалентлик белгиси билан ифодалана.

Мулохазалар (ҳукмлар) ҳам тушунчалр каби таққосланадиган (умумий субъект ёки предикатга эга бўлган) ва таққосланмайдиган турларга булинади. Таққосланадиган мулохазалар сивишадиган ёки сивишмайдиган бўлади. Мантикда икки мулохаза (р ва q) дан бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги зарурий келиб чиқадиган бўлса, улар ўзаро сивишмайдиган мулохаза (ҳукм) лар дейилади. Сивишмайдиган мулохаза (ҳукм) лар бир вақтда чин була олмайди. Сивишадиган мулохазалар айнан бир фикрни тулик ёки қисман ифодалайди. Сивишадиган мулохаза (ҳукм) лар ўзаро эквивалентлик, мантикий буйсуниш ва қисман мос келиш (субконтрар) муносабатида бўлади.

Сивишмайдиган ҳукмлар қарама-қаршилик (контрар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Мулохаза (ҳукм) лар ўртасидаги муносабатларнинг схематик ифодаси «мантикий квадрат» деб аталади. Мантикий квадрат орқали мулохаза (ҳукм) лар ўртасидаги чинлик муносабатлари аниқланади. Масалан, «Ҳар бир жамият уз ахлоқий нормаларига эга». Бу А — умумий тасдиқ мулохаза (ҳукм). Е, I, O кўринишларда қуйидагича ифодаланади:

Е. Ҳеч бир жамият уз ахлоқий нормаларига эга эмас.

I. Баъзи жамиятлар уз ахлоқий нормаларига эга.

O. Баъзи жамиятлар уз ахлоқий нормаларига эга эмас.

Бу ҳукмлар таққосланадиган мулохаза (ҳукм) лар бўлиб, улар ўртасида чинлигига кўра ўзига хос муносабатлар мавжуддир.

Сивишмайдиган мулохаза (ҳукм) лар ўртасида қарама-қаршилик (контрар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатлари бўлади. Қарама-қаршилик муносабати мазмунига кўра турлича бўлган умумий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлиб, бу муносабатга кўра уларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин була олмайди. Бу ҳукмлар бир вақтда хато бўлиши мумкин; агар улардан бирининг чинлиги аниқ бўлса, унда бошқаси албатта хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А — мулохаза (ҳукм) чин, Е — мулохаза (ҳукм) хато эканлиги маълум бўлади.

Зидлик муносабати мазмуни ва ҳажмига кўра турлича бўлган мулохаза (ҳукм) лар ўртасида мавжуд бўлади. Бу мулохаза (ҳукм) ларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўлмайди. Улардан бири ҳамма вақт чин, бошқаси эса хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А — мулохаза (ҳукм) чин бўлиб, O — мулохаза (ҳукм) хатодир. Шунингдек, I — мулохаза (ҳукм) чин, Е — мулохаза (ҳукм) хатодир.

Сивишадиган мулохаза (ҳукм) лардан мазмуни бир хил, ҳажми турли хил бўлган ҳукмлар ўзаро бўйсиниш муносабатида бўлади. Бунда умумий мулохаза (ҳукм) лар бўйсиндирувчи, жузъий мулохаза (ҳукм) лар бўйсинувчи бўлади. Бўйсунуш муносабатида умумий ҳукмлар чин бўлса, уларга бўйсинувчи жузъий ҳукмлар ҳам чин бўлади. Лекин жузъий ҳукмлар чин бўлганда, умумий ҳукмлар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади. Юқоридаги

мисолдан А -мулохаза (ҳукм) чин бўлгани учун унга буйсинувчи I — мулохаза (ҳукм) ҳам чин бўлади. Агар умумий мулохаза (ҳукм) лар хато бўлса уларга буйсинувчи жузъий ҳукмлар ноаник (чин ёки хато) бўлади. Мисолимизда Е — мулохаза (ҳукм) хато бўлгани учун, О -мулохаза (ҳукм) ҳам хато бўлади. Баъзи ҳолатларда умумий ҳукмлар хато бўлса, жузъий ҳукмлар чин бўлади.

Кисман мослик (субконтрар) муносабати мазмуни ҳар хил бўлган жузъий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси бир вақтда хато бўлмайди. Агар улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, унда бошқаси албатта чин бўлади. Юқоридаги мисолимизда О - мулохаза (ҳукм) нинг хатолиги аниқ бўлгани учун, I - мулохаза (ҳукм) чиндир.

Эквивалентлик муносабатидаги ҳукмлар ҳамма вақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклда ифодаланади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг муаллифи» ва «А. Орипов — Ўзбекистон Кахрамони» мулохаза (ҳукм) лари ўзаро эквивалентдир, яъни улар бир хил субъектга, лекин ҳар хил предикатга эга бўлган мулохаза (ҳукм) лардир.

Хуллас ҳукмларнинг чинлигига кўра муносабатини ифодаловчи юқорида курсатилган қонуниятлар билишда катта аҳамиятга эга.

Мавзунинг таянч тушунчалари

тушунча, тушунчанинг мазмуни, тушунчанинг ҳажми, тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тесқари нисбат қонуни, умумий тушунча, яқка тушунча. айирувчи тушунча, тупловчи тушунча, абстракт тушунча, конкрет тушунча, нисбатсиз тушунчалар, нисбатдош тушунчалар, ижобий тушунча, салбий тушунча, тушунчанинг мантиқий тавсифи, таққосланадиган тушунчалар, таққосланмайдиган тушунчалар, сиғишадиган тушунчалар ва улар ўртасидаги муносабатлар (мослик, кисман мослик, оуйсунуш)» сиғишмайдиган тушунчалар ва улар утасидаги муносабатлар (бирга буйсуниш, қарама-қаршилиқ, зидлик), тушунчаларни умумлаштириш, тушунчаларни чегаралаш,

Ҳукм, гап, субъект, предикат, боғловчи, кванторлар, оддий ҳукм, мураккаб ҳукм, ҳукмда терминлар ҳажми, ҳукмларнинг модаллиги, мантиқий квадрат, савол, жавоб,

Такрорлаш учун саволлар.

1. Тушунча нима?
2. Тушунча қандай мантиқий усуллар ёрдамида ҳосил қилинади?
3. Тушунча ва сўз ўртасида қандай алоқа мавжуд?
4. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми деганда нимани тушунасиш, улар ўртасида қандай муносабат мавжуд?
5. Тушунчанинг қандай турлари мавжуд?
6. Тушунчалар ўртасида қандай муносабатлар бор?
7. Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амалларининг мақсади ва моҳияти нимада?

8. Ҳукм нима ва у кандай структурага эга?
9. Оддий ҳукмнинг кандай турларини биласиз?
10. А, Е, I, О ҳукмларида терминлар кандай хажмларда бўлади?
11. Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади? Унинг кандай турлари бор?

Адабиётлар

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. «Мулоқот», 1998, №5.
3. Ислон Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида: Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХI асрга интиломда. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
5. И.А. Каримов. Миллий истиклол мафқўраси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоблар.Т., Ўзбекистон, 2000.
6. М. Хайруллаев, М. Хакбердиев-Мантиқ б-боб.
7. Ю.В. Ивлёв.Логика, 4-боб.
8. И. Рахимов. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. 3-боб.
9. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник. Мавзуга оид мақолалар.

3- мавзу: Хулоса чиқариш тўғрисида умумий маълумот (силлогизм). Аргументлашнинг мантикий асослари.

Режа:

1. Хулоса чиқариш тўғрисида умумий маълумот.
2. Силлогизм моҳияти, аксиомаси ва қоидалар.
3. Силлогизм фигуралари, модуслари.
4. Индуктив хулоса чиқариш. Анология.
5. Аргументлашнинг мантикий асослари.

1масала. Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни ҳосил қилиш мантиқ илмида хулоса чиқариш, деб аталади.

Хулоса чиқариш деб бир ва ундан ортиқ, чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

Хулоса чиқариш жараёни асослар, хулоса ва асослардан хулосага

утишдан ташкил топади.Тўғри хулоса чиқариш учун, аввалам бор, асослар чин мулохазалар бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак.

Масалан, «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юнон файласуфидир» деган икки чин мулохазадан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулохазалар ўртасида мантикий алоқадорлик йук.

Хулоса асослари ва хулоса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хулоса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади. Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса чикмайди. Масалан «Талаба А — аълочи» деган мулохазадан «Талаба А — одобли», деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражасига кўра, аникроги, хулоса чиқариш қоидаларининг катъийлигига кўра ҳамда хулоса асосларининг сонига ва фикрнинг ҳаракат йуналишига кўра бир канча турларга булинади.

Мазкур классификацияда хулоса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йуналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукамалроқ бўлиб, у хулоса чиқаришнинг бошқа туплари ҳақида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, (дедуктив хулоса чиқариш зарурий хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш (тулик индукцияни хисобга олмаганда) ва аналогия эхтимолий хулоса чиқариш, деб олиб каралиши, бевосита хулоса чиқариш эса дедуктив хулоса чиқаришнинг бир тури сифатида урганилиши мумкин.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга утишнинг мантиқан зарурий характерга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хулоса чиқаришдир.

Фақат биргина мулохазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Бунда асос мулохазанинг структураси, яъни субъект ва предикат муносабатларининг микдор ва сифат характеристикалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хулоса чиқаришнинг қуйидаги мантикий усуллари мавжуд:

Айлантириш (лот.-obversio) - шундай мантикий усулки, бунда тасдиқ ҳукмларни инкорга, инкор ҳукмларни тасдиққа айлантириш йули билан хулоса чиқарилади. Масалан Баъзи хайвонлар курукликда яшайди. Демак, баъзи хайвонлар курукликда яшамайди.

Бунда тасдиқ ҳукмлар умумий инкорга, умумий инкор умумий тасдиққа айлантирилади. Бундай пайтда фақат чегаралаш йули билангина тўғри хулосага келиш мумкин. Масалан. Ҳамма космонавтлар учувчи (тўғри). Демак, ҳеч бир учувчи- космонавт эмас (хато). Баъзи учувчилар космонавт эмас (тўғри).

Кисман(жузъий) инкорни жузъий тасдиққа, жузъий тасдиқни жузъий инкорга айлантирганда тўғри хулоса чиқаверади. Бундан ташқари асослари мураккаб ҳукмлардан иборат бўлган ҳукмдан бевосита хулоса чиқариш мумкин: Агар товар ишлаб чиқариш тугатилса, киймат қонуни тугатилади. Киймат қонуни тугатилса , товар ишлаб чиқариш тугатилади.

Унинг схемаси : Агар А бўлса, В бўлади. Демак, В бўлса, А бўлади.

Бундан ташқари дедуктив хулоса чиқаришнинг предикатга қарама-

каршикуйиш ва мантикий квадрат бўйича хулоса чиқариш каби шакллари мавжуд.

2. Алмаштириш (лот.-*conversio*) - шундай мантикий хулоса чиқариш усулики, унда хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади.

Алмаштиришда берилган мулоҳазадаги терминлар хажми эътиборга олинishi шарт. Агар берилган мулоҳазадаги терминлар хажмига эътибор берилмаса, хулоса нотўғри бўлиши мумкин: Масалан,

Ҳамма инсонлар тирик мавжудотлардир

Ҳамма тирик мавжудотлар инсонлардир

Хулоса хато, чунки берилган мулоҳазада Р - (тирик мавжудотлар) тулик хажмда олинмаган, хулосада эса тулик хажмда олинган. Юқоридаги асосдан «Баъзи тирик мавжудотлар инсонлардир» деб чиқарилган хулоса тўғри бўлади.

Бундан ташкари дедуктив хулоса чиқаришнинг предикатга қарама-каршикуйиш ва мантикий квадрат бўйича хулоса чиқариш каби шакллари мавжуд.

2 масала. Маълумки, дедуктив хулоса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. Силлогизм кушиб ҳисоблаш, деган маънони англатади. Бу терминдан мантикда, одатда, дедуктив хулоса чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури ҳисобланган оддий катъий силлогизмни ифода қилиш учун фойдаланилади. Силлогизм хулоса чиқаришнинг шундай шаклики, унда ўзаро мантикий боғланган икки катъий мулоҳазадан учинчи-янги катъий мулоҳаза зарурий тарзда келиб чиқади. Бунда дастлабки мулоҳазалардан бири албатта ё умумий тасдиқ ёки умумий инкор мулоҳаза бўлади. Хосил қилинган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан умумийроқ бўлмайди. Шунга кўра силлогизмни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, деб атаса бўлади. Масалан, қуйидаги мулоҳазалар берилган бўлсин:

Хеч бир ҳасис сахий эмас.

Баъзи бойлар ҳасисдир.

Бу мулоҳазалардан зарурий равишда - «Баъзи бойлар сахий эмас», деган учинчи мулоҳаза келиб чиқади. Силлогизмнинг таркиби оддий катъий мулоҳазалардан ташкил топгани учун у оддий катъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари (*praemissae*) ва хулоса (*conclusio*) дан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар **терминлар** деб аталади. Хулосанинг мантикий эгаси — S - кичик термин (*terminus minor*), мантикий кесим» — Р -катта термин (*terminus major*) деб аталади. Хулоса асослари учун умумий бўлган, лекин хулосада учрамайдиган тушунча — М -(*terminus medius*) ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мулоҳаза катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мулоҳаза кичик асос деб аталади.

Терминларнинг катта ёки кичик деб аталиши улар ифодалаган тушунчаларнинг хажмига боғлиқ.

Ўрта термин катта ва кичик терминни мантикий боғловчи элемент ҳисобланади.

Силлогизм аксиомаси

Аксиомалар исботсиз чин деб қабул қилинган назарий мулохазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мулохазалар асослаб берилади. Силлогизмнинг аксиомаси хулосалашнинг мантикий асосланганлигини ифодалайди.

Мантиқда аксиома бир неча марта амалиётда исботланган фикрлар маъносида ишлатилади. Бу маънода » инсондан олдин ер пайдо бўлган», « бутун уз булагидан катта» каби фикрлар аксиомалардир. Силлогизм аксиомаси инсон амалиётида миллион- миллион марта такрорлаш асосида вужудга келган тўғри фикрлардан хулоса уз-ўзидан келиб чиқишини курсатади.

Масалан, А предмет В нинг ичида бўлса, В предмет С нинг ичида бўлса, демак, А предмет С нинг ичида бўлади. Агар А предмет В предмет ичида бўлса, В предмет С нинг ичида булмаса, демак, А предмет С дан ташкарида бўлади.

Демак, силлогизм аксиомасида маълум группа предмет тасдиқланса ёки инкор қилинса, унга кирувчи ҳар бир предмет ҳам тасдиқланади ёки инкор қилинади. Инсон бир неча бор нарсаларнинг турларини ва бу турга кирувчи гуруҳларнинг қисмларини билиб боради, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни урганиб, уларнинг умумий хусусиятлари ҳақида фикр юритади, хулоса чиқаради.

Силлогизм аксиомаларида фикр шакли ва мазмуни ўзаро узлуксиз, объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди. Бу бир томондан, ҳамма умумийликка хусусийлик, жузъийлик ва яккалик хос эканлигини ва ҳар бир яккалик, жузъийлик, хусусийлик умумийлик хислатига эга бўлишини ифодаласа, иккинчи томондан, буюм ва белгининг ўзаро узвий боғланганлигини, яъни буюмлар жинси айрим ўзига хос белгига эга бўлса, албатта, бу белги шу жинсдаги ҳамма буюмлар учун ҳам хос белги бўлишини ифодалайди. Булар эса уз навбатида яккалик ва умумийлик ўртасидаги, микдор ва сифат ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг тафаккур жараёнида ўзига хос намоён бўлишидир.

Силлогизмнинг умумий қоидалари

Хулоса асосларининг чин бўлиши хулосанинг чин бўлиши учун етарли эмас. Хулоса чин бўлиши учун яна маълум қоидаларга амал қилиш ҳам зарур. Бу силлогизмнинг умумий қоидалари деб аталади. Улар силлогизмнинг терминлари ва асосларига тааллуқли бўлган қоидалар бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Силлогизмда учта термин: катта, кичик ва ўрта терминлар бўлиши керак. Маълумки, силлогизмнинг хулосаси катта ва кичик терминларнинг ўрта терминга бўлган муносабатига асосланади; шу сабабдан ҳам терминлар сони учтадан кам ёки ортик булмаслиги талаб қилинади. Агар терминлар сони учтадан кам бўлса, хулосаси янги билим бермайди.

2. Ўрта термин ҳеч бўлмаганда асослардан бирида тула ҳажмда олиниши керак.

Агар ўрта термин ҳеч бир асосда тулик ҳажмда олинмаса, четки

терминларнинг боғланиши ноаниқ бўлади ва хулосанинг чин ёки хатолигини аниқлаб бўлмайди.

3. Катта ва кичик терминлар асосларда қандай ҳажмда олинган бўлса, хулосада ҳам шундай ҳажмда бўлиши керак.

Бу қоидаанинг бузилиши кичик ёки катта термин ҳажмининг ноури кенгайиб кетишига олиб келади.

4. Икки инкор ҳукмдан (асосдан) хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Ишсизлартадбиркорэмас.

Талабалар ишсиз эмас.

5. Икки жузъий ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Баъзи аёллар тадбиркордир.

Баъзи давлат арбоблари аёллардир.

6. Асослардан бири инкор бўлса, хулоса ҳам инкор бўлади. Масалан: Хеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

Ватанга хиёнат қилиш жиноятдир

Ватанга хиёнат қилиш жазосиз қолмайди.

7. Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий ҳукм бўлади. Масалан:

Яхши фарзанд ота-онасини ҳурмат қилади.

Баъзи ёшлар яхши фарзанддир.

Баъзи ёшлар ота-онасини ҳурмат қилади.

3- масала. Силлогизмнинг фигуралари ва модуслари

Оддий катъий силлогизмнинг структурасида ўрта терминнинг жойлашишига қараб силлогизмнинг туртта фигураси фарқ қилинади.

I фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати бўлиб келади.

II фигурада ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлиб келади.

III фигурада ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти бўлиб келади.

IV фигурада ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.

Силлогизм асослари оддий катъий ҳукмлар (А, Е, I, O)дан иборат. Бу ҳукмларнинг икки асос ва хулосада ўзига хос тартибда (тупламда) келиши модус деб аталади. «Модус» - шакл деган маънони англатади. Силлогизм фигураларининг ўзига хос модуслари мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри модусларини аниқлашда, тўғри хулоса чиқаришда силлогизмнинг умумий қоидалари билан бирга ҳар бир фигуранинг махсус қоидаларига ҳам амал қилинади. Фигураларнинг махсус қоидалари силлогизм терминларининг ўзига хос боғланиши асосида аниқланади.

Оддий катъий силлогизмнинг биринчи фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

I фигуранинг туртта тўғри модуси мавжуд:

А А А, Е А Е, А І І, Е І О.

Модусларнинг биринчи ҳарфи катта асоснинг, иккинчи ҳарфи кичик асоснинг, учинчи ҳарфи хулосанинг сифат ва микдорини курсатади. Фигураларнинг модусларини бир-биридан фарқлаш мақсадида, уларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади.

А А А - Barbara модуси

А. Ҳамма илмий қонунлар объектив ҳарактерга эга.

А. Тафаккур қонунлари-илмий қонунлардир.

А. Тафаккур қонунлари объектив ҳарактерга эга.

ЕАЕ - Celarent модуси.

Е. Хеч бир диндор атеист эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е Хеч бир имом атеист эмас.

АІІ - Darii модуси.

А Барча жинойтчилар жазога лойиклардирлар.

І. Баъзи кишилар-жинойтчидир.

І. Баъзи кишилар жазога лойикдирлар.

ЕІО - Ferio модуси.

Е. Ахлоқли инсонларнинг хеч бири виждонсиз эмас.

І. Баъзи ёшлар ахлоқли инсондир.

О. Баъзи ёшлар виждонсиз эмас.

Силлогизмнинг биринчи фигураси оддий катъий ҳукмларнинг барча турлари бўйича хулосалар беради.

Оддий катъий силлогизмнинг II-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак.

II фигуранинг туртга тўғри модуси мавжуд:

АЕЕ, ЕАЕ, АОО, Е ІО.

АЕЕ - Camestres модуси

А. Ҳамма ҳукмлар дарак гап орқали ифодаланади.

Е. Савол дарак гап орқали ифодаланмайди.

Е. Хеч бир савол ҳукм эмас.

ЕАЕ - Cesare модуси.

Е. Хеч бир атеист диндор эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е. Хеч бир имом атеист эмас.

АОО - Baroko модуси.

А. Ҳамма кушлар учади.

О. Баъзи мавжудотлар учмайди.

О. Баъзи мавжудотлар кушлар эмас.

ЕІО-Festino модуси.

Е Қонунларга амал килмаганларнинг хеч бири эркин эмас.

І. Баъзи фукаролар эркиндирлар

О. Баъзи фукаролар қонунга амал килувчи эмаслар.

Юқоридаги мисоллардан куриниб турибдики, силлогизм П-фигурасининг хулосалари фақат инкор ҳукмдан иборатдир.

Оддий катъий силлогизмнинг III-фигурасининг битта махсус коидаси бор: кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак. III фигуранинг тўғри модуслари олтитта: AAI, All, IAI, EAO, EIO, OAO.

AAI - Darapti модуси.

A. Ҳамма мантиқшунослар файласуфдир.

A. Ҳамма мантиқшунослар-илмли кишилардир.

I. Баъзи илмли кишилар файласуфдир.

All - Datisi модуси.

A. Ҳамма оддий катъий ҳукмлар хулоса асослари бўлади.

I. Баъзи оддий катъий ҳукмлар чин фикрдир.

I. Баъзи чин фикрлар хулоса асослари бўлади.

IAI - Disarms модуси.

I Баъзи файласуфлар мантиқшунос бўлган.

A. Ҳамма файласуфлар илмли кишилардир.

I. Баъзи илмли кишилар мантиқшунос бўлган.

EAO - Felapton модуси.

E. Хеч бир партия дастурсиз иш юритмайди.

A. Ҳамма партиялар сиёсий ташкилотдир.

O. Баъзи сиёсий ташкилотлар дастурсиз иш юритмайди.

EIO - Ferison модуси.

E. Хеч бир диндор эътиқодсиз эмас.

I. Баъзи диндорлар-ёшлардир.

O. Баъзи ёшлар эътиқодсиз эмас.

OAO - Bokardo модуси.

O Баъзи одамлар рост гапирмайдилар.

A Ҳамма одамлар яхши яшашни хоҳлайди.

O Баъзи яхши яшашни хоҳловчилар рост гапирмайдилар.

III фигура модусларининг хулосалари фақат жузъий ҳукмдан иборат бўлади.

Оддий катъий силлогизмнинг IV-фигураси қуйидаги махсус коидаларга эга:

1. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукм бўлади.

2. Катта асос тасдиқ, ҳукм бўлса, кичик асос умумий ҳукм бўлади.

IV-фигуранинг бешта тўғри модуси мавжуд: AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.

AAI - Bramalip модуси.

A. Халол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.

A. Ҳамма виждонлилар адолатли кишилардир.

I. Баъзи адолатли кишилар халол одамлардир.

AEE-Camenes модуси.

A. Кули очик одамлар сахий бўлади.

E. Хеч бир сахий хасис эмас.

E. Хеч бир хасис кули очик одам эмас.

IAI - Dimaris модуси.

I. Баъзи ёшлар спорт билан шугулланадилар.

A. Спорт билан шугулланганларнинг ҳаммаси соғлом кишилардир.

I. Баъзи соғлом кишилар ёшлардир.

ЕАО - Fesaro модуси.

Е. Хеч бир софист рост гапирмайди.

A. Ҳамма рост гапирмайдиганлар ёлгончидир.

О. Баъзи ёлгончилар софист эмас.

ЕЮ - Fresison модуси.

Е. Хеч бир ақлли одам илмсиз эмас.

I. Баъзи илмсизлар ёшлардир.

О. Баъзи ёшлар ақлли одам эмас.

Силлогизмнинг IV-фигураси умумий тасдиқ, ҳукм кўринишидаги хулосани бермайди.

Аристотелдан бошлаб барча мантиқшунослар силлогизмнинг 1-фигураси ва унинг модусларига катта эътибор берганлар. Улар I-фигуранинг мукаммал, деб билганлар, унинг хулосаларини аниқ ва яққол деб ҳисоблаганлар. Силлогизмнинг бошқа фигураларини номукаммал деб, уларнинг хулосаларининг чин эканлигини аниқлаш учун 1-фигурага келтириш зарур, деб ҳисоблаганлар. Бу мантикий амал бажарилганда модусларнинг номига эътибор берилади:

4- масала. **Индуктив хулоса чиқариш.**

Билиш, қайси соҳада амалга оширидан қатъий назар-соғлом ақл даражасидаги ёки илмий билишдаги — доимо предмет ва ҳодисаларнинг хиссий идрок этиладиган ҳосса ва муносабатларини ўрганишидан бошланади. Уни фалсафада, мантиқда эмпирик билиш босқичи деб аташади. Бу босқичда субъект турли хил табиий жараёнлар, ижтимоий ҳодисаларда ўхшаш шароитларда маълум бир хусусиятларнинг такрорланишини кузатади. Бу ана шу тургун ҳолда такрорланиб турувчи хоссанинг айрим предметнинг индивидуал хоссаси эмас, балки маълум бир синфга мансуб предметларнинг умумий хоссаси бўлса керак, деган фикрга келишга асос бўлади. Масалан, қайси давлатда демократия принципларига яхши амал қилинса уша давлат аҳолисининг ижтимоий турмуш даражаси юқорилигини кузатиш мумкин. Шу асосда демократиянинг принциплари, шартлари яхши амал қиладиган ҳар қандай давлатда аҳолининг турмуш даражаси юқори бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Мана шундай жузъий билимдан умумий билимга мантиқан утиш индукция шаклида содир бўлади (лотинча *inductio*-ягона асосга келтириш).

Индуктив хулоса чиқариш эмпирик умумлаштириш шаклида содир бўлиб, унда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб предметларда такрорланишини кузатиш асосида, шу белгининг мазкур синфга тегишли барча предметларга хослиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Индукция асосида чиқарилган хулосалар илмий билишда урнатилган турли эмпирик қонуниятлар, яратилган умумлашмалар тарзида уз аксини топади, предмет ва ҳодисалар ҳақидаги билимларимизни кенгайтиришига

олиб келади.

Индуктив хулоса чиқариш билвосита хулоса чиқариш ҳисобланади, яъни унинг асослари иккита ва ундан ортиқ мулоҳазалардан ташкил топган бўлади. Улар, одатда, якка предмет ёки предметлар синфининг бир қисмини ифода қиладилар. Хулосада эса, бир мантикий синфга мансуб предметларнинг барчасига нисбатан умумий ҳукм тарзидаги фикр ҳосил қилинади.

Демак, индуктив хулоса чиқаришда яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқасини кузатамиз. Айрим фактларни ифодалайдиган, жузъий характерга эга бўлган билимлар умумий билимларни ҳосил қилиш учун мантикий асос бўлиб хизмат қиладди. Такрорланиб турувчи тургун алоқалар, одатда, предметларнинг муҳим зарурий алоқаларидан иборат бўлгани учун, бу умумий билимлар қонуниятларни ифода қиладилар. Асослардаги якка ва жузъий фактлар ҳақидаги билимлар эса ана шу қонуниятларнинг намоён бўлишини қайд этадилар. Индуктив хулоса чиқариш кузатиш ва тажриба натижаларини умумлаштириш билан боғлиқ бўлади

Индуктив хулоса чиқаришнинг иккита тури: тулик ва туликсиз индукциялар фарқ қилинади.

Тулик индукция индуктив хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб ҳар бир предметга ҳослигини аниқлаш асосида, шу белгининг берилган синф предметлари учун умумий белги эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Тулик индукция предметларнинг кичик синфига, элементлари яққол кузга ташланиб турадиган, микдор жиҳатдан чекланган ёпик системаларга нисбатан хулоса чиқаришда ишлатилади. Масалан, Куёш системасига кирувчи планеталар, НАТОга аъзо давлатлар, бирорта шаҳарда жойлашган корхоналар ва шу кабилар ҳақида хулосаларни тула индукция йули билан олиш мумкин.

Туликсиз индукция шундай эҳтимолий хулоса чиқариш турики, унда бирорта белгининг бир мантикий синфга тегишли предметларнинг бир қисмига (бир нечтасига) ҳослигини (ёки ҳос эмаслигини) аниқлаш асосида, шу белгининг берилган синфга мансуб барча предметларга ҳослиги (ҳос эмаслиги) ҳақида хулоса чиқарилади.

Туликсиз индукцияда фикримиз, худди тулик индукциядагидек, жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка, камрок умумийлашган билимдан кўпроқ умумийлашган билимга қараб ҳаракат қиладди. Лекин унда, тулик индукциядан фарқли уларок, хулоса кузатиш, тажриба давомида қайд этилмаган, урганилмаган предметларга ҳам тегишли бўлади. Туликсиз индукциянинг эвристик моҳияти айнан ана шундадир.

Туликсиз индукцияда фикрмиз қуйидаги схемада курилади.

S_1 предмети Р белгига эга

S_2 предмети Р белгига эга

S_n предмети Р белгига эга

$S_1, S_2, \dots, S_n$ предметлари С синфига тегишли

Эхтимол, С синфининг ҳар бир предмети Р белгига эгадир.

Туликсиз индукцияда хулосавий билимнинг эмпирик асоси тулик аниқланмайди, ана шунинг учун ҳам ундаги амалга оширилган умумлаштириш туликсиз бўлади. Хусусан, унда берилган мантикий синфга мансуб предметларнинг барчаси эмас, фақат S дан S_n гача бўлган қисмигина урганилади, ҳолос. Ана шу урганилган предметларга бирорта Р белгининг ҳослиги (ҳос эмаслиги) кузатилса, унинг урганилаётган синфга мансуб барча предметларга ҳослиги (ҳос эмаслиги) ҳақида эхтимолий тарздаги хулоса чиқарилади. Бу хулоса ихтиёрий равишда ҳосил қилинмайди ва тасодифий характерга эга эмас, албатта. Жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка ўтиш, яъни синфга тегишли айрим предметлар ҳақидаги билимдан синфга тегишли барча предметлар ҳақидаги билимга ўтиш мантиқан асослангандир.

Хусусан, пахта, бугдой, сут, металл прокати, газлама ва шу каби оммавий равишда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг катта ҳажмининг сифати ҳақида улардан олинган қичкина намуналарни текшириш натижаларига таянган ҳолда фикр билдирамиз.

Бунда куп ҳолларда ҳосил қилган хулосавий фикрларимиз ҳақиқатдан ёки ҳақиқатга яқин фикрдан иборат бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу йул билан олинган хулосалар ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Баъзан чиқарилган хулосалар хато ҳам бўлиши мумкин. Буни қуйидаги мисол тасдиқлайди. Қачонлардир қимёгарлар металлларнинг бир қанчаси устида экспериментлар ўтказишиб, уларнинг қиздирилганда олтингугурт билан бирикишини кузатишган ва шу асосда, «Барча металллар қиздирилганда олтингугурт билан бирикади», деган хулосага келишган. Уларнинг муҳокамаси қуйидаги схема тарзида кечган.

Мис қиздирилганда олтингугурт билан бирикади

Темир қиздирилганда олтигугурт билан бирикади

Алюминий қиздирилганда олтингугурт билан бирикади

Мис, темир, алюминий ..., металллар синфига қирувчи химиявий элементлар

Эхтимол, барча металллар қиздирилганда олтингугурт билан бирикса керак.

Бу хулосанинг ҳатолиги маълум бир вақт ўтгандан кейин олтин устида эксперимент ўтказилганда маълум бўлади: у қиздирилганда олтингугурт билан бирикмаган.

Биз кўриб чиққан ҳол бирорта белгининг айрим предметларда такрорланишига асосланиб, у белгини мазкур предметлар мансуб бўлган синфга тулалигича индуктив йул билан қучириш, яъни уни берилган синф предметларининг барчасига ҳос умумий белги, деб ҳисоблаш мантикий заруриятдан иборат бўлишга даъво қила олмайди, деган фикрга олиб келади. Чунки белгининг бир қанча предметларда такрорланиши оддий бир мосликдан иборат бўлиши, яъни тасодифий характерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Демак, туликсиз индукция бўйича хулоса чиқаришга ҳос хусусиятлардан бири асослардан хулосанинг мантиқан келиб чиқишининг

кучсиз бўлишидир.

Санаш орқали туликсиз индукция ёки оммабоп индукция объектив асосини инсонларнинг куп йиллик ҳаётӣй фаолияти, авлоддан авлодга утиб келаётган турмуш тажрибалари натижалари ташкил этади. Масалан, ёз жуда иссик келганда, кишда каттик совук бўлиши мумкинлиги, калдиргочларнинг учиб кетаётгани хавонинг совий бошлаганини билдириши ва шу каби хулосалар инсонларнинг оби-хавони узоқ йиллар давомида кузатишининг натижасидан иборат.

Кишиларнинг кундалик ҳаётӣй тажрибасига асослангани, соғлом акл юритишга хос хусусиятларни ўзида мужассамлантиргани учун ҳам хулоса чиқаришнинг бу усулини оммабоп индукция деб аташади.

Оммабоп индукциянинг муҳим хислатларидан бири кузатилаётган холларга зид бўлган холнинг йуклигига ишонч хосил қилишдир. Яъни, бунда бирорта белгининг берилган синф предметларининг бир нечтасида такрорланишини қайд этиш билан чекланмасдан, уларга зид бўлган холнинг йуклиги ҳам аникланади. Бу, одатда оммабоп индукция асосида катъий хулосага келишдан олдин «Шошмай турчи, кани, яна бир текшириб кўрайлик!», деган фикрга суяниб иш қилишга ундайди, «Етти улчаб, бир кесиш»га чакиради. Ана шунинг учун ҳам оммабоп индукцияни халк донишмандлигининг намоён бўлиши турларидан бири, деб айтиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, оммабоп индукциянинг хулосаси билиш субъекти учун кулай фактларни санаб курсатишга асосланганлиги боис, эҳтимолий, тахминий фикр булишдан юқорига ута олмайди. У кушимча текширишлар утказишни, мавжуд холатлар ва холларда предмет табиатининг узгаришини аниқлаштиришни тақозо этади. Чунки кулай холларни, фактларни санаб курсатиш дастлаби индуктив умумлашмалар хосил қилишнинг зарурий шартӣ бўлса-да, уз холича етарли эмас.

Шундай қилиб, оммабоп индукция бўйича олинадиган хулоса эҳтимолий характерга эга бўлади. Унинг чинлик даражасини ошириш учун катор методологик талабларга риоя этиш зарур, ана шундагина у тўғри муҳокама юритишнинг самарали воситасига айланади.

Илмий индукция эҳтимолий хулоса чиқаришнинг шундай турики, унинг асосларида бирорта белгининг бир синфга мансуб предметларнинг бир канчасида такрорланиши қайд этилиши билан бир каторда, у белгининг сабабий алоқаси ҳақида ҳам маълумот мужассамлашган бўлади ва улар хулосада берилган предметлар синфига нисбатан хосил қилинган фикрда уз аксини топади. Оммабоп индукциядан фарқли уларок, илмий индукцияда бир синфга мансуб предметларда такрорланувчи белги шунчаки қайд этилиб колмасдан, балки у ҳақида туларок маълумотга эга булиш, унинг мавжуд бўлиши сабабини аниқлаш учун предметнинг бошқа белгилари билан бўлган алоқалари, хусусан, сабабий боғланишлари урганилади. Ана шунинг учун ҳам, яъни ходисаларнинг сабабини аниқлашга, уларни ифода этувчи қонунларни очишга каратилгани учун ҳам туликсиз индукциянинг бу турини илмий индукция деб аташади.

Маълумки, илмий билиш, фаннинг бош мақсади урганилаётган

объектни характерлайдиган қонунларни очиш орқали унинг (объектнинг) табиатини, моҳиятини тушунтиришидан иборат. Бу эса, биринчи навбатда, ходисанинг (ёки унинг белгисининг) мавжуд бўлиш сабабини аниқлашни тақозо этади.

Шуни айтиш керакки, сабабий алоқадорлик ходисалар ўртасидаги умумий боғланишларнинг бошқа турлари (масалан, структуравий, функционал, генетик боғланишлар) каби ходисаларнинг табиатини белгилайди. Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни ўрганиш ходисаларнинг моҳиятини тушуниш, турли жараёнларни олдиндан куриш, янгиликлар яратиш имконини беради.

Илмий индукция методлари

Ўхшашлик методи. Унда урганилаётган ходисанинг сабаби ҳақидаги хулоса шу ходисанинг бир канча кузатилаётган ҳолларини солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниқлаш асосида ҳосил қилинади. Масалан, кимёвий таркиби, зичлиги, оғирлиги, катталиги турлича бўлган маятниклар узунлиги бир хил стерженларга-илгакларга илинтирилиб, ҳаракатга келтирилганда, бир хил тебраниш даврига эга бўлган. Бунда ходисанинг вужудга келиши кузатилаётган барча ҳолларида ундан аввал келаётган ҳолатларнинг фақат биттасигина такрорланади. Ана шунга таяниб, мазкур такрорланувчи ҳолат кузатилаётган ходисанинг вужудга келишининг сабаби бўлса керак, деган тарзда эҳтимолий хулоса чиқарилади.

Тафовут методи. Бу метод фақат иккита ҳол-ходисанинг вужудга келган ва келмаган ҳолларини таққослаш асосида ходисанинг сабабини аниқлаш усули бўлиб, унда мавжуд ҳоллар бир-биридан фақат битта ҳолат билан фарқ қилади: бирида у йук, иккинчисида — бор ва фақат ана шу ҳолат бор ҳолдагина ходиса юзага келади. Ана шунинг учун ҳам мазкур ҳолат кузатилаётган ходисанинг сабаби бўлса керак, деб тахмин қилинади, яъни эҳтимолий хулоса ҳосил қилинади. Эҳтимол, В ҳолат d ходиса сабабидир.

Тафовут методидан билишнинг турли хил соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан, яхши ишлаётган ва яхши ишламаётган корхоналар солиштирилиб, корхонанинг яхши ишламаслиги сабаби аниқланади. Медицинада эса иккита ҳайвонлар гуруҳи -эксперимент утказилаётган ва назорат қилувчи гуруҳлар киёс қилиниб, эксперимент утказилаётган гуруҳда синалган препаратнинг самарадорлик даражаси аниқланиши мумкин. Бунда ҳар иккала гуруҳ бир хил шароитда сақланиб (А, С, D), эксперимент давомида биттасига В ҳолати кушилади. Бу эса аввалги ҳолда йук бўлган d ходисасининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Ана шунга асосланиб, «В ҳолати d ходисаси сабаби бўлиши мумкин» деган хулосага келинади.

Йулдош узгаришлар методи. Бу метод ходисадан аввал келаётган ҳолатлардан бирининг узгариши, қолган ҳолатлар узгармасдан қолганда, ходисанинг узгаришига олиб келиши кузатиладиган шароитларда қўлланилади.

Йулдош узгаришлар методига мувофиқ, *бир ҳолатнинг узгариши ходисанинг узгаришига ҳам олиб келса, шу ҳолат кузатилаётган ходиса узгаришининг сабабидир.*

Йулдош узгаришлар методи ёрдамида жуда куп қонунлар, шу жумладан, физикадаги газнинг ҳарорати билан унинг зичлиги, тортишиш кучи билан масофа, иктисодиётдаги талаб ва таклиф ўртасидаги боғланишлар ва шу кабилар урганилади.

Ходисадан аввал келаётган ҳолатларни А, В.Слар билан, бу ҳолатларнинг узгариши даражасини 1,2,..., п билан, ходисани d билан белгиласак, йулдош узгаришлар методида муҳокама жараёнининг қуйидаги схема бўйича-амалга ошишини кўрамиз:

Эхтимол, с ҳолат d ходиса сабабидир.

Колдиклар методи. Бу метод ўрганиш объекти мураккаб ходисадан иборат бўлиб, биттасидан бошқа қисмларнинг сабаблари аниқ бўлганда, анна шу қолган қисмни вужудга келтирувчи сабабни топиш мақсадида қўлланилади.

Эхтимол, С ҳолат z нинг сабабидир.

Колдиклар методини куллаш натижасида гелий, рубидий каби химиявий элементлар, Нептун планетаси топилган ва бошқа турли соҳага оид куп ходисалар аниқланган.

Демак, колдиклар методи моҳиятини шундай ифодалаш мумкин: *агар урганилаётган мураккаб ходисани ташкил этувчи ходисанинг (ёки ходисанинг қисмининг) битта ҳолатдан бошқа ҳолатлар билан алоқаси зарурий ҳарактерга эга бўлмаса, ана шу колдик ҳолат мазкур ходисанинг (ходиса қисмининг) сабаби бўлиши мумкин.*

Илмий индукциянинг бошқа методлари сингари, колдиклар методи ҳам эхтимолӣ билим олиш воситаси ҳисобланади. Чикарилаётган хулосанинг чин бўлиш эхтимолӣ, биринчидан, ходисадан аввал келиб, унга таъсир утказаётган ҳолатлар ҳақидаги билимнинг қай даражада бўлиши, иккинчидан, ҳар бир ҳолат билан вужудга келаётган мураккаб ходиса ўртасидаги алоқадорлик зарурий ҳарактерга эга эканлигига аниқ ишоч ҳосил қилиш, учинчидан, конкрет ҳар бир ҳолат билан у сабаби бўлиб ҳисобланаётган ходиса қисми ўртасидаги алоқадорликнинг таъсодифӣ эмаслигини аниқлаш ва шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ортади.

Шундай қилиб, сабабий алоқадорликни аниқлашнинг биз кўриб чиккан индуктив методлари уз мантиқӣ структурасига кўра етарли даражадаги мураккаб муҳокама юритиш усуллари бўлиб, уларда индуктив умумлаштириш дедуктив хулоса чиқариш иштирокида амалга ошади. Хусусан, дедукция тасодифӣ ҳолатларни муҳокама жараёнидан чиқариб ташлаш (элиминация қилиш) йули билан (айирувчи-катъӣ силлогизмнинг tollendo ponens модуси асосида) индуктив умумлаштириш йуналишини белгилашга, унинг хулосасининг асосланганлик, ишочлилик даражасининг ортишига хизмат қилади.

Аналогия (грек. - мослик, ўхшашлик) бавосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан хусусийликка қараб, индукцияда хусусийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда эса бир хусусий ҳолатдан бошқа хусусий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хулоса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир каторда, объектив ўхшашлик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгида уз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлса, улар акс эттирган воқеаликдаги турли нарса ва ҳодисалар ҳам маълум маънода ўхшаш бўлади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, структураларидаги ўхшашликларга асосланади. Масалан, сайёралар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашлик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашлиги асосида аналогия бўйича хулоса чиқарилади.

Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа предметга (прототипга) ахборот утқилади. Хулоса асослари моделга, хулоса прототипга тааллуқли бўлади. Масалан, қадимги грекларнинг «Дедал ва Икар» афсонасида айтилишича, ота ва бола кулликдан озод бўлиш учун узларига қанот ясашади ва учиб кетишади. Бунда хулоса чиқариш қуйидаги кўринишда бўлади:

Куш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот унинг қаноти йук, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, у, эҳтимол учади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш бошқа хулоса чиқаришлар каби асослардан, хулосадан ва асослар ҳамда хулоса ўртасидаги логик алоқадан иборатдир. Унинг хулосаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қилади. Аник асослардан баъзан аник, баъзан эҳтимолий хулоса чиқади.

Аналогия узининг объектив асосига эга. Булар предметлар, уларнинг хоссалари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлардир.

Моделдан прототипга утқилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки яқка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарилди. Ўхшатилаётган предметларни А ва В ҳарфлари билан, белгиларни а, в, с, ҳарфлари билан ифода қилсак, хусусиятлар аналогиясини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

А предмети а, в, с, d белгиларга эга

В предмети а. в. с белгиларга эга

Эҳтимол, В предмети d белгига эгадир.

Бу формула аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг типик схемасидир. Унда бир предмет ҳақидаги билим шунга ўхшаш бошқа предмет ҳақидаги билимдан хулоса шаклида келтириб чиқарилади.

Муносабатлар аналогиясида икки яқка предмет, ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўртасидаги муносабатларнинг ўхшашлигига

асосланилади. Икки турдаги (a R d) ва (m Rj n) муносабатларни таққосласак, a-m га, d-n га ўхшаш эмас, лекин улар ўртасидаги R-R! муносабатларнинг ўхшашлиги бизга хулоса чиқариш имконини беради

Аналогияни турларга ажратганда хулосанинг аниқлик даражасига ҳам эътибор берилади. Шу жиҳатдан аналогияни катъий (аниқ, катъий бўлмаган ноаниқ ва хато аналогияга ажратамиз. Катъий аналогиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, кучиралаётган ва ухшатилаётган белгилар ўртасидаги алоқа зарурий бўлади. Аниқ фанларда, моделлаштиришда фикр катъий аналогия шаклида юритилади.

Аналогия моделлаштириш методининг мантикий асосини ташкил этади. Моделлаштиришда (конкрет ёки абстракт) объектлар моделларда, яъни шартли образлар, схемалар, объектнинг кичрайтирилган нусхаларида тадқиқ этилади.

5 –масала. Мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фарқланади. Далиллаш деб, бирор фикр, мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йули билан (кузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳаказо асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш хиссий билишга, яъни қуриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллашнинг хусусий кўриниши мантикий исботлашдир. **Мантикий исботлаш** деб, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад-бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, далиллашдан мақсад ҳам фикрнинг чинлигини аниқлаш, унинг аҳамиятини ва муайян фаолият учун қўллаш мумкинлигини асослашдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган чин мулоҳазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, далиллаш, ундан ташқари, далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. Далиллаш учун келтирилган аргументлар (асослар) исботлаш учун келтирилган аргументларга нисбатан ранг-баранг бўлади. Далиллаш шакллари билан исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Исботлаш хулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. Далиллаш кўпроқ суҳбат (диалог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири ўз фикрининг чинлигини исботлашга, рақибининг фикрини рад этишга ва тингловчиларнинг узини ҳам фикр қилишга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Далилллаш жараёнида реципиентларга (лот - қабул қилувчи) — тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва

уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъатини қай даражада эгаллаганлиги, яъни нотиклик маҳорати тингловчиларда ишонч-этиқоднинг шаклланишида муҳим рол уйнайди.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-этиқодни шакллантиради. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган этиқодни яратишдан иборат. Далиллаш ва исботлаш ишонч-этиқодни шакллантириш воситасидир.

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни қанчалик тўғри ақс эттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб қурсатади, билишда қўл қўлқашликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри қўришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан қўрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) узи билан солиштириш мумкин. Лекин қўл қўлларда билиш жараёнида натижаларининг чинлиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан қўрлаш оққали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули исботлашдир.

Исботлаш бир ҳукмнинг чинлигини у билан қўлланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули-демонстрация.

Тезис-чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун диққат-этибор унинг чинлигини қўрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан ёки ҳодисаларнинг сабабини қўрсатувчи мулоҳазалардан ва шу қабилардан иборат бўлади.

Аргументлар-тезиснинг чинлигини асослаш учун қўлтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд қилувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қилади. Аргумент сифатида қўлтирилган фактлар, албатта, ўзаро қўрланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида қўлдаланиш мумкин. Масалан, «Ҳаракат - бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат» деган таъриф-чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида қўл қўл марталаб тақрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин.

Исботлаш усули-демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги

мантикий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис куп ҳолларда якка ходисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан, аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан «Ўзбекистон - мустақил давлатдир» деган ҳукм (тезис) нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро микёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитезиснинг) ҳатолигини курсатиш орқали асосланади. Антитезис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апагогик исботлашда тезис (а) ва антитезис (а) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм олинади.

Раддия-исботни бузишга қаратилган мантикий амалдир, Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг ҳатолигини курсатишдан иборат бўлганлиги учун, раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш яъни бахс, мунозара жараёнида учрайди. Бахс катнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни химоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чикди (оппонент) *хал* қилинмаган, мунозарали масалалар буиича олиб бориладиган бахслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади. Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

- 1) тезисни рад этиш;
- 2) аргументларни рад этиш;
- 3) демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиш

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир.
2. Тезисдан келиб чиққадиган натижаларнинг ҳатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) курсатиш орқали рад этиш.

Рад этишнинг юқорида курсатилган усуллари купинча биргаликда, бир-бирини тулдирган ҳолда қўлланилади.

Шундай қилиб аргументлашнинг мантикий асосларини билиш ва бахс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кутариш имконини беради.

Мавзунинг таянч тушунчалари

Хулоса чиқариш, мантиқан келиб чиқиш, асослар, хулоса, асосдан хулосага утиш, зарурий хулоса чиқариш, эхтимолый хулоса чиқариш, дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогия, бевосита хулоса чиқариш, билвосита хулоса чиқариш, силлогизм, силлогизм фигуралари, силлогизм фигураларининг модуслари, силлогистик хулоса чиқариш қоидалари, силлогизм аксиомаси, кузатиш, тажриба, эксперимент, тулик индукция, туликсиз индукция, оммабоп индукция, илмий индукция, сабабий алоқадорлик, ўхшашлик методи, тафовут методи, йулдош узгаришлар методи, колдиклар методи, хусусиятлар аналогияси, муносабатлар аналогияси, моделлаштириш. Аргументлаш, ишонч-этикод, исботлаш, тезис, аргументлар, исботлаш усули, бевосита исботлаш, билвосита исботлаш, раддия, рад этиш усуллари, исботлаш ва рад этиш қоидалари.

Адабиётлар

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. «Мулокат», 1998, №5.
3. Ислон Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори./Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида: Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
5. И.А. Каримов. Миллий истиклол мафқўраси — халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Fidokor» газетаси мухбири саволларига жавоблар.Т., Ўзбекистон 2000й
6. М. Хайруллаев, М. Хакбердиев.Мантиқ., 12-боб.
7. Ю.В. Ивлев.Логика, 9-боб.
8. И. Рахимов. Логикадан амалий машгулотлар ва методик тавсиялар, 7-боб.
9. В.Н. Карпович. Проблема. Гипотеза. Закон. Новосибирск, 1980
10. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник. Мавзуга оид мақолалар.
11. Г.И. Рузавин. Научная теория: логико-методологический анализ. М., 1978.

1-мавзу.

Ахлоқшуносликниг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва унинг тузилмаси. Қадимги Дуне ва ўрта асрларда ахлоқий қарашлар. (2 соат)

Режа:

1. Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси, мақсади ва бошқа фанлар билан алоқаси.
2. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва унинг тузилмаси.
3. Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёда ахлоқий тафаккурнинг ривожланиши.
4. Қадимги Юнон ва Румо ахлоқшунослиги.

1. Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда «Илми равиш», «Илми ахлоқ», «Ахлоқ илми», «Одобнома» сингари номлар билан атаб келинган. Оврўпода эса «Этика» номи билан машхур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик. Уни биринчи бўлиб юнон файласуфи Арасту муомалага киритган. Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гуруҳга бўлади: назарий, амалий ва ижодий. Биринчи гуруҳга у фалсафа, математика ва физикани; иккинчи гуруҳга – этика ва сиёсатни; учинчи гуруҳга эса – санъат, ҳунурмандчилик ва амалий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидаги таълимотни фан даражасига кўтарганлар ва «Этика» (ta ethika) деб атаганлар.

Ҳозирги кунда бу фанни илмий ва замонавий талаблар нуктаи назаридан «Ахлоқшунослик» деб аташни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ» ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ – оила, жамоа, маҳалла-қўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ эса – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси.

Бу фикрларимизни мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Дейлик, метрода ёшгина йигит, талаба ҳамма қатори ўтирибди. Навбатдаги бекатдан бир кекса киши чиқиб, унинг рўпарасида тик туриб қолди. Агар талаба дарҳол: «Ўтиринг, отахон!» деб жой бўшатса, у чиройли аъмол қилган бўлади; четдан қараб турганлар унга ич-ичидан миннатдорчилик билдириб: «Барака топгур, одобли йигитча экан», деб қўяди. Аксинча, талаба ё тескари қараб олса, ёки ўзини мудраганга солиб, қарияга жой бўшатмаса, ғашимиз келади, кўнглимиздан: «Бунча беодоб, сурбет экан!» деган фикр ўтади, хуллас, у бизда ёқимсиз таассурот уйғотади. Лекин, айти пайтда, талабанинг қарияга жой бўшатгани ёки бўшатмагани оқибатида вагондаги йўловчилар ҳаётида бирор-бир ижобийми, салбийми – муҳим ўзгариш рўй бермайди.

Хулққа қуйидагича мисол келтириш мумкин: маҳалламиздаги оила бошлиқларидан бири имкон борида қўни-қўшниларнинг барча маъракаларида хизматда туради, ҳеч кимдан қўлидан келган ёрдамини аямайди, очик кўнгил, очик қўл, доимо ўз билимини ошириб боришга интилади, тиришқоқ, оила аъзоларига меҳрибон ва ҳ. к. Ундай одамни биз ҳушхулқ инсон деймиз ва унга маҳалламизнинг намунаси сифатида қараймиз. Борди-ю, аксинча бўлса, у қўни-қўшнилар билан қўпол муомала қилса, тўй- маъракаларда жанжал кўтарса, сал гапга ўдағайлаб, мушт ўқталса, ичиб келиб, оилада хотин-болаларини уриб, ҳақоратласа, уни бадхулқ деймиз. Унинг бадхулқчилигидан оиласи, баъзи шахслар жабр кўради, маҳалладагиларнинг тинчи бузилади, лекин хатти-ҳаракатлари жамият ижтимоий ҳаётига ёки инсоният тарихига бирор бир таъсир ўтказмайди.

Ахлоққа келсак, масала жиддий моҳият касб этади: дейлик, бир туман ёҳуд вилоят прокурори ўзи масъул ҳудудда доимо қонун устуворлигини, адолат қарор топишини кўзлаб иш юритади, лозим бўлса, ҳокимнинг ноқонуний фармойишларига қарши чиқиб, уларнинг бекор қилинишига эришади; оддий фуқаро наздида на фақат ўз касбини эъзозловчи шахс, балки ҳақиқий ҳуқуқ посбони, адолатли тузум тимсоли тарзида гавдаланади; у – умрини миллат, Ватан ва инсон манфаатига бағишлаган юксак ахлоқ эгаси; у, ўзи яшаётган жамият учун намуна бўларок, ўша жамиятнинг янада тараққий топишига хизмат қилади. Агар мазкур прокурор, аксинча, қонун ҳимоячиси бўлатуриб, ўзи қонунни бузса, шахсий манфаати йўлида оқни қора, қорани оқ деб турса, у ахлоқсизлик қилган бўлади: оддий фуқаро наздида биргина киши прокурор-амалдор эмас, балки бутун жамият адолатсиз экан, деган тасаввур уйғонади. Бу тасаввўрнинг мунтазам кучайиб бориши эса, охир-оқибат ўша жамият ёки тузумни таназзулга олиб келади.

Албатта, ҳар учала ахлоқий ҳодиса ва уларнинг зидди нисбийликка эга. Чунончи, ҳозиргина мисол келтирганимиз прокурорнинг ахлоқсизлиги даражаси билан ўз якка ҳукмронлиги йўлида миллионлаб бегуноҳ инсонларни ўлимга маҳкум этган Ленин, Сталин, Ҳитлер, Пол Пот сингари шахслар орасида фарқ бор: агар прокурорнинг ахлоқсизлиги бир миллат ёки мамлакат учун зарар қилса, тоталитар тузум ҳукмдорлари хатти-ҳаракатлари умумбашарий миқёсдаги фожиаларга олиб келади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахлоқий тарбия натижасида одобилик-хушхулқиликка, хушхулқилик – юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга қўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан – бадхулқиликка, бадхулқиликдан – ахлоқсизликка ўтиши мумкин.

Шундай қилиб, ахлоқшунослик мазкур уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвийликда ва нисбийликда ўрганади.

Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргаликда фалсафанинг узвий (учинчи) қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик (Арастудан сўнг) алоҳида фалсафий йўналишдаги фан мақомини олди. Бу фикрни қуйидагича кенгайтириброк талқин этиш мумкин. Маълумки, фалсафанинг фанлар подшоси сифатидаги вазифаси барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, инсониятни ҳақиқатга олиб боришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фалсафанинг тадқиқот объектини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қилади. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафаси деб аташ мумкин.

Ҳозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради, яъни ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этар экан, у ахлоқни: 1) баён қилади; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга кўра, у тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмона-меъёрий табиатга эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар. Зеро соф назарий ахлоқшуносликнинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикматлар, нақллар, матал-мақоллар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хулосалар чиқаради.

Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг нафосатшунослик (эстетика) билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қилади. Шу боис Суқрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар кўп ҳолларда ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, маълумки, санъат нафосатшуносликнинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришилган энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали бевосита ёхуд билвосита акс эттиради. Демак, нафосатшунослик ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, маълум маънода, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо – ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳоний динлар вужудга келгунига қадар мавжуд

бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказганлар.

Чунончи, ислом динини оладиган бўлсак, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, Ижмоъ ва муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклланишида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳуқуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосдаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Зеро, ахлоқшунослик билан ҳуқуқшуносликнинг тадқиқот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар фақат ёндошув усули нуқтаи назаридан фарқ қилади, яъни ҳуқуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, махсус адлия идораларидаги лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлоқ меъёрлари эса умумий қабул қилинган миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гуруҳ, жамият томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ҳуқуқшунослик касби учун муҳим бўлган амалий ахлоқ жиҳатларини ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунос одоби деб аталадиган махсус соҳаси тадқиқ қилади ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик педагогика билан ҳам чамбарчас алоқада. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ахлоқшунослик ўзининг назарий ва, айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зеро, маориф тизимидаги таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қилади.

Қадимдаёқ ахлоқшуносликнинг руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив) ларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиқ беради, ахлоқшунослик руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Ахлоқшуносликнинг ижтимоийшунослик (социология) билан алоқаси ўзига хос. Бу иккала фан инсон фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий муруватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Лекин ахлоқшуносликнинг миқёси бу борада кенг. Маълумки, социология инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. Ахлоқшунослик эса, ўз моҳиятига кўра, лозим бўлганда, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, инсон ахлоқининг юксак ютуғи сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда

уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Ахлоқшуносликнинг сиёсатшунослик билан алоқаси, айниқса, ўзига хос ва мураккаб. Чунки сиёсий кўраш қарама-қарши ахлоқий қоидалар ва талаблар кўрашини тақазо этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади. Лекин, аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда ахлоқшунослик ҳам, сиёсатшунослик ҳам жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий муаммолардан биридир. Шунингдек, раҳбарлик одоби, партиявий одоб, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомала маданияти доирасига кирувчи махсус соҳалари ҳам сиёсатшунослик билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, кейинги пайтларда ахлоқшуносликнинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидаги мажбуриятларини таҳлил этиш билан шуғулланган, унинг табиатга бўлган муносабати диққат марказидан четда қолиб келган. Лекин, кейинги даврларда, айниқса, XX асрда табиатга нисбатан тор манфаатпарастлик доирасидаги ёндошувлар оқибатида пайдо бўлган экологик бухрон манзарани ўзгартирди. Эндиликда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи-назарларига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги кундаги экологик муаммоларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалмоқда. XX асрда экологик ахлоқшунослик деган махсус соҳа ҳам юзага келди. Лекин, бу - ахлоқшунослик экологияни тўлиқ ўз ичига олади, деган сўз эмас. Чунки бунда ахлоқий баҳолаш ва бошқариш объекти сифатида табиатнинг ўзи эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабати майдонга чиқади.

Ахлоқшунослик ҳамма даврларда ҳам юксак аҳамият касб этиб келган фан. Фақат зулм ва зўравонликка, адолатсизлик ва ҳуқуқсизликка асосланган тоталитар тузумлардагина ёлғонга бўйсундирилган, сохталаштирилган ҳамда шу йўл билан унинг аҳамияти пасайтирилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши шарофати билан яна ахлоқшунослик янги жамиятда тобора ўз юксак мавқеини эгаллаб бормоқда.

Шу ўринда Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги қимматли фикрларини келтириш жоиз: «Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги», «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани». Бу фикрлар, бир томондан, эски тузумдан қолган ахлоқсизлик кўринишларига лоқайд қаровчиларга ва ахлоқшуносликни енгил-елпи, иккинчи даражали фан сифатида тушунувчиларга адолатли зарба бўлса, иккинчи томондан, ахлоқнинг янги жамиятимиздаги улкан мавқеини ҳамда ахлоқшуносликнинг жиддий назарий тадқиқотларга суяниши кераклигини таъкидлайди. Зеро ҳозирги шароитда тоталитар тузум таъқиқи ёхуд таъқибига учраган миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳамда қадимий урф-одатларимиз, анъналаримиз янги замон маънавий қадриятларини яратишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ана шу янгиланиш жараёнида ахлоқшуносликнинг ўз ўрни бор. Унинг

олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади. Айни пайтда, уларни ахлоқшунослик фани олдида турган вазифаларнинг бир қисми, таъбир жоиз бўлса, миллий ахлоқшунослик вазифалари деб аташ мумкин. Зеро фанимизнинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Улардан бири, энг муҳими сайёрамизда «этосфера» – ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий инқилоблар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани-техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз-еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, тайёра, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ. к. Бугун видео телефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Бу ҳақда ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И. Вернадский шундай деган эди: «Бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришди... Афтидан, инсон илмий тафаккури ҳаракатининг бу томони табиий ҳодиса бўлса керак... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. – Биз ноосферага кириб боряпмиз». Аммо ноосфера фақат ижобий эмас, балки салбий ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли балеистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисалардандир. Бундан ташқари, ноосферанинг вужудга келиши атмосферани, оламий океанни, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий заҳарланишга олиб келди. Ҳозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг кўпгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Айниқса жой тополмай, океанда, кемаларда сўзиб юрган радиоактив чиқиндилар ёки

уларнинг кимсасиз гўзал оролларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларининг кўпайиб бориши сингари ҳодисалар бағоят хатарли. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётир. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фақат атроф-муҳитни кимёвий захардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия захаридан фориғлантиришни тақозо этади. Яъни, улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машҳур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренц: «Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисасининг асосий сабаби цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпосликдир», деган сўзлари шу нуктаи назардан айтилиши ҳақиқат.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалоқатдан қутқараман деса – XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда ахлоқшунослик фанининг ўрни ниҳоятда беқиёс.

Шунингдек, яна бир муҳим муаммо бу – биологик ахлоқшунослик. Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан тўлақонли ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуктаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибда долзарб бўлиб турибди.

2- масала. Қадимий она сайёрамиздаги ҳаёт одатда уч оламдан иборат деб қабул қилинган. Булар – наботот, ҳайвонот ва башарият олами; уларнинг ўзаро муносабатлари заминимиздаги ҳаётнинг асосий омили ҳисобланади. Ҳар учаласига ҳам пайдо бўлиш, ривожланиш, ўзини муҳофаза қилиш, насл қолдиришга интилиш инстинкти берилган ва ҳаётининг бир кунмас-бир кун ўлим билан ниҳоя топиш қисмати белгиланган. Чунончи, ўсимлик уруғдан пайдо бўлади, ривожланади, синган шохлари ўрнини сирач чиқариб, даволайди – муҳофаза қилади, уруғини қолдириб, бир кун қуриydi. Ҳайвон шу хусусиятлар билан биргаликда сезиш аъзолари ва қобилятига ҳамда муайян даражада идрок этиш ҳислатига эга. Инсонда эса булардан ташқари мулоҳаза қилиш, фикрлаш қобиляти ва уят ҳисси, бир сўз билан айтганда, ақл бор. Уни Имом Ғаззолий олтинчи сезги ёки иккинчи юрак, юрак ичидаги юрак деб атаydi. Ана шу ақл ихтиёр эркинлигини, ихтиёр эркинлиги эса ахлоқни тақозо этади.

Бу фикрни ёйиброқ тушунтириш учун инсоннинг пайдо бўлиши тарихига назар ташламоқ жоиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, инсоннинг пайдо бўлиши энг баҳсли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада бир-бирига қарама-қарши икки қараш мавжуд. Бири – диний, иккинчиси – даҳрийча қараш. Диний-эътиқодий нуктаи назардан одамни Худо яратган. Даҳрийча қараш эса, буни инкор этиб, одамни табиат яратган, у табиатнинг бир қисми, деган ғояни илгари суради. Улар орасида инглиз табиийётшуноси Чарльз Дарвин (1809-1882) фикрлари

алоҳида эътиборга молик. У табиий турларнинг танлов йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги эволюцион таълимотни яратди. Дарвин одам билан одамсимон маймунларнинг қардошлигини исботлашга уринди ва одам маймундан пайдо бўлган жонзот деган хулоса чиқарди. Дарвинча-дахрийча қараш яқин-яқингача «социалистик лагерь» ҳудудига кирган мамлакатларда расмий, давлат ёндошуви сифатида ҳукм суриб келди. Тоталитар тузумга асосланган бу давлатлар таназзулга учрагач, яна инсонни Худо яратган деган фикр уларда етакчилик мавқеини эгаллади. Умуман, олганда, инсониятнинг интеллектуал тарихида, ҳатто нисбатан дахрийлик асри бўлмиш XX асрда ҳам, инсонни Худо яратган, деган фикр камида тўқсон фойизни ташкил этади. Биз ҳам ана шу кўпчилик томонидамиз. Айни пайтда, камчилик билдирган ва билдираётган аксил фикр ҳам яшаш ҳуқуқига эга эканини тан оламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзиларда, динийлик билан дунёвийлик бир-бири билан сиғишадиган ҳодисаларми, деган ҳавотирли савол туғилади. Биз унга «Ҳа!» деб жавоб берамиз. Улар на фақат сиғишади, балки бир-бирини тақозо этади. Хусусан, дунёвийлик динийликнинг мавжудлик шартини, яънибу дунё бўлмаганда, умумжаҳоний динлар ва муқаддас китоблар нозил қилинмаган бўлур эди. Улар бир-бири билан сиғишгани учун ҳам бугун биз Арастуға, Форобийга, Ибн Синога, Кантга, Улуғбекка, Ньютонга эгамиз. Ҳамма тушунмовчилик бизда ҳали ҳам шўролар давридан қолган сарқит-одатдан келиб чиқади: биз ҳали-ҳанузгача дунёвийликни эмас, дахрийликни, дунёвий илмларни эмас, марксча-ленинча деб аталган сохта «фан»ни инкор этади. Дунёвийлик эса жамиятдаги динийликни ҳам, дахрийдикни ҳам фуқароларнинг виждон эркинлиги сифатида қабул қилади. Шу боис бизнинг давлатимиз асло дахрий давлат эмас. Франция, Олмония, Япония, АҚШ каби дунёвий давлат, таълим тизимимиз ҳам дахрийликка эмас, дунёвийликка асосланади.

Ахлоқ ҳақида гап борганда, албатта унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омиллар, унсурлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил-асосдан иборат деб ҳисоблайдилар. Булар-ахлоқий англаш (ахлоқий онг), ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий хатти-ҳаракатлар). Баъзи мутахассислар (чунончи, машҳур рус ахлоқшуноси А.И. Титаренко) ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини (категорияларини), ахлоқий меъёрлар ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этадилар. Бизнинг нуктаи назаримиздан бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар кўпроқ ахлоққа эмас, балки уни ўрганадиган фанга – ахлоқшуносликка тааллуқлидир. Умуман, шуни айтиш керакки, ахлоқшунослик фанида анча-мунча чалкашликлар мавжудки, уларнинг сабабини мазкур фаннинг бошқа фанларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгалигидан, яъни унда кўп ҳолларда илмий-назарий жиҳатларнинг илмий-амалий томонлар билан омукталлашиб кетганидан қидирмоқ лозим.

Шундай қилиб, ахлоқ тузилмаси уч асосий омилни: ахлоқий англаш, ахлоқий ҳис этиш ва ахлоқий муносабатларни ўз ичига олади. Айни пайтда ана шу омилларнинг тузилмадаги ўрни, тўғрироғи, мавқеи масаласида ҳам

турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи ахлоқшунослар ахлоқий англашни, бошқа бировлар ахлоқий ҳиссиётнинг ўзини асосий унсур деб талқин этадилар. Яна баъзи бировлар ахлоқий англаш-ахлоқий онгга етакчилик мавқеини берадилар. Хўш, аслида қандай қараш ҳақиқатга яқинроқ?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ тузилмасидаги мазкур уч омил-унсўрнинг бирортасисиз ахлоқ тушунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатларнинг ҳис этиш ва ахлоқий англашсиз юзага чиқиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат ахлоқий ҳис этишга ҳам, ахлоқий англашга ҳам тааллуқли. Зеро тузилмадаги бу уч унсур-омил бир-бирисиз камдан-кам мавжуд бўлади, доимо бир-бирини тақозо қилади.

Энди ахлоқий англашнинг тузилмадаги етакчилик мавқеига, тўғрироғи, асосий унсур сифатидаги ўрнига келсак, уни бу тарзда талқин этиш, бизнингча, тўғри эмас. Ваҳоланки, шўролар даврида ва ҳозирдаги рус олимлари орасида баъзи Ғарбдаги замонавий ахлоқшунослик йўналишларида ана шундай қараш ҳукмрон эканини кўрамиз. Аслида эса, тузилмада пойдевор унсур сифатида ахлоқий ҳиссиёт ёки ахлоқий ҳис этиш намоён бўлади. Тўғри, жуда кўп ҳолларда бирор бир ахлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қисқа вақт мобайнида ўша қарор оқибатлари тўғрисида онгли равишда ҳулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб етишга уриниш билан боғлиқ бўлади, яъни биз ўз хатти-ҳаракатларимизни ахлоқий англаш элагидан ўтказиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалга оширилган ахлоқий қарор тубида, сўзсиз, ахлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, ахлоқий ҳис этиш ахлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Баъзан эса ўша «материал» – ҳиссиётнинг ўзи ахлоқий англашни четлаб ўтиб, муносабат тарзида намоён бўлади. Бунга инсоннинг фавқулодда ҳолатлардаги хатти-ҳаракати мисол бўла олади. Дейлик, юқори тезликда кетаётган автомобиль олдидан йўл ўртасига, коптокни қувиб, гўдак чиқиб қолди. Ҳайдовчи тормозни босиш баробарида, шу заҳоти машинасини кескин четга буради. Бола омон қолади, ҳайдовчи жароҳатланади, машина пачоқ бўлади. Бу ҳолатда ҳайдовчининг гўдакка нисбатан, меҳр-шафқати, ачиниш ҳисси, инсон боласини олий қадрият сифатида ҳис қилиши муҳим роль ўйнайди. ҳайдовчи ўз хатти-ҳаракатини «оқилон қарорга» келиши учун, «етти ўлчаб, бир кесиб» амалга оширмайди – ҳамма нарса бир лаҳзада рўй беради. Бунда англаш эмас, онг эмас, оний интуиция, ўз қавмдоши ҳаётини асрашдек табиий-биологик ҳиссиёт-инстинкт ҳал қилади, яъни мазкур ҳиссиёт том маънодаги англаш даражасига кўтарилиб улгурмасданок муносабатга айланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, бизнинг ахлоқий ҳаётимиз, барча ахлоқий тажрибаларимиз, ахлоқий фаолиятимиз ана шу уч омил асосида рўёбга чиқади. Ахлоқий кодексларимиз, меъёрларимиз ва тамойилларимиз уларга асосланади. Лекин алдов, ёлғон, сохталиқ ва тоталитар ахлоқий зуғум ҳукмронлик қилган даврларда ёки мамлакатларда ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий англаш, ахлоқий муносабатлар қабул этилган кодекслар, меъёрлар ҳамда тамойилларга кўпинча тўғри келмайди. Расмий ахлоқий қонун-қоидалар

билан ҳақиқий ахлоқий интилишлар орасида маънавий жарлик пайдо бўлади. Тилда бу қонун-қоидалар кўкларга кўтарилгани ҳолда, дилда, ич-ичдан уларга қаршилиқ ҳукм суради. Натижада жамият учун фожеа бўлган ахлоқий сўз билан ахлоқий фаолиятнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги рўй беради. Буни биз шўролар давридаги «коммунизм қурувчисининг ахлоқий кодекси» билан шу кодексни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган гуруҳларнинг, «шу кодекс асосида яшаймиз» деган одамларнинг порахўрлигида, ташмачилигида, худбинлигида, ёлғончилигида кўрганмиз.

Биз шу ўрингача, эътибор қилсангиз, ахлоқни бутун инсоният учун умумий ҳодиса сифатида талқин этиб келдик. Зотан ахлоқ энг аввало, умуминсоний анъанавий ҳодисадир. Асосий ахлоқий қадриятлар, муштарак ахлоқий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тўғрилиқ, ростгўйлик, саҳийлик ва баҳиллик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ҳодисалардир. Зеро ўзбекча эзгулик ёки ёвузлик, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Лекин, айти пайтда, ахлоқда умуминсонийлик хусусиятидан ташқари, минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ахлоқнинг нисбатан кичикрок қамровга эга бўлган кўринишларида – ҳулқий хатти-ҳаракатлар, одоб ва этикетда яққол кўзга ташланади. Чунончи, мусулмон минтақасида дастурхон устида бош кийимсиз ўтириш беодоблик ҳисобланади. Бунинг одобдан ташқари гигиеник-озодалик нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти бор: овқатланиш пайтида рўмолсиз аёл ёки дўпписиз эркак бошидан соч толаси, кепак, чанггард таомга ёки дастурхонга тушиши мумкин. Насронийлар минтақасида эса аксинча дастурхон устида бош кийимни ечмаслик Худо инъом этган таом ва дастурхонга ҳурматсизлик саналади. Ёки америкалик йигит ўзи креслода ўтириб, оёқларини кулдон ва ичимлик ашёлари турган столчага чалкаштириб ташлаб, ором олади ва унинг учун бу табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбек учун эса, столга ёки хонтахтага оёқ қўйиб ўтириш – ўта одобсизлик.

Ғарбу Шарқ минтақалари одобида яна бир катта фарқ борки, бу ҳозирги пайтда Ғарбда ҳуқуқнинг ахлоқдан, Шарқда ахлоқнинг ҳуқуқдан устуворлиги масаласи. Ғарб ёшлари, балоғатга етгач, ота-онага тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида муносабат қилади, ўзининг қарши фикрини тўппа-тўғри, ота ё онасининг юзига тик қараб, баён қилади ва буни инсон ҳуқуқларидан, шахс эркинлигидан фойдаланиш деб билади Шарқ ёшлари масалан, япон ёки ўзбек ота-онага тик гапиришни, тўғридан-тўғри қарши чиқишни анъанавий ахлоқий қоидаларнинг оёқ ости қилиниши деб тушунади, падари ё волидасига кўзини ерга тикиб, мулойим, ўз фикрини товуш кўтармай айтишни, баъзан эса сукут сақлашни афзал деб билади, уларга бўйсунитишни бурч сифатида олиб қарайди. Афсуски, баъзи Ғарб мамлакатларида кекса авлодни ёшлар ҳуқуқий ҳаётига, эркинлигига ғов деб билиш ҳоллари мавжуд. Бунга кейинги пайтларда Англияда бир қанча ёшлар гуруҳларининг кўчада

кетаётган қарияларни тутиб, дўппослашлари оқибатида юзага келган ўнлаб суд жараёнлари гувоҳлик беради.

Тўғри, шарқона этикет, одобий қонун-қоидаларнинг анъанавийлик билан боғлиқ, баъзи замонавий нуктаи назардан нуқсли томонлари бор. Лекин, шунга қарамай, уларда инсонийлик ва меҳр- оқибат туйғулари ҳали ҳам мустаҳкам илдизга эга. Ғарбда эса ҳозирги пайтда бундай фазилатларни учратиш тобора ғайри табиий ҳолатга ўхшаб қолаётир. Шу боис ҳозирги пайтда Ғарбнинг ҳуқуқийлик тамойилини Шарқнинг ахлоқийлик тамойили билан уйғунлаштириш замонавий жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

3-масала. Илм дунёсидаги, ҳар қандай илмнинг тарихисиз назарияси бўлмайди, деган ҳикмат, айниқса, ахлоқшуносликка тааллуқли. Зеро ахлоқшунослик тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий меъроснинг улкан қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, ҳикматлар, панд-ўғитларни замонавий жамият ҳаётига тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўллари таҳлил этади. Гарчанд ҳар бир ахлоқий концепция маълум бир мутафаккир мулоҳазалари ва фаолиятининг меваси бўлса-да, у, моҳиятан, муайян тарихий давр талабларидан келиб чиқади. Айни пайтда, турли одоб ва этикет қонун-қоидаларини ўз ичига оладиган ахлоқий тарғибот муаммолари, ахлоқий панд-ўғитлар ва меъёрлар талабларини бажариш, ахлоқий бошқариш соҳасига киради ҳамда ахлоқшуносликнинг одатда «амалий ахлоқ» деб аталадиган қисмини ташкил этади.

Дарҳақиқат, аввал айтиб ўтганимиздек, «Калила ва Димна»сиз, Конфуций ўғитларисиз, «Қобуснома»сиз халқ мақол ва маталларисиз бу фан тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, муайян ахлоқий тизимни англаш, баҳолаш ҳам худди тарғибот сингари, маълум маънода адабиёт воситасида амалга оширилишини унутмаслик лозим.

Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда гилтаҳталарга ёзилган мақол ва маталлардир. Сомир (Шумер) алқовларида (гимнларида) деярли барча бош маъбудлар эзгулик, адолат, ҳақиқат ва яхшилик тарафдорлари бўлганлари учун ҳам мадҳ этилади. Чунончи, қуёш маъбуди Уту ахлоқий меъёрларнинг бажарилишини махсус кузатиб турган, маъбуда Нанше эса, баъзи матнларда ҳақиқат адолат ва шафқат ҳомийси сифатида тасвирланади. Лекин, айни пайтда, маъбудлар томонидан ўрнатилган «Ме» деб аталган қонунлар рўйхатидан олам ҳаракатини тартибга солиш, унинг тўхтовсиз ва уйғун бўлишини таъминлаш мақсадида юқоридаги ахлоқий фазилатлар билан биргаликда – «ёлғон», «нифоқ», «гина», «кудурат», «қўрқув» тушунчалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, сомирийларнинг мақол ва маталлари, ҳикмат-иборалари ҳам диққатга сазовор; уларнинг кўпчилиги умуминсоний ҳикматлар даражасига кўтарилган ва Шарқда бир оз бошқачароқ шаклда ҳозир ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, турли ахлоқий муаммолар эса «Гильгамеш» эпоси дostonларида кўтарилган.

Сомирликлар эришган илмий, бадий, ахлоқий даража, ҳуқуққа оид ютуқлар бобилликлар ахлоқий қарашлари учун асос бўлди. Бобилонда сомирликларникига нисбатан бадий юксак ва мукаммал «Гильгамеш» эпоси

вужудга келди. Адолат ва ҳақиқатнинг ҳимоясини асосий мақсад қилиб олган Бобилон подшоси Ҳаммурапининг машҳур Қонунлар мажмуи эса қадимги Сомир қонунларининг тадрижий ривожиди. Бу мажмуада заифларни, етим-есир ва камбағалларни адолат тамойили асосида ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган; Ҳаммурапи унда ўзининг камбағалпарварлиги ва адолатпарварлиги билан фахрланади.

Қадимги Мисрда эса одоб-ахлоқ масалалари ўзига хос пандномаларда ифода топган. Улар орасида «Пхатотеп ўғитлари» бизгача етиб келган энг қадимий панднома ҳисобланади. Бундан деярли икки ярим минг йил аввал бешинчи сулола фиръавни Жадкара Исесидан вазир Пхатотеп қарилиги туфайли ўрнига ўз ўғлини тайинлашни илтимос қилади ва ўғлига атаб ўттиз етти насиҳатдан иборат мазкур пандномани ёзади. Унда ўша давр ахлоқий қонун-қоидалари, ўзни тутиш, муомала одоби сингари муаммолар кўтарилади, ахлоқий фазилатлар эса ҳикматлар ва насиҳатлар тарзида тарғиб қилинади. Ундаги ўғитлар юксак бадиияти билангина эмас, балки қулдорлик даври талабларини четлаб ўта олган умуминсоний демократик фикрлар тарзида, ҳақиқий донишмандлик ва инсонпарварлик намунаси сифатида ханузгача кишини ҳайратга солади: «Қимматбаҳо тошдек яшириндир оқилона сўз, ҳолбуки уни дон туюётган чўридан топиш мумкин». Агар нафақат Қадимги Мисрда, балки ундан бир неча минг йил кейинги Қадимги Юнонистонда ҳам қул эзгуликка, донишмандликка хос бўлмаган жонзот саналганини ва одам ўрнида кўрилмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, Пхатотепнинг мазкур фикри инсоният ахлоқий тафаккур тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканини англаш мумкин.

Қадимги Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур тараққиёти зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан бундан XXX аср муқаддам ёйила бошлаган бу диннинг Қадимги Хоразмда яратилган, «Авесто» деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар ва иллатлар санаб ўтилади, талқин этилади. Унда зардуштийлик илоҳи Аҳура-Мазда – эзгулик, Аҳриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий кўрашнинг ибтидоси акс этади. «Абадий эзгулик», «Эзгу ният», «Эзгу тартиб», «Илоҳий тобеълик», каби эзгу тушунчалар реал маъно касб қилиб, инсонийлашган қиёфадаги маъбудлар сиймосида намоён бўлади, улар Аҳура-Мазда атрофида яхшилик уруғини сепиб юради. Бундай тушунчаларнинг акси эса Аҳриман атрофидаги ёвуз кучларда реаллашади. Ёвуз фикр тажассуми Апа Мана, сўлиш ва ўлим тимсоли Туарви ҳамда Зарик исмли девлар шулар жумласидандир.

Зардуштийлик динини маълум маънода ахлоқий эътиқод, унинг муқаддас китоби «Авесто»ни қадимги аждодларимиз амал қилган ахлоқий тушунчалар ва кўрсатмалар мажмуи дейиш мумкин. Буни ушбу дин пайғомчиси Зардуштнинг «Авесто» даги Аша алқовидан жой олган қуйидаги сўзларида яққол кўриш мумкин:

«Авесто» даги талқинлар инсоннинг реал ҳаёти билан боғлиқ эканлиги диққатга сазовор. Ундаги эзгулик руҳи – яратувчилик, ижодкорлик қуввати, Ёвузлик эса бузиш ва бузғунчилик кучи тарзида намоён бўлади.

«Авесто»да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тозалик тамойиллари билан иш кўрган одам ўлгандан сўнг унинг руҳи роҳат-фароғатда бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса аксинча: азоб-уқубат ҳамда хунуклик комига маҳкум этилиши айтилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Авесто»да инсон олий жонзот тарзида талқин этилади. Айни пайтда еру кўкдаги барча неъматларни севиш, ардоқлаш инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Озодалик, тозалик гигиеник тушунчадан ахлоқий ва илоҳий тушунча даражасига кўтарилади: сувни, атроф-муҳитни тоза тутиш, жониворларга, хусусан, итга учи ўтқир суяк ёки қайноқ овқат бермаслик – уларга нисбатан шафқатни англатади; инсон шафқатли бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси «Авесто»да экологик ахлоқшуносликнинг дастлабки кўртаклари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бу муқаддас китобдаги турли-туман маъбудлар бизнинг тушунчамиздаги пир даражасидадир (масалан, темирчиликнинг пири-ҳазрати Довуд в.х). Илоҳ эса – битта: Ахура-Мазда, фақат унгагина сажда қилинади. Демак, яккахудоликни, тавҳидни тарғиб этишда ҳам биринчилик «Авесто»га мансуб. «Авесто»даги баъзи бир урф-одатлар ва иримларнинг ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Исириқ тутатиш, қурбонлик учун сўйилган жон қалласини даврадаги ўтағасилар олдига қўйиш одатлари ҳамда сеvimли Наврўз байрамимиз фикрларимизга далилдир. Хуллас, «Авесто» юқорида айтганимиздек, аждодларимизнинг ахлоқий эстетик қомуси, қадимий урф-одатларимизнинг ўзига хос мажмуи сифатида қимматлидир.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослигида Қадимги Ҳиндистон ахлоқий тафаккури алоҳида ўринга эга. У тарихан ведачилик, йўга, жайнчилик, буддҳачилик, «Бхагавадгита» ва «Артхашастра» ҳамда лоқоята оқимларидан ташкил топган.

Ведачилик ахлоқшунослиги қадимги ҳинд жамиятини тўрт табақа-варнага бўлади; брахманлар (қоҳинлар), кшатрийлар (ҳарбийлар), вайшчилар (деҳқонлар, қосиблар), шчудралар (қуллар). Машҳур «Ману қонунлари» да ёзилишича, брахманнинг машғулоти – таълим бериш, Ведани ўрганиш, қурбонлик қилиш, садақа улашиш ва туҳфалар олиш; кшатрийлар фуқароларни қўриқлайдилар; вайшчилар чорва, тижорат, судхўрлик ва деҳқончилик билан шуғулланайдилар; шчудралар эса ана шу уч ижтимоий гуруҳга хизмат қилади. Ведачилик ахлоқига кўра, брахманлар туғма ахлоқий юксак одамлар, шчудралар эса туғма тубан ахлоқ эгалари ҳисобланади.

Лекин кейинги оқимларда, йўга, жайнчилик, айниқса, буддҳачилик ахлоқшунослигида, ахлоқий фазилатлар эгаси бўлиш инсоннинг зоти ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг шахсий камолоти билан боғлиқ, деган фикр илгари сурилади. Буддҳа таълимотига кўра, дунё изтиробга тўла ва энг муҳим муаммо ана шу изтироблардан қутилишнинг йўлини топиш. Нақл қилишларича, ўз тенгдошлари билан айшу ишратда умр кечирган шахзода Сидхарта Гаутама кунлардан бирида сайр қилиб юриб, касал чолни ва жаноза маросимини кўради. Ҳар бир кишини касаллик, қарилик ва ўлим қутишини эшитиб, ларзага тушади, одамлардан қочиб, тарки дунё қилади ва тўрт эзгу ҳақиқатни англаб етади ҳамда уни одамларга

етказади. Унинг қисқача баёни шундай:

1. Бу дунёдаги ҳаёт изтиробларга тўла.
2. Бу изтиробларнинг сабаблари бор.
3. Бу изтиробларга барҳам бериш мумкин.
4. Изтиробларга барҳам беришга олиб борадиган йўллар мавжуд.

Буддҳанинг тўртинчи ҳақиқати, айниқса, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳим. У Буддҳа ўтган ва ҳамманинг ўтиши мумкин бўлган нирванага (эхтирос, нафрат, пушаймон аста-секинлик билан сўниб бўлгандан кейинги ҳолатга) етишиш йўлидир. У саккиз фазилатга эришувдан иборат: 1) тўғри қарашлар; 2) тўғри журъат; 3) тўғри хатти-ҳаракат; 4) тўғри нутқ; 5) тўғри ҳаёт тарзи; 6) тўғри жаҳд-жадал; 7) фикрни тўғри йўналтириш; 8) диққатни тўғри қаратмоқ. Шундай қилиб, саккиз йўл бир-бирини тақазо этувчи уч омил – билиш, хатти-ҳаракат ва диққатнинг бирлигидан иборат. Билим ва ахлоқ бу ўринда яхлитликка эга; фазилат билимдан (иллат эса билимсизликдан) келиб чиқади, шу сабабдан билимни фазилатсиз такомиллаштириш мумкин эмас. Шундай қилиб, буддҳачилик томонидан ведалар обрўси, браҳманларнинг истисноли ҳолати инкор этилади, жамиятни варналарга бўлиш қораланди. Шубҳасиз, бу ахлоқий таракқиёт кўринишларидан бири эди.

Буддҳачилик ахлоқшунослиги нафақат Ҳиндистонда, балки Қадимги Хитойда ҳам ўзига хос мавқе эгаллади. Лекин у ерда яна икки ахлоқшунослик йўналиши катта аҳамиятга ва қамровга эга эди. Улардан бири даочилик.

Даочилик таълимотининг асосчиси Лао-цзи (милоддан аввалги VI-V асрлар) йирик намоёндаси Чжуан-цзи (милоддан аввалги 369-286 йилар) ҳисобланади. Лао-цзига нисбат бериладиган «Дао дэ цзин» китобида даочиликдаги асосий йўналишларнинг моҳияти акс этган. «Дао – ҳамма нарсадан устун», «илдиз», «Ер ва осмоннинг онаси». «дунёнинг илк асоси», «ци» эса моддий асос, дао «дэ» ни – фазилатни ундан яратади. Шунингдек, «дао» йўл маъносини ҳам англатади. «Дао дэ цзин» ни «фазилат йўли» деб ҳам аташ мумкин.

Инсон мавжуд олам каби дао қонунлари асосида вужудга келган, у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси фазилат (дэ) йўлидан бориш. ҳар қандай сунъий аралашув, табиатнинг мувофиқлик тартибини ўзгартиришга интилиш-одамлар учун ҳалоқатли, барча ёвузликларнинг, сон-саноксиз бахтсизликларнинг манбаи табиат жорий этган қонунлардан чекинишдадир. Шу сабабли Лао-цзи наздида фаолият даога қарши қаратилган ва халққа зарар келтиради, унинг асосий ахлоқий тамойили «увэй» – фаолиятсизлик; донишманд кишининг «дао»си, бу – кўрашсиз фаолият. Лекин бу кўрашсиз фаолият аслида табиатга қарши бўлмаган фаол хатти-ҳаракат, фақат даога хос, табиат қонунларига мос фаолият.

Айни пайтда, Лао-цзининг фикрича, донишманд билимини ошира бориб, уни одамларга тарқатмайди, фақат халқнинг фаровонлиги учун ишлатади; «Халқнинг билими кучли бўлса, уни бошқариб бўлмайди. Унинг емагини тотли, кийимини чиройли, уй-жойини тинч, ҳаётини қувончли қилиш керак».

Ана ўшанда, яъни илм фан тараққий этмаса, цивилизация кириб келмаса, бир давлат қўшни давлатга кўз олайтирмайди, уруш бўлмайди. Хуллас, донишманд ибтидоий даврларни идеаллаштиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, даочилик ахлоқшунослигидаги асосий мақсад – одамларнинг табиат кўрсатган йўлдан боришига эришиш; тамойили – фаолиятсизлик; халқнинг бахти – унинг уруғчилик, қабилачилик муносабатларидаги тенглик ва соддаликка қайтишида; донишмандларнинг бахти эса мўътадиллик; хотиржамлик, табиатга яқинликдадир.

Даочиликнинг асосий рақиби ҳисобланмиш конфуцийчилик эса қора халқдан нодонлиги учун жирканади, уни ахлоқий ҳаётга номуносиб деб билади. Зеро, конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали цзюн-цзи ҳимматли жўмард. Унинг юксак фазилатлари – фидойилик, софдиллик, садоқат, адолат. У муомала бобида мулойим, юксак мартабалиларга ҳурмат билан мурожаат қилади, халққа нисбатан эса ҳимматли, адолатли муносабатда бўлади.

Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча-жэнь (инсонийлик). «Лунь юй» («Ҳикматлар») китобида шундай дейилади: «Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди». «Ўзингга эп кўрмаган нарсани ўзгага муносиб кўрма, шунда давлатда ҳам, оилада ҳам ўзингга нисбатан ёвлик ҳис қилмайсан». Демак, жэнь – ҳам жамият, ҳам оила аъзолари орасидаги муносабатларни белгилайдиган ахлоқий тамойил. У билан «сяо» – ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, «ли» – урф-одат, маросимларни эъозлаш тушунчалари мустаҳкам боғлиқ. Айни пайтда «ли» тушунчасининг маъноси анча кенг, у давлатга бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олади. Ҳокон (император) – Осмон ўғли, у Осмон остидагиларнинг барчасига ота. Осмон остидаги тартиб-қоида эса қуйидагича: «Подшо–подшо, ота—ота, мулозим–мулозим, ўғил–ўғил бўлиши керак».

Фазилат эгаси бўлишнинг конфуцийчиликда икки хил йўли аниқ кўзга ташланади: халқ учун – урф-одатларга сўзсиз, ўйлаб ўтирмасдан бўйсунуш; ҳимматли жўмард учун эса ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштира бориш ва ахлоқий бурчини онгли равишда бажариш. Конфуцийчиликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги ҳикматлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас; «Устоз, дебди: Ю, сен олти иллатнинг олти босқичини биласанми?» Цзин-лу: «Йўқ,» деб жавоб берибди. Устоз дебди; «Ундай бўлса, ўтир, айтиб бераман. Инсонпарварликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – бефаросатликка олиб келади, донишмандликни севиш-у, илм олишни севмаслик иллат шундаки, бунда инсон ўз умрини майда ишларга сарфлайди, ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – ўзига зарар етказишга олиб келади, тўғрилиқни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – қўполликка олиб келади; мардликни севиш-у илм олишни севмаслик, бу-исёнкорликка олиб келади, қатъийликни севиш-у, илм олишни севмаслик, бу-бошбошдоқликка олиб келади».

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқлар шунчаки тарих бўлиб қолмади. Уларни ўзлаштириш натижасида, Шарқ билан яқин алоқа қилиш учун жуғрофий қулайликларга эга бўлан Қадимги Юнонистоннинг

полисларида (шаҳар-давлатларида) ахлоқшунослик янги босқичга кўтарилди. Кейинчалик Қадимги Шарқда илгари сурилган ғоялар, қўлланган тушунчалар, назарий-амалий тажриба билвосита бутун Оврўпо учун ҳам аҳамият касб этди.

4- масала. Қадимги Юнон ахлоқшунослиги ҳақида гап кетар экан, асосан, тўрт буюк файласуфнинг номини тилга олиш одат бўлиб қолган; Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур. Лекин, аслида, уларгача ҳам Қадимги Юнонистонда ахлоқшунослик борасида анча-мунча ишлар қилинган. Чунончи, Демокрит, Пифагор, Гипсий, Горгий сингари софистлар (донишмандлар) оқимиға мансуб файласуфларнинг қарашлари диққатга сазовор. Мисол тариқасида Демокритнинг (тахминан милoddан аввалги 450-370 йиллар) қарашларини олиб кўрайлик. У донишмандликни энг юксак фазилат, ақлни эса ахлоқий хатти-ҳаракатнинг мезони деб билади ва донишмандни ахлоқли, нодонни ахлоқсиз одам сифатида таърифлайди. Демокритнинг фикрига кўра, инсон учун ҳаётдаги биринчи устоз эҳтиёж ва тажрибадир. Айнан шулар инсонни фойдали ва зарарли нарсаларни фарқлаш даражасига олиб келади.

Демокрит Қадимги Юнон файласуфлари ичида биринчи бўлиб инсоннинг ички дунёсига мурожаат қилди. У ниятни (хатти-ҳаракат сабабини) ҳаракатдан ажратади. Айни пайтда; «Номусли ва номуссиз одамни нафақат қилмиши, балки нияти орқали ҳам билиб олса бўлади», дейди мутафаккир. Демокрит ҳаё ва ишончни инсонни қинғир ишлардан қайтариб турувчи куч тарзида таърифлайди. Фақат руҳан заиф ва гумроҳ одамларгина ўз муваффақиятсизликларини маъбудлар, тақдир ва тасодифдан кўрадилар. Нодон ва ёмон одам лаззат, бахт ҳамда ҳаётнинг мақсади ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун ўзини бахтсизликка мубтало қилади.

Сукрот (милoddан аввалги 470-399 йиллар) қарашларига келсак, у, Конфуцийга ўхшаб, ахлоқ билан ҳуқуқни бўлинмас яхлитликда олиб қарайди: «Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир». Иккала мутафаккир ҳам ҳукмронликнинг яхши ёки ёмон деб баҳоланишини фуқаролар тарбияси билан боғлайди, жасорат ва бетамаъ хизмат намуналарини ўз давлатлари ўтмишидан топади.

Сукротнинг фикрича, полис билан фуқаро ўз ҳуқуқлари жиҳатидан тенг эмас; улар ота билан ўғилга ўхшайди. Ахлоқнинг асосий моҳияти-ўзгармас ва абадий асл фазилат бўлмиш донишмандлик. У ахлоқий хатти-ҳаракат мезони ҳисобланган илоҳий ёзмишга мос келадиган бенуксон фаолиятдир. Ахлоқнинг манбаи эса инсондан ташқарида, илоҳийдир.

Сукротдан фарқли ўлароқ, Афлотун (милoddан аввалги 427-347) ахлоқшунослиги учун, аксинча, ғоялар ва руҳ ҳақидаги таълимотлар асос бўлиб хизмат қилади. Афлотуннинг ғоялар таълимотига кўра, бизга кўриниб турган, биз қилаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун эса инсон ақли ожизлик қилади. Инсон ғор деворига кишанбанд қилиб кўйилган тутқунга ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг ноаниқ сояларини кузатади, ҳақиқий борлиқ эса соялар орқасида, кўринмайди. Уни инсон кўрмайди, бироқ ўша асл борлиқни кўра оладиган мангу – ўлмас руҳ мавжуд.

Барча билимлар хотира натижасидир; руҳ ғоялар дунёсидан билганларининг баъзиларини эслайди ва вужуддаги ҳаётида бирор-бир диққатга сазовор янгиликни ўзига касб этмайди. Шундай қилиб, Афлотуннинг фикрича, ахлоқ, илоҳий асосга эга ва ахлоқий фазилат инсонга азалдан берилган.

Афлотун донишмандликни олий фазилат, руҳдаги ақлий қисмнинг намоён бўлиши деб билади ва давлатни бошқаришга лойиқ ягона тоифа сифатида донишманд-файласуфларни тан олади. Ёвқурлик – кўриқчиларга, давлатни ҳимоя қилувчи аскарларга хос. Руҳнинг ҳирсли қисми билан боғлиқ бўлган мўътадиллик хунарманд-косиблар, деҳқонларга, яъни. халққа хос. Улар аввалги табақага бўйсунishi шарт. Улардан сўнг куллар туради. Куллар ахлоқдан ташқарида, ҳар қандай фазилатдан йироқ, зотан уларнинг руҳга эгалиги гумон. Хуллас, Афлотуннинг ахлоқшунослиги қатъий диний табиатга эга. Айни пайтда у кўп жиҳатдан ведачилик ахлоқшунослигидаги ғояларни ўз ичига олади ва уларни ривожлантиради.

Афлотундан сўнг икки қадимги юнон алломаси – Арасту (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ва Эпикўрнинг (милоддан аввалги 341-270 йиллар) ахлоқ назариялари диққатга сазовор. Афлотуннинг шогирди Арасту биринчи бўлиб ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этди ва унга (кейинчалик Оврўпода қабул қилинган) «Этика» деган номни берди.

Арастунинг ахлоқий қарашлари, асосан ўғлига бағишланган «Никомахнинг ахлоқ китоби» ва «Эвдемнинг ахлоқ китоби» ҳамда «Катта ахлоқ китоби» рисолаларида ўз аксини топган. Арасту Қадимги Юнон мутафаккирлари ичида биринчи бўлиб ихтиёр эркинлигини ахлоқнинг асоси сифатида олиб қарайди ва ахлоқий фазилатни Афлотунга қарама-қарши ўлароқ, руҳнинг туғма хусусияти эмас, балки касб этиладиган (ҳосил қилинадиган) сифат эканини айтади. У барча фазилатларни иккига бўлади: биринчиси, руҳнинг донишмандлик, тажрибакорлик, топқирлик сингари маънавий соҳа билан боғлиқ ақлий қисмига оид фазилатлар ва, иккинчиси, руҳнинг интилувчан (ихтиёрий) қисми – соф ахлоқ билан боғлиқ фазилатлар. Унинг фикрича, асосий фазилат адолатдир. «Фазилат, – дейди Арасту, – маълум маънода ўрталиқдир, зеро, доимо ўрталиққа интилади». Масалан, мардлик телбавор жасорат билан кўрқоқлик орасидаги ўрталиқ ва ҳоказо. Шунингдек, мутафаккир ниятга катта аҳамият беради ва уни ҳаракатнинг тамойили, бошланиши деб атайди. Лекин у пировард мақсад эмас, ниятнинг тамойили эса интилиш ва ақл, шу сабабли ният ақлдан, эс-хушдан ва одобдан ташқарида бўлмайди.

Арасту ақл-идрок фаолиятини ҳаёт ва фаолиятнинг олий шакли, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган қадрият деб ҳисоблайди. Олий ақл доирасида субъект ва объект, фикр ва фикрнинг нарса ҳодисаси бир-бирига мос, яъни Олий ақл (Худо) тафаккур ҳақидаги Тафаккурдир. Гарчанд инсон ҳеч қачон илоҳий ҳаёт даражасига етиша олмаса-да, лекин унга, идеал сифатида имкон бориша интилиши керак; инсон эришган комиллик доимо нисбий бўлади.

Шундай қилиб Арастунинг фикрича, ахлоқли инсон ақлий фазилатлар

билан йўғрилган кишидир; ақлни инсон эмас, инсонни ақл белгилайди. Аёл зоти эса паст даражали, заиф, кўз ёшига эрк берадиган, ўзини тутолмайдиган инсон, уларда эҳтирос ақл-идрокдан юксак туради, иллатларга эркакларга нисбатан кўпроқ мойил бўладилар, шунинг учун ҳам донишмандлик уларга хос эмас; хотин эрга бўйсунити адолат тамойилини бузмайди. Санъат, сиёсат ва илм фан озод кишилар учун. Қул, умуман, ахлоқдан ташқаридаги мавжудот.

Кулларни паст табақали кишилар, хатто жонли нарсалар қаторига киритиш Арастунинг инсон моҳиятини ижтимоий-сиёсий мавжудот сифатида тушунишидан келиб чиқади. Унинг учун жамиятдан, қабила, жамоа, давлатдан ташқаридаги одам – ё Худо, ёки ҳайвон. Шу боис ёт қабиладан келган, полис фуқаролиги ҳуқуқига эса бўлмаган куллар одам ҳисобланмайди. Қул фақат озодликка эришгандагина инсонга айланади.

Юқорида кўрганимиздек, унинг наздида одамлар тенг эмас, тенглик тушунчаси Арастуга ёт. У фақат одамлар ўртасидаги дўстлик ва хайрихоҳликни тан олади.

Эпикур эса ўз қарашларида фалсафанинг амалий мақсадини, ахлоқий мазмунини таъкидлайди: «Инсоннинг бирор бир изтиробига даво тополмайдиган файласуфнинг сўзлари маъносиздир. Бадандан касалликни кува олмайдиган табобатдан ҳеч қандай фойда бўлмагани каби, руҳни (қалбни) даволай олмайдиган фалсафадан ҳам фойда йўқ».

Эпикўрнинг фикрига кўра, инсонда танлов ихтиёри бор. У ҳам Демокрит каби эзгулик ҳақидаги таълимотни лаззат ва изтироб муаммосидан бошлайди. Унинг учун энг муҳими руҳий хотиржамлик. Дўстларидан бирига у шундай деб ёзади; «Заррин тўшагу тўкин дастурхонинг бўлиб, беҳаловат яшагандан кўра, похол тўшакда хотиржам ётганинг афзал!» Фазилатлар орасида Эпикур адолат билан донишмандликка алоҳида эътибор билан қарайди. Адолат тушунчасида мутлақлик ва нисбийлик ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб ўтади: «Умуман, адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамлараро муносабатлардаги фойдали ҳодиса; лекин муайян мамлакатларнинг ўзига хослиги нуктаи назаридан ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда адолат барча учун бир хилда бўлолмай қолади.» Фазилатларнинг моҳияти инсонни лаззатга олиб боришдан, хотиржамликка ҳамда руҳнинг фаолиятли ҳолатига хизмат қилишдан иборатдир. Бахт эса ахлоқий ва жисмоний соғломликдан юзага келади.

Эпикур изтиробдан қочишни эмас, уни енгиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун ахлоқий қатъият, фикр ёрқинлиги, фикр қудрати изтиробга қарши қўйилиши керак. Унинг ахлоқий идеали – ердаги ҳаётга нафрат билан қарамайдиган, аксинча, табиат билан ҳамнафас бўлиб, яъни табиат белгилаб берган ҳаётий мақсадга мувофиқ яшайдиган донишманд, файласуф. Айнан табиатга мувофиқликда, турли бидъат ва алдамчи фикрлардан қутилиб, ўз эҳтиёжларини табиий зарурат билан мослаштирган ҳолдагина донишманд тафаккур ва ички эркинлик борасида олий даражадаги лаззатга эришади. Донишманд ўз кучи меъёрини билади ва ундан оқилона фойдаланади. Унга бахт манбаи-фақат маънавий эзгуликда, дўстлик билан билимда бўлган

нисбатан мустаҳкам ва узоқ муддатли лаззатда экани аён. Эпикур одамларнинг муносабатларида ҳаммасидан аввал тенглик ва ҳамфикрлиликка асосланган дўстликни қадрлайди. Фалсафа билан шуғулланиш ҳам худди дўстлик сингари руҳан хотиржамликка этишишга олиб келади.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқларни юксак назарий даражага кўтарган Қадимги Юнон ахлоқшунослиги жаҳоншумул аҳамият касб этди. Юнонлик мутафаккирлар илк бор инсон шахсини, инсон хатти-ҳаракатига асосланган ниятни тадқиқ этишга ва ахлоқий қилмиш муаммоларини тушунтиришга уриндилар.

Қадимги Юнон ахлоқшунослари илмий анъаналарини Цицерон, Лукреций Кар, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Секст Эмпирик сингари Қадимги Румо мутафаккирлари давом эттирдилар.

Тит Лукреций Кар (милоддан аввалги 99-44 йиллар), Эпикур ахлоқий таълимотининг изчил ҳимоячиси сифатида, машҳур «Нарсаларнинг табиати ҳақида» деган достонида руҳ ва вужуднинг ажралмас алоқасини таъкидлайди, руҳнинг ўлиши тўғрисида фикр юритади, инсоннинг ўлим кўркувидан халос бўлишида ахлоқий маъно борлигини айтиб ўтади. Ўлим кўркувидан ва маъбудлар олдидagi кўркувдан халос бўлган киши бахтли яшаши мумкин, ақл-идрок ва ҳис-туйғулар шарофати билан нарсалар ҳақида у ҳақиқий тасаввурга эришади.

Луций Анней Сенека (милоддан аввалги 5-милодий 65 йиллар) ҳам ёзувчи, ҳам ахлоқшунос файласуф. Унинг «Ғазаб ҳақида», «Шафқат ҳақида», «Бахтли ҳаёт ҳақида» сингари ахлоқшуносликка доир рисоалари кўпчиликка маълум. Айниқса, «Луцилийга ахлоқий мактублар» асари машҳур. Сенеканинг фикрига кўра, дунё моддий, бироқ, унда қандайдир жонли ибтидо ҳукмрон: уни ақл-идрок деймизми, табиат, башорат ёки тақдир деймизми-аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, унинг ёзиғи албатта амалга ошади. Файласуф фазилатларнинг маъносини тақдирдан розиликда, унинг зарбаларига инсоний кадр-қимматни йўқотмай, мардона ва чидам билан дош беришда кўради.

Шундай қилиб, Қадимги Румо ахлоқшунослари ҳам инсон хатти-ҳаракатлари муаммосини ўртага ташлайди ва инсоннинг оламдаги ўрни ҳамда ҳаётнинг мақсадини белгилашга интиладилар. Бундай интилиш, айти пайтда, бутун Қадимги дунё мумтоз ахлоқшуносларига хосдир. Хуллас, Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослари оддий ахлоқ-одоб қоидалари, панд-ўғитлар ва ҳикматлардан тортиб, то ахлоқшунослик назарияси тизимигача яратдилар. Бу мерос ханузгача ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ, ханузгача жаҳон ахлоқшунослиги кўп ҳолларда ўша тушунчалар ва тамойилларга янгича ёндошув асосида тараққий этиб келмоқда.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ахлоқшунослик, Этика, Одоб, Хулқ, Ахлоқ, Ноосфера, Этосфера, Биологик ахлоқшунослик. Эзгулик, Ёвузлик, Фазилат, Иллат, Руҳ, Ихтиёр эркинлиги, Изтироб, Адолат, Донишмандлик, Дўстлик.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Ахлоқшунослик» ибораси нимани англатади?
2. Одоб нима?
3. Хулқнинг одобдан фарқи нимада?
4. Ахлоқшунослик қайси ижтимоий фанлар билан яқиндан алоқадор?
5. Замонавий ахлоқшунослик олдида қандай муҳим вазифалар мавжуд?
6. Сомирликлар ва бобилликларнинг ахлоқий қарашлари нималарда ифодаланган?
7. «Авесто»нинг ахлоқий аҳамияти нималарда кўринади?
8. Ведачилик ахлоқшунослигида асосий эътибор нималарга қаратилади?
9. Буддхачилик таълимотининг демократик хусусиятлари нималарда акс этади?
10. Даочилик ахлоқшунослигидаги ўзига хослик қай тарзда намоён бўлади?
11. Конфуций ва унинг издошлари илгари сурган асосий ғоялар нималардан иборат?
12. Арастуғача бўлган Қадимги Юнон ахлоқшунослигининг ўзига хослиги нималарда акс этган?
13. Арасту ахлоқий таълимотининг мумтозлик моҳияти нимада?
14. Қадимги Румо мутафаккирларининг ахлоқий қарашларида қандай муҳим муаммолар кўтарилган?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.
3. Ибн Сино. Баҳманёр ал-Озарбойжоний билан мунозара. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 3-4-сонлар.
4. Авесто. Аша алқови. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 5-6-сонлар.
5. Конфуций. Панд-ўғитлар. «Соғлом авлод учун» журнали, 1997 йил, 5-6-сонлар.
6. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. «Гулистон» журнали, 1999 йил, 4-5-сонлар.
7. Аристотель. Никомахова этика. || Аристотель. Сочинения в 4-х томах, том 1, Москва, «Мысль», 1983.
8. Законы Ману. Москва, 1960.
9. Гусейнов А, Ирриц Г. Краткая история этики, Москва, «Мысль», 1987.
10. Иванов В. История этики Древнего мира. Ленинград, Издательство ЛГУ, 1980.
11. Крамер С. История начинается в Шумере, Москва, «Наука», 1989.
12. Философия и жизнь. Серия № 10, 1990, №3 1991, Москва, «Знание».

13. Хайдеггер М. Учения Платона об истине || Историко-философский ежегодник. Москва, «Наука», 1986.

2- маъруза. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. (2-соат)

Режа:

1. Ахлоқшунослик мезоний тушунчалари (категориялари) ибтидосининг ҳиссиётга бориб тақалиши.
2. Ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларининг моҳияти.
3. Ахлоқий тамойиллар, меъёрлар ҳамда уларнинг инсон ва инсоният жамияти тараққиётидаги аҳамияти.

1- масала. Аввал биз ахлоқий ҳиссиётларни ахлоқий англаш учун муайян маънода материал экани тўғрисида бирров тўхталиб ўтган эдик. Бу ҳақда мумтоз файласуфлар ҳам эътиборга сазовар фикр билдирганлар. Чунончи, буюк инглиз мутафаккири Жон Локк, тушунчада нимаики бор экан, у бундан аввал ҳиссиётда мавжуд бўлган, деб таъкидлайди. «Табиат қонуни борасидаги тажрибалар» асарида у шундай деб ёзади: «Агар ҳиссиётдан ақлга нарсалар қиёфаси етказиб берилмаса, у ҳолда тафаккур учун ҳеч қандай материал берилмаган бўлади ва ақл билишин тараққий эттириши борасида тош, ёғоч, қум ва ҳоказо қурилиш материалларисиз меъмор бино қуришда қанчалик иш қила олса, шунчагина иш бажара билади». Ақлни идеаллаштириш, ҳиссиётни иккинчи даражали омил чифатида талқин этиш, афсуски, Локк ва унга ўхшаш баъзи мутафаккирлар фикрларини ҳисобга олмаслик кейинги даврларда, айниқса, кучайди. ҳегель сингари файласуфлар эса бутун борлиқни мантиқийлаштириш йўлидан бордилар. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ғарб алломалари бу йўлнинг кўп жиҳатдан янглиш эканини англадилар. XX аср мутафаккирлари, руҳий таҳлил фалсафасидаги янги фрейдчилик оқимининг атоқли намояндаларидан бири Карл Юнг шундай деб ёзади: «Ғарб кишиси» руҳий («психологик», сўзини эшитганида, унинг учун «у шунчаки руҳий» тарзида жаранглайди. Унинг учун «психе» – қалб қандайдир, ачинарли даражада кичик, эътиборга нолойиқ, шахсий, субъектив в.х... Шу сабабли «руҳ» (қалб) ўрнига «ақл» сўзини ишлатишни маъқул кўради...» Бошқа бир ўринда: «... барча метафизик мулоҳазалар учун ижодий замин айнан қалбнинг (маънавийликнинг) кўзга кўринмас, етишиб бўлмас тарздаги инъикоси ҳисобланган онгдир...», деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, «юрак ва ақл», «ҳиссиёт ва онг» баҳсида Ғарб, айниқса, бизнинг XX асрда, сўзсиз, биринчиликни ақлга, онгга беради. Юқоридаги каби фикрлар истисноли ҳоллардир. Шу боис ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳаббат ҳақида гап кетса, уни ҳиссиёт, деб яна бунинг устига, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб атайдилар ва уни тушунча тарзида олиб қарашдан чўчийдилар. Ваҳоланки, муҳаббат айнан ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

2- масала. Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватапарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур

этиб бўлмайди. Ўтган маърузаларнинг баъзиларида биз бу тушунчанинг моҳияти, турлари ҳақидаги Илоҳий Оғустин, Имом Ғаззолий, Эрих Фромм сингари мутафаккирлар фикрларини келтирган эдик. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, у – инсонни ташқи ва тарнцендентраль олам билан боғловчи, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк куч. Муҳаббатнинг объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У – Оллоҳми, Ватанми, ёрми – муҳаббат эгасига ундан-да гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат Ватанга, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Зеро «ўз-ўзича», якка, «худбин» муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Мана шу объект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзал қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

Ишқдир ул, нашаъи комилким, андандир мудом
Майда ташвири харорат, найда таъсири садо.

Комил нашаъ, комил лаззатга фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва ҳ.

Шуни таъкидлаш лозимки, муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Лекин уни тубан, куйи нарса – ҳодисаларга нисбатан ҳам қўллаш ҳоллари учраб туради. Чунончи, Фромм сингари ғарблик мутафаккирлар, баъзи рус файласуфлари муҳаббат тушунчасини ўликка (некрофил), мол-дунёга, пулга нисбатан қўллайдилар. Уларга нисбатан «ўчлик», «ружу», «ҳирс» сингари тушунчаларни қўллаш маъқул эмасмикан?

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносликдаги кўпгина тушунчалардек, «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди – нафрат. Нафрат тушунчаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат тарзида намоён бўлган объектдан четлашиш, ундан бегоналашишни тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг кундалик турмушидаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбатан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қилади. У, ғазабга ўхшаб, ўз объектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз буради. Кўринишдан, нафрат кишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси борки, у – ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён келади. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгисини ва севгилисини қизғаниб, асраб қолишга ҳаракат қилади. Ана шу қизғаниш ҳисса меъёридан ошиб кетганда рашкка айланади. Рашк эса, уни қанчалик таъриф-тавсиф қилмайлик – меъёرنинг бузилиши, иллат.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик – эзгулик ва ёвузлик, эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» училиги «Авесто» дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Эзгулик – инсон шахсининг қомилликка, бахтга, жамиятни эса юксак тараққийга етказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёхуд партиявийлик қобилига ўраш мумкин эмас. Чунинчи, «синфий душманни», яъни бирор бир шахсни ёки гуруҳни фақат бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қанчалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумларда эзгуликни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги ҳозирги кунда ҳаммага аён.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичига олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушунчасида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. На фақат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кўраши кетади ва бу кўраш абадий кўраш сифатида, оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида намоён бўлади.

Эзгулик ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсоннинг қомиллиги, жамиятнинг такомилга эришган-эришмагани шу мезон билан ўлчанади. Чунинчи, Сталиннинг ёвуз инсон, собиқ шўролар иттифоқини эса жамият сифатида «ёвузлик салтанати» деган ном билан аталиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган. Тўғри, яхшилик тушунчасининг қўгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиш» мавжуд. Лекин бундай далиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундай эмас. У асосан шахснинг одобига, ҳулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда, мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий

меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатга умрини бағишлади, халқи учун, халқлар учун «Хазойин ул-маоний»дек, «Ҳамса»дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик – абадий, зеро Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у кўплаб яхшиликлар қилди – мухтож одамларга қарз берди, берган қарзидан кечиб юборди в.х. Унинг бу яхшиликлари, ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик хусусиятига эга, шунингдек, қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватанпарварлик ҳам эмас. Демак, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликнинг яна бир фарқли томони шундаки, эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолверади. Яхшилик ва ёмонликда эса бундай эмас: бирор объектга қилинган яхшилик бошқа ҳар бир объект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин. Машҳур ўзбек халқ эртақларидан биридаги овчилар қувиб келаётган бўрини қопга яшириб, қутқариб қолган деҳқоннинг ҳолатини бунга мисол сифатида келтириш мумкин: бўри ўзига яхшилик қилиб, ўлимдан қутқарган одамни емоқчи бўлади, хайриятки, тулки деҳқоннинг жонига ора киради.

Хуллас, муайян ижтимоий чекланганлигига қарамай, яхшилик ва ёмонлик ҳам анча қамровли мезоний тушунчалардан.

Ахлоқшуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси-адолат. Унинг эзгулик ва ёвузлик ҳамда яхшилик ва ёмонликдан асосий фарқи шундаки, адолатнинг ўзи бирор бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозудир. Адолат бор жойда ижитмий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Адолатнинг мезонийлик хусусияти, айниқса, ҳуқуқда дарҳол кўзга ташланади. ҳуқуқ вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги деб аталиши, жиноятга яраша жазони белгиловчи, ҳукм чиқарувчи идораларнинг халқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилидир. Лекин адолатни фақат ҳуқуқий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У на фақат фуқоролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Халқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Деярли бир ярим аср мойбайнида адолатсизликни миллий камситишни, миллий ифтихор ҳиссининг оёқ ости қилинишини, бегона ироданинг зўрлаб қабул қилдириш каби ҳолатларни бошдан кечирган халқимиз, эндликда, мустақилликка эришиб, адолатли фуқоролик жамияти тузишга киришди.

Адолат бугунги кунда бизнинг мустақил, келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англатувчи тушунчага айланиб бормоқда.

Ахлоқшуносликнинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири виждондир. Виждон – Зигмунд Фройд таъбири билан айтганда, ало мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи, юқора даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, виждон унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғлиқликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, виждон азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди. Уят билан виждонни, шу боис, денгиздаги муз тоғига – айсбергга ўхшатиш мумкин: юзага уят тарзида чиқиб турган қисми теранликдаги қисмидан юз, балки минг баробар кичик.

Виждон ҳам бошқа баъзи ахлоқшунослик мезоний тушунчалари каби баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон объектга қаратилмайди, у субъектнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни унда субъект ўзи учун ички объект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтилофлар чиқиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбдордир. Зеро виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбсиз ахлоқий ҳодисадир.

Кўпинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин. Иймон аслида диний тушунча. Лекин ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади. Масалан, кимнидир биров «иймонли одам» деганида, унинг мусулмонликка иймон келтирган-келтирмагани ҳақида ўйлаб ўтирмайди, бунинг устига, у одам мусулмон эмас, насроний бўлиши ҳам мумкин. Чунки гап бу ерда ўша одамнинг диндорлиги ҳақида эмас, балки виждонли, ҳалол, ростгўй эканлиги тўғрисида кетяпти. Шу маънода виждон билан иймонни эгизак тушунчалар дейиш мумкин.

Афсуски, одатда, кўпчилик адабиётлар виждон мезоний тушунчасига «субъектив» ҳодиса тарзида қараб адолат, бурч, номус сингари тушунчаларни унга қараганда ижтимоий аҳамиятлироқ деб баҳолаш, уларни, «тўрга чиқариш» ҳоллари тез-тез учраб туради. Ваҳоланки, виждонсиз одамдан ҳеч қачон адолатни ҳам, бурчга садоқатни ҳам, ор-номусни ҳам кутиш мумкин эмас. Виждонли одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқоролик жамиятини ярата оладилар. Зеро виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни тақозо этади.

Яна бир муҳим мезоний тушунча – бурч. Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидagi мажбурият. У юқорида айтганимиздек, виждон, эътиқод масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурчнинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли, барча даврлар учун умумий бўлган

тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собиқ шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳарбийлашган ва ўта мафкўравийлашган, яъни ягона мафкўра ҳукмронлик қилган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожеий ҳодисага айланади. Ўта усталлик билан йўлга қўйилган тарғибот натижасида бундай жамиятлар аъзолари окни – қора, қорани – оқ деб қабул қиладилар. Бунинг умумбашарий миллий қадриятларни оёқ ости қилган бешафқат шўролар социализми ёки фашистларнинг миллий социализми яқол исботлаб берди. Юз минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар алдандилар, кейинчалик, узок йиллар мобайнида виждон азобида яшадилар. Демак, жамият қуришда тоталитарчиликка йўл қўйилиши ўша жамият аъзоларини бурчни нотўғри тушунишга ва бунинг оқибатида ахлоқсизликка олиб келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳолларда бурч шахснинг кўпгина майл-истакларига қарши боради: уни ҳузур ҳаловатдан турмуш лаззатларидан маҳрум этади. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкўрасига хизмат қилганида, унинг ҳаёти роҳат фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан олдидаги, миллат олдидаги бурчини деб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киритмадилар. Фурқат ҳорижда вафот этди.

Баъзан бурч туфайли одамлар ўз севгисидан, жон-дилидан севган кишисидан кечишга ҳам мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги энг «қаттиқ қўл», энг «шафқатсизи».

Мезоний тушунчалардан яна бири – номус. Номус тушунчаси бир томондан, бурч билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, кадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Зеро номус моҳиятан шахснинг ўз кадр-қимматини англаб етиши, шу кадр-қимматнинг жамият томонидан тан олинishi ёки олинмаслига муносабати билан белгиланади. Гоҳо уни ор тушунчаси билан чалкаштириш, ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин аслида, номусга нисбатан ор анча тор қамровдаги, нисбатан залварсиз тушунча. Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам эса – ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаберадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир – ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб кўрашадилар. Бу ҳақда кўплаб бадиий асарлар яратилган. Меҳнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга; шу ўринда номус обрў тушунчаси билан боғланиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўзини ҳурмат қилиш, ўзига нисбатан

атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади.

Биз юқорида кўриб ўтганларимиз – асосий мезоний тушунчаларнинг барчаси баҳолаш табиатига эга. Яна қатор муҳим ахлоқий тушунчалар борки, улар ўз ечимини талаб қилиши билан, яъни муаммолик хусусияти билан ажралиб туради. Идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси, сингари тушунчалар шулар жумласидандир. Биз улар орасидаги энг қамровлиси бўлиши ахлоқий идеал тушунчасига нисбатан батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бир қараганда, идеалда ҳам баҳолаш хусусияти мавжуддек туюлади. Лекин аслида у қиёслашга асосланади. Антиқа томони шундаки, идеалда номавжуд, ҳаёлдаги инсонга, воқелика реал, мавжуд, ҳаётдаги ходисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Зеро идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас – бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шарт-ўтган замон. Лекин, шунга қарамай, инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказди. Алббата, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қилади. Чунончи, мусулмонлар учун-Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун – ҳазрати Исо, яҳудо динидагилар учун – ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатида ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин – энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шундай қабул қиланарди. Ҳозир эса «Куч-адолатда!» деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал, адолатли давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қилинади. Демак, муайян тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин. Фаолияти ниқобланган ахлоқсизликдан иборат бўлган. Ленин, Сталин, Ҳитлер каби ижтимоий идеалларнинг умри узоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда идеал эдилар, алданган кўпчилик уларни намуна деб билдилар.

Бундай салбий ходисаларга қармай, идеал, умуман, инсоният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, бундан кейин ҳам унинг асосий вазифаси шундай бўлиб қолажак. Чунки идеалда ҳар бир инсон ўз бахтининг ҳиссиётли ирфодасини кўради, ҳаётининг маъносини унга қараб интилишда деб билади.

3- масала. Асосий мезоний тушунчалар – категориялар сингари ахлоқий тамойиллар ҳам ахлоқий англаш шаклларида ҳисобланади. Уларда ахлоқий талаб нисбатан умумий тарзда кўзга ташланади.

Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада тамойиллар,

инсон хатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири – инсонпарварлик. У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч. Инсонпарварлик тамойилини, Оврўпо Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурганлар, деган фикр мавжуд. Аслида, инсонпарварлик даставвал Шарқда ўртага ташланган, инсонийлик, инсонпарварлик деган маънони билдирувчи «намлулу» сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввалги қадимги Сомир мих хатларида учрайди.

Инсонпарварлик – умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфийлик нуқтаи назаридан сохталаштириш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳақидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Социализм мафкўрачиларининг бу борадаги сайъ-ҳаракатлари ўша даврлардаёқ ноилмийлиги, ёлғонга суғорилганлиги билан кишиларнинг ғашини келтирган эди. Бундай инсонпарварликни халқ қабул қилмайди. Чунки у айнан ўта мавҳум «халқ» тушунчасига қаратилган, ваҳоланки инсонпарварлик марказида муайян шахс турмоғи лозим. ҳар бир шахс инсоний ҳуқуқларини таъминлаш учун кўрашиш – мана, инсонпарварликнинг асосий вазифаси. Бу борада умумбашарий маънавий қадриятларни устувор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакат ичкарасида, ҳам дунё миқёсида кўзга кўринарли ишлар қилмоқда.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, эркпарварлик тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро эрксиз инсон – асир, эрксиз миллат – кул, эрксиз мамлакат–мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати ўз Ватани эрки учун, қолверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун кўрашни ҳаётининг мақсади қилиб қўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эркпарвар шахслар муайян даврнинг қаҳрамонларига айланадилар. Зеро улар ўзгалар эрки учун ўз эркини, ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам чўчимайдилар. Бунинг ёрқин мисоли буюк инглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. У инглиз бўлатуриб, ўз Ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун кўрашди: кўпчиликнинг хайрати ва нафратига учради, Ватанни тарк этишга мажбур бўлди. ўз юртида эрк учун кўрашиш бахтидан маҳрум бўлган шоир ўзга ватанлар эрки учун кўрашга отланди, Италияни Австрия истибдодидан озод қилиш ҳаракатининг раҳбарларидан бирига айланди. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди:

Эрк учун Ватанда қилолмасанг жанг,

Сен кўшни ватанлар эрки деб кўраш;
Юнону Румонинг туған тут таранг,
Бошингни тика бил эрк учун саркаш!
Эзгулик йўлида бўлсанг қахрамон,
Сен инсон эрки деб кўрашсанг азот,
Бир, куни, сиртмоқдан гар қолсанг омон,
Жўмард деб алқагай сени одамзот!

Италиядаги озодлик ҳаракати мағлубиятга учрагач, у қадим Юнонистонни Туркия зулмидан озод қилиш учун кўрашди. У Юнонистонда, ботқоқлик ёнидаги Миссолунги шаҳрида оғир безгакдан вафот этди. Унинг ўлими ҳам истибдодга қарши шиорга айланди: кўзғолончилар: «Байрон учун!» деган жанговар ҳайқириқ билан жангга отилдилар. Беназир, Юнонистоннинг озод қилинган қисми генерал-губернатори, эрксевар қўмондон ва улуғ инсон хотирасига юнон халқи йигирма бир кун қора қийиб, мотам тутди. Ҳамма черковларда Байрон ҳаққига ибодат қилинди. Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётининг маъноси деб билган инсонларнинг маънавий умри боқий, улар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар.

Энг маълум ва машҳур тамойил, бу – ватанпарварлик. У инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Уни кўпинча Ватан душманларига қарши маънавий-мафкўравий қурол сифатидагина талқин этадилар.

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг – у инсонпарваликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлари эркини асраш учун кўраш, инсон озодлиги йўлидан хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу – инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтганимиздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффақиятлардан қувонч, муваффақиятсизликлардан қайғу ҳиссини туюш, Ватан билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир ғиштига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютуқуларига меҳр билан қараш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – булар ҳаммаси ватанпарварликдир.

Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш фанизмнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Яна бир муҳим ахлоқий тамойил, бу – миллатпарварлик. У маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмона эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун кўрашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар – миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истади. Чунончи, Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради:

Шоҳу тожу хилъатеким, мен томоша қилғали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас.

Лекин Навоий шу фахрланиши, ғуруланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакили бўлмиш Жомийга бағоят ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга, пирим, деб қўл берган.

Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар қори, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон сингари минглаб фидоийларни ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунингдек, тинчликпарварлик, жўмардлик сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улўғдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмаларга ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инсониятни барча баҳсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кўраш олиб борадилар. Жўмардлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпода уни альтруизм номи билан Огюст Конт илимий муомалага киритган. У кишида ўз қавмдошига айчиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат хайрияга асосланади. Бундан ташқари, бизнинг миллий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағри кенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлашдек фидоийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда, бу тамойилларни суистеъмол қилиши ҳоллари ҳам ҳозирги пайтда тез-тез учраб туради. Шунга қарамай, ўзбекчилик ва меҳмондўстлик тамойиллари ҳалқимизнинг ўзига ҳослигини таъкидлайди. Жаҳоннинг жуда кўп ҳалқлари бу тамойиллар эгаси бўлмиш ўзбек миллатига доимо эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчилик билдирадилар.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, ҳушмомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатга сазовар. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида-қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон

умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. ҳалоллик, ростгўйлик виждон тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи маъёрлардир.

Ўнлаб меъёрлар орасида бу иккисига тўхталишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар ҳукумронлик қилган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар ҳалқимизга шу қадар усталик билан сингдирилдики, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик ва ростгўйлик устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги чиройли гаплар ҳаётга тўғри келмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси афсуски, одатий ҳолдек қабул қилинади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кўраш бошланди. ҳозирги кунда давлатимиз миллий маънавий кадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда. Зеро кўз ўнгимизда ёлғон, алдов, иккиюзламачилик нималигини деярли билмайдиган жамиятлар, миллатлар гуллаб-яшнамоқда. Япония, Олмония, Франция, АҚШ, Буюк Британия сингари мамлакатлар шулар жумласидан.

Шундай қилиб, қисқача бўлса-да, ахлоқшунослик мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меърёлар нима эканини, уларнинг шахс ҳамда жамият ахлоқий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини кўриб чикдик.

Таянч тушунчалар

Муҳаббат ва нафрат, Эзгулик ва ёвузлик, Яхшилик ва ёмонлик, Адолат, Виждон, Бурч, Номус, Идеал, Инсонпарварлик, Эркпарварлик, Ватанпарварлик, Миллатпарварлик, Тинчликпарварлик, Жўмардлик, Ҳалоллик, Ростгўйлик, Ҳушмуомалалик, Камтарлик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муҳаббатнинг ахлоқшунослик мезоний тушунчаси (категорияси) сифатидаги моҳияти нимада?
2. Эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчаларининг ижтимоийлик хусусиятлари нимада?
3. Яхшилик ва ёмонликнинг эзгулик ва ёвузликдан фарқи нималарда кўринади?
4. Адолатнинг жамият ва шахс ахлоқий ҳаётидаги ўрни қандай хусусиятлар билан белгиланади?
5. Нима учун Виждон ахлоқшуносликнинг энг муҳим мезоний тушунчаларидан ҳисобланади?
6. Бурч тушунчасининг ахлоқий моҳиятини қандай изоҳлаш мумкин?
7. Номус тушунчасининг ахлоқий ҳаётдаги аҳамияти нима билан белгиланади?

8. Идеалнинг моҳияти ва инсон ҳаётида тутган ўрни қай тарзда намоён бўлади?

9. Ахлоқий тамойилларнинг инсон камолотига таъсири қай тарзда рўй беради?

10. Шахс ҳаётида алоқий меъёрлар қандай ўрин тутди?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.

5. Аристотель. Никомахова этика; Большая этика.// (Аристотель. Сочинения в 4-х томах, т-4., М., «Мысль» 1983.

6. Газали Абу Ҳамид. Воскрешение наук о вере. М., «Наука», 1980.

7. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.

8. Словарь по этике. М., Политиздат, 1989.

9. Фромм Эрих. Душа человека. М., «Республика», 1992.

3-март. Оила фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари ҳамда шахс ахлоқий тарбияси. (2-соат).

Режа:

1. Оила – илк ахлоқий маскан сифатида.

2. Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий моҳияти.

3. Ахлоқий маданият ва касбий одоб муаммоси.

4. Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари.

1-масала. Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим хужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқаронинг тарбияси оиладан бошланади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади.

Аввало, никоҳ ҳақида тўхталиб ўтайлик. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга қирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари. Бизда йигитлар учун – 18, қизлар учун – 17 никоҳ ёшлари қилиб белгиланган. Бу – масаланинг ҳуқуқий томони. Унинг иккинчи – ахлоқий томони ҳам борки, у севги билан боғлиқ. Никоҳ тузишдан аввал икки ёш орасида гоҳ очик севги – мунтазам учрашувлар, аҳду

паймонлар қилиш ёки орқаворотдан бир-бирини ёқтириши ҳоллари бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Баъзан, қадимда Шарқ халқларида, шу жумладан ўзбекларда қизнинг ёки йигитнинг розилигисиз тўй қилиб юбора беришган, ота-оналар келишса – бас, деган фикрларни учратади киши. Айниқса, бундай гаплар шўролар даврида тинимсиз такрорланар эди. Ваҳоланки, бундай ҳол кам бўлган, уни мусулмончилик инкор этади. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом уйларига совчи келганида, қизлари Фотимадан доимо розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи қўйганларида, Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзанднинг розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат.

Ҳозирги кунда ҳам кўпгина ёшларимиз совчи орқали турмуш курадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учраштирилади, иккаласи бир-бирини маъқул кўрсагина, фотиҳа қилиниб, тўй тараддуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Қодирий «ўтган кунлар» романида тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади. Очиғини айтиш керакки, муҳаббатнинг ҳам ўз даражаси бор: Лайли билан Мажнуннинг муҳаббати ҳамма севишганларга ҳам насиб этавермайди. Бундай романтик-сурурий севги реал ҳаётда камдан-кам учрайди. Бунинг устига, оилавий муҳаббат маълум маънода салобатли, кўпроқ яширин тарзда намоён бўлади.

Кейинги пайтларда никоҳ билан муҳаббатнинг ўзаро чиқишмаслиги ҳақида Ғарб мутафаккирлари тез-тез ёзадиган бўлиб қолганлар. Чунончи, Эрих Фромм индустриал жамиятда муҳаббат камдан-кам ҳам учрайдиган ҳодиса эканини, никоҳнинг асосида бошқа–молиявий, сиёсий, иқтисодий сабаблар ётишини таъкидлайди. Умуман, Ғарб оламида бундай ҳодиса анчадан буён мавжуд. Шу жиҳатдан Жорж Байроннинг «Дон Жуан» шеърий романидаги қуйидаги сатрлар диққатга сазовор:

Бу жуда қайғули ҳодиса шаксиз,
Инсоннинг кажлиги, жинояти бу;
Илдизи гар битта бўлса ҳам, ҳаргиз
Чиқишмас никоҳ ва муҳаббат мангу:
Сиркага айланган винодак, эсиз,
Никоҳ маст қилмовчи тахир, нордон сув,-
Вақт ундан жаннатий бўйни оладир,
Рўзғору ошхона ҳиди қоладир.

Гарчи бу сатрлар ярим киноя, ярим ҳазил қабилида бўлса-да, уларда маълум маънода ҳаётининг асос бор. Агар муҳаббат ҳар икки томондан эъзозлаб, авайлаб-асралмаса, ундаги жаннатий бўйни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Зеро дунёдаги ҳамма нарса -ҳодисалар каби муҳаббат ҳам парваришга муҳтож.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтирослар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиётни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккинчи даражали мавқе эгалайди.

Оиланинг яна бир жиҳати – унинг ўз мулкига эгаллиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни унинг ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулкка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Оилада боланинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфти ҳалолини, она эса севимли эрини кўради: болада эр хотиннинг муҳаббати предметлашади, жонланади. Бола – оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсинишлари лозим. Лекин бу интизом кулликка ўргатиш эмас, балки болаларига ҳос эркак-антиқлик, ўзбошимчалик сингари салбий ҳусусиятларни йўқотишига хизмат қилиши керак. Ота-онага бўйсуннишдан бош тортишга йўл қўйиш боланинг келажакда қўпол бадхулқ нокамтарин бўлиб етишувига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоғи сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Оила бузилиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Бири – оилани ахлоқий нуқтаи назардан бузилиши. Бунда болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оилага асос бўлишлари – ўғил болаларнинг уйлантирилиши, қизларнинг эрга берилиши назарда тутилади.

Уйлантирилган фарзандларга ҳам, эрга берилган қизларга ҳам янги оила куриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтожликдан сақлаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзғор ашёлари ажратилади. Шунингдек, оиланинг табиий бузилиши ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг, ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкнинг мерос бўлиб бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила бузилиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан суд, ва ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила бузилишига қарши кўрашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганини англатади.

2- масала. Дастлабки ахлоқ маскани бўлмиш оилалар йиғиндиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташкил этади. Фуқаролик жамияти моҳиятан оила билан давлат ўртасидаги даража. Гарчанд, унинг тараққиёти давлат тараққиётидан кейинроқ рўй берса ҳаа, у албатта давлатни тақозо этади, яъни фуқаролик жамиятининг яшаши учун унинг олдида мустақил нимадир бўлиши керак. Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади, зеро, ҳозирги пайтдагина фуқаролар ҳуқуқи ҳақиқатан ҳам инобатга олинади. Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўзи учун мақсад. Бироқ, у бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлмасдан туриб, ўз мақсадига тўла

эриша олмайди: бошқалар унинг мақсадга етишиши йўлидаги воситадир. Натижада ҳар бир алоҳида мақсад бошқалар билан ўзаро муносабатлар воситасида, уларнинг фаровонликка интилишини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида яхши, бадавлат, бахтли, ҳуқуқий яшаш учун бўлган ҳар бир фуқаронинг интилиши пировард натижада бутун жамиятнинг ўшандай яшашига олиб келади.

Фуқаролик жамияти, шундай қилиб, бир кишининг эҳтиёжини унинг меҳнати воситасида қондириши баробарида, шу меҳнат воситасида барча қолганларнинг ҳам эҳтиёжини қондиради. У ўз аъзоларининг шахсий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли табақалардан ташкил топади. Улар орасида табақавий ёки синфий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс – давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу манфаатлар, айтганимиздек, ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда ҳозир эркин, демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришганмиз. Бу жамият, маълум маънода, ғарбликлар тасаввуридаги фуқаролик жамиятларидан фарқ қилади. Ғарбда бу борада эътибор асосан ҳуқуқий йўналишнинг устуворлигига қаратилса, бизда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устуворлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз қураётган фуқаролик жамияти Ғарб дунёси учун ўрнатилган бўлиши мумкин. Бу фахрланиш ҳиссидан келиб чиққан баландпарвоз гап эмас. Масала шундаки, Ғарб жамиятлари ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳуқуқийликнинг юқори босқичи сифатида қабул қилмоқдалар. Лекин улар учун «ахлоқий ўрин бўшатишдан» кўра «ҳуқуқий ўринни эгаллаб туриш» на фақат қонуний, балки завқлироқ туюлади. Бизнинг менталитетимизда эса, бунинг акси – ҳар бир «ахлоқий ўрин бўшатиш» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганлик ҳиссини тўлдиради.

Бундан ташқари, бизда фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Ғарб менталитетига хос бўлмаган маҳаллалар бор. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани; оила катталари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада халқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Маҳаллада яшаётган, ҳукумат аъзоси ҳам, миллионер тижоратчи ҳам, фаррош ҳам, одий ўқитувчи ҳам бир хилдаги маҳалладошлик ҳуқуқига эга. Чунончи, маҳалланинг оқсоқоли оддий ўқитувчи бўлиши мумкин ва кўп ҳолларда шундай ҳам. Ҳукумат аъзоси ёки миллионер эса, маҳаллада фақат маҳалладошлик «лавозимида» бўлади. Уларнинг фарқланиши фақат ахлоқий жиҳатлари билангина белгиланади. Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўз-ўзини бошқариш тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўприк бўлиб хизмат қилади. Бундай оралиқ боғловчи тузилма, юқорида айтганимиздек, Ғарб

оламида йўқ. Демак, шунга кўра ҳам, бизда фуқаролик жамиятига ўтиш нисбатан осонроқ кечади, деган фикр билдириш мумкин. Бу борада Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг: «Шу маънода маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин», деган сўзлари айти ҳақиқатдир.

Буюк олмон файласуфи Ҳегель давлатни ахлоқий ғоянинг воқе бўлиши деб таърифлайди ва табиий муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, оилани –ҳиссиётга, фуқаролик жамиятини – асабнинг таъсирланиш қобилятига, давлатни эса ўзи учун асаб тизимига ўхшатади; у ўз ичида ботинан ташкил топган, бироқ унинг яшаши ўзида икки ҳолатнинг тараққий топиши билан боғлиқ, булар – оила ва фуқаролик жамияти. Давлат ақлнинг рўёбга чиқиши сифатида ҳар бир шахс ихтиёрига мосдир. Одатда, давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли қилиш деб ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустақамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси – сиёсий тузум. Унинг тақдири ҳам ана шу сиёсий тузумга боғлиқ.

Кўпдан-кўп турли-туман бошқарув ва ташкилий институтлардан иборат бўлган давлатнинг энг муҳим ахлоқий вазифаларидан бири-тарбия. Давлат томонидан мактабгача бўлган ташкилотларда, мактабларда ва олий ўқув юртларида таълим билан қўшиб олиб бориладиган тарбия алоҳида аҳамиятга эга. Агар мазкур тарбияда оммабоп усулларнинг тоши босиб кетса, у ҳол мақтарли эмас; ёшларнинг ўзлигини англаган шахс бўлиб етишуви мушкуллашади. Шу боис имкон борида тарбияда индивидуал ёндошувга интилиш мақсадга мувофиқ.

Демократик тамойилларни амалга ошириш жараёнларида давлат, ҳамма фуқаро барабар тенг, деган усулда иш кўрмаслиги лозим; ҳамманинг ҳуқуқий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий тенглаштириш тамойилига йўл қўймаслик керак.

Давлатнинг мавжуд бўлиш шарти, энг аввало, унинг суверенитетида. Бунда халқ ташқи оламга нисбатан мустақил бўлади ва ўз давлатини шу мустақиллик асосида тузади. Биз мустақилликка эришганимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизнинг энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик тамойиллар асосида қуришга киришдик. Давлатимиз ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб келмоқда. 2000-йилнинг «Соғлом авлод йили» деб аталиши бежиз эмас; ёш авлод тарбияси бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мана, кўринишидан жуда оддий бир мисол. Ўзини энг инсонпарвар давлат деб эълон қилган Шўролар Иттифоқи бунёдга келганидан бошлаб, деярли ярим аср мобайнида бола туғилгач, онани уч ой ишдан озод қиларди; она уч ойлик чақалоқни боғчага ташлаб, ишга чиқишга мажбур бўларди, акс ҳолда у буйруқ билан ишдан бўшатиладди. Кейинчалик бу тарбия таътили 1 йил қилиб белгиланди. Бизнинг давлатимиз эса ташкил бўлгани баробаридаёқ бола тарбиясини юксак ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида эътироф этиб, янги туғилган бола тарбияси учун онага 3 йилгача муддат берди. Уч йилгача онанинг иш жойи сақланиб туради. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ тоталитар

тузум давлати билан демократик давлат нақадар катта фарқ қилишини кўрсатиб туради. Тоталитар тузум давлати ёлғон, алдов – ахлоқсизлик институти. Биз танлаган демократик давлатнинг асосида эса юксак ахлоқийлик ётади.

3- масала. Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини улар фуқаролари ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зеро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири-муомала одоби. У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларида бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмона яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг нақадар қувонишига ҳам сабаб ана шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар кадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфёъллик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу –инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан; «Оббо шоввоз-ей, сал шошилибсан-да, ҳа, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан; «Яна ишни расво қилибсан-ку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста

муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси – шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насихат ва одоб ўргатишсиз бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан. Бунда ота-онанинг, маҳалла-қўйнинг таъсири катта. Ундан фойдалана билаш керак. Зеро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишидан бири, бу – этикет. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобиди инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетнинг камрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ.к. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз. Президентимиз Ислам Каримовга ҳорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, халқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади – уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикет – тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айти пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз эрталаб ишга шошилиб, дарвозадан чиқдингиз, дейлик. Рўпарангизда танишингиз ёки қўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб уни: «Қани уйга қирамиз, чой қиламиз, бир хангомалашамиз», деб ичкарига таклиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашганда кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтасиз, ҳунук эшитилса ҳам на чора – мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб-қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам якқол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шакллари билан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ходимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунда бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилса-чи, яъни, уни қасддан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлайди? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг баъзи бир муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зеро, то ҳақиқат юзага чиққунча, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлайди? Шу боис бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қадимги Юнон Ҳакими ҳиппократ (милодгача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоб, қонун-қодалари жамланган машҳур «Ҳиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Чунончи, қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»да (II-аср) беҳуш ётган Лакшман бошида турган девлар шоҳининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири – салтанат душманини муҳтож бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадан сўнг, табиблик одоб қоидаларига бўйсунгани – Лакшманни даволашни афзал кўради. Зеро касбий одоб қонун-қоидалари талабига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки

душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатга муҳтож, заиф инсон ётади. Даволаниб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиаҳди Индиржидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин, китобхон табибни хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасаратига, ҳалоллигига, касбий бурчига содиқлигига ҳайрат билан тасаннолар ўқийди. Ёки машҳур рус олими академик Андрей Сахаровнинг тақдирини олайлик. Буюк назариётчи, физик, термоядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси, Ватан мудофаасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, обрўли, бадавлат бу инсонга нима етишмасди? Нега у ҳаммасидан кечишга – оммавий қирғин қуроллари, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синовларига очик баёнотлар билан қарши чиқишга аҳд қилди. Натижада қатағонларга асосланган Шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисдаги Россия шаҳарларидан бирига бадарға қилди, унинг номини матбуотда ёки китобларда қайд этилишини таъқиқлади. Ваҳоланки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Сахаров юксак ахлоқ йўлини танлади – олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд қўйди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳуқуқи бўлмиш – яшаш ҳуқуқига раҳна солиши мумкинлиги ва қисман солаётгани учун уни амалда қўлланилишига қарши кўрашди. У шўролар мафкўрасининг ўзини Ватан мудофааси қувватини сусайтиришга ҳаракат қилган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этишига, бошига беҳисоб тухматлар, таъна-дашномлар ёғдиришига сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъдодининг кўғирчоқ бўлишига, ҳарбий мурватга айланишига йўл қўймади. Охир-оқибатда у инсон ҳуқуқларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазовор бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Булардан ташқари, муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидagi баъзи нуқталарга тухталайлик. Раҳбар қуйи лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча совуққон қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, на фақат раҳбарлик касбига балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш ХХІ аср ахлоқшунослигида муҳим ўрин эгаллаяжак. Зеро касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

4-масала. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий кадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири-қандай яшамок керак, иккинчиси – нима қилмоғ-у, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маъноси, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак дегани. Зеро куш инида кўрганини қилади: ота-она оилада юксак ахлоқ намунасини кўрсатиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ахлоқийлик инсонда фақат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари кўп йиллар мобайнида ҳукмронлик қилиб келди. Тўғри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларидан энг муҳими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат – асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз. Акс ҳолда маймун ва итлардан ҳам ахлоқий мавжудот тарбиялаб етказишимиз мумкин бўлур эди.

Шундай қилиб, ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларида бири. Унинг воситалари кўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртақ ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда боланинг қизғанчиқлик, ғирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, кўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси-санъат. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Эртақдан тортиб, романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади; идеал танлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоятлар, ривоятлар

ва насихатлар мажмуалари борки, биз уларни, юқорида кўрганимиздек, пандномалар деб атаймиз: «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли бу – намунавийлик тамойили. Оилада, аввало, юқорида айтилганидек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактабда ва олий ўқув юртида муаллимларнинг таълим бериш усулларида тортиб, то «майда-чуйда» хатти-ҳаракатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унда махсус ахлоқий тарбияга бағишланган мунтазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек тилидаги «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қачон енгилтакликни тарғиб этувчи кўшиқлар, салкам порнографик рекламалар, инсон қалбини қаттиқлаштирадиган «ўлдир-ўлдир»лардан иборат видеофильмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча ҳуқуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

Таянч тушнчалар

Оила, Никоҳ, Тарбия, Фуқаролик жамияти, Давлат, Ахлоқий маданият, Муомала одоби, Этикет, Касбий одоб, Ахлоқий тарбия.

Такрорлаш учун саволар

1. Оила ва унинг уч асосий жиҳати нималардан иборат?
2. Никоҳнинг ахлоқий моҳияти нимада?
3. Муҳаббат ва никоҳнинг ўзаро мос келиш-келмаслиги нималарга боғлиқ?
5. Фуқаролик жамияти қандай тузилма?
6. Давлатнинг ахлоқий асослари қай тарзда кўзга ташланади?
7. Муомала одобининг инсон ҳаётидаги ўрни қандай намоён бўлади?
8. Этикет нима?
9. Касбий одоб шахс ва жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе эгаллайди?

10. Ахлоқий тарбия нима ҳамда унинг асосий воситалари ва йўллари нималарни ўз ичига олади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон». 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон». 1999.
3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
4. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.

1- маъруза. Нафосатни англаш ва нафосатли фаолият.

Нафосатшуносликнинг муштарак мезоний тушунчалари. (2-соат).

РЕЖА:

1. Нафосатли англаш (эстетик онг) ва унинг тузилиши.
2. Нафосатли фаолият меҳнатнинг ўзига хос туридир.
3. Нафосатшуносликнинг муштарак мезоний тушунчалари.

1-масаланинг баёни: Инсон онгли мавжудот сифатида ўзини қуршаб турган воқеликка фаол муносабатда бўлади, нарсаларнинг хоссаларини, эстетик жиҳатларини ҳисобга олади. Нафосат (эстетика) қонунларига амал қилиш, яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил этади. Масалан, асалари ўзининг мум уяларини қура билиши билан ҳар кимни ҳам лол қолдиради, баъзи меъморлардан ҳам «ақлли»дир. Лекин энг лаёқатсиз меъмор энг моҳир асаларидан шу билан фарқланадики, у бажармоқчи, қурмоқчи бўлган уяни қуришдан аввал ўз миясида қуриб қўйган бўлади. Асаларининг ҳатти-ҳаракати табиий майл асосида борса, инсоннинг ҳатти-ҳаракати онгли фаолият орқали боради. Яъни қилмоқчи бўлган ишни аллақачон ўз миясида, онгида, тасаввурида, ҳаёлан англаб қуриб бўлган бўлади.

Инсоннинг бадиий фаолияти – санъат воқеликни инсон томонидан эстетик жиҳатдан идрок этилишининг энг олий кўриниши саналади.

Эстетик англаш объект манбаига нималар қиради? Умумий маънода моддий оламдаги барча нарсалар эстетик англаш объекти саналади. Бу деган сўз оламда эстетик бўлмаган нарса, ходиса, буюмнинг ўзи йўқ. Муайян шароитда ҳар қандай нарса, ходиса, буюм эстетик табиатга эга бўлиб, эстетик муносабат ва эстетик баҳо объектига айланиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, эстетик объект – инсоний алоқалар ва муносабатларга қиринган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишларидан иборат.

Эстетик объектни англови эстетик субъект ҳам бўлиши лозим. Акс

холда эстетик объект ўз кадрият қимматига эга бўлмайди. Эстетик субъект бу ИНСОН саналади.

Эстетик онг эстетик объект билан эстетик субъект ўртасидаги муносабат доирасида юзага келиб, шаклланди. Эстетик онг ҳам ижтимоий онгнинг шаклларида бири. Эстетик онг объектив дунёга нисбатан бўлган инсон эстетик муносабатнинг субъектив томонидир.

Эстетик онг – маънавий-руҳий воқеа-ходислар мажмуи бўлиб, у ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик – хис, дид, фикр, орзу, қараш, назария тизимини англатади. Эстетик онг – ижтимоий ҳаёт билан бирга ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради.

Эстетик онг ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлса ҳам у нисбий мустақилликка эга. Бу нисбий мустақиллик қуйидагиларда кўринади. Чунончи, эстетик онг ижтимоий онгнинг баъзи шаклларида орқада қолиши мумкин. Масалан ижтимоий ҳаётда сиёсий етукликнинг юксак даражасига кўтарилган, лекин эстетик диди орқада қолган, турли сохта «бадий» маҳсулотни бемалол истеъмол қилаверадиган одамларни ҳали кўплаб учратиш мумкин. Бу ҳолат кишилар дунёқарашига салбий таъсир ўтказди, натижада Президентимиз «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари (2000 йил)да таъкидланганидек, бузғунчи, вайронкор ғоя ва мафкўра таъсирига тушиб қолади.

Эстетик онгнинг нисбий мустақиллиги кўринишларидан бири ворисийликдир. Эстетик онг яъни эстетик қарашлар, ғоялар, назариялар бўш ерда юзага келмайди. Улар жамиятнинг ўзидан олдинги эстетик ва бадий онги заҳирасининг давоми сифатида амал қилади.

Шундай қилиб, эстетик онг ворисийлиги деганда ўтмишдаги эстетик қарашлар, ғоялар, назариялардаги келгуси тараққиёт учун хизмат қиладиган, ижобий бойликларни сақлаб-асрашни, уларни муайян давр онгига сингдириб юборишни тушуниш мумкин.

Эстетик онг ижтимоий ҳаёт инъикоси бўлиб, у жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ҳар томонлама таъсир ўтказди. Жамият тараққиётида бирор жабҳа, нарсa, ходиса йўқки, улар эстетик дид, орзу ва қарашлардан четда бўлсин.

Эстетик онг бадий онг билан чамбарчас боғлиқ. Улар гарчан бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, бир хил маъносини англатмайди. Эстетик онг воқеликни бутун борлиғича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадий онг бадий асарлар тизимида ифодаланса, эстетик онгнинг акс этиши кўлами анча кенгдир. У инсон моддий ва маънавий маданиятининг барча кадриятларида ифода топади.

Жамиятнинг эстетик онги мураккаб тузилишга эга бўлиб у бир қанча қисмлардан иборат. Бу қисмлар қуйидагилар: эстетик хислар, эстетик орзулар, эстетик қарашлар ва эстетик назариялар. Эстетик онгнинг мазкур тизимлари ўзаро алоқадор ва боғланиб кетган. Биз қуйида анна шу тузилмаларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

Эстетик хис-туйғулар. Хис-туйғулар инсон онгнинг ажралмас қисми

бўлиб, эстетик онг соҳасида алоҳида ўрин тутати. Ҳис-туйғулар эстетик онгнинг пойдевори ҳисобланади. Ҳис-туйғулар асосан, инсоннинг ўз эҳтиёжлари қондирилмаслигига бўлган муносабати билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Эстетик ҳис-туйғулар неча минг йиллар давомида инсон томонидан нафосатнинг табиий-шароитларини ўзлаштириши жараёнида шаклланган. Эстетик ҳис-туйғуларнинг ўзи ҳам мураккаб тузилишга эга бўлиб нафосат, ҳамоҳанглик, оҳанг, шакллар, уйғунлик, мослик каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, хузурланиш, лаззатланиш, эҳтиром, завқ-шавқ, нафрат каби тушунчаларни қамраб олади.

Нафосат, олижаноблик, фожиа ва кулги ҳис-туйғулари энг мураккаб ва турғун ҳис-туйғулардир.

Эстетик ҳис-туйғулар кечинмалар жараёни сифатида содир бўлади. Кечинмаларнинг якуни эстетик хузурланиш ва лаззатланиш саналади. Эстетик хузурланиш ва лаззатланиш инсоннинг умумий, доимо ижобий бўлган сезги ҳолати, яъни нарсаси, воқеа ва ҳодисалардан эстетик таъсирланишидир.

Эстетик лаззатланиш инсон ўз қилган ва қилаётган иши ва унинг натижаларидан қониқиш ҳосил қилишидир. Бу инсон фаолиятини фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Маалан, бирор кимсага яхшилик қилиш, ёрдам бериш ва анна шу ишидан лаззатланиши. Бу ҳолат моддий ишлаб чиқариш, ижодий меҳнат... ва бошқаларда бўлади. Талаба яхши ўқиши, яхши баҳо олиши, жамоат ишларида қатнашиши, дўстига ёрдам бериши, бошига мусибат тушса ҳамдардлик қилиши ва бошқалардан ўзида қониқиш ҳисси ҳосил бўлиши хузурланиш ва лаззатланиш ҳис-туйғусини туғдиради...

Эстетик ҳис-туйғуларни ривожлантиришининг эстетик дидни тарбияланишига олиб келади. Эстетик дид мураккаб ва кўпқирралидир. Дид ибораси одамларни, айниқса ёшларни айрим соҳаларга-фанга, техникага, ҳунарга ва бошқаларга мойилликларини ифодалайди. Масалан, илмий фаолият билан шуғулланувга мойил одамни «фанга диди (фаҳми) бор»; «Техникага диди яхши» ва бошқалар.

Ҳозирги даврда эстетик тарбия вазифаларидан бири шуки, одамларда ривожланган эстетик дидни шакллантиришдир. Эстетик диди ривожланмаган киши атрофдаги ёмон ярамас воқеа-ҳодисаларга лоқайд бўлади. Шунинг учун ота-оналаримиз айримларга нисбатан «дидинг борми ўзи» шуни ҳам уддалай олмайсан иборасини ишлатади. Диди бор одам озода, тартибли бўлади ва буни бошқалардан ҳам талаб қилади. Манна аудитория, дидсиз талаба аудитория, доска ҳолатига разм солмайди...

Эстетик онгнинг яна бир кўриниши эстетик орзу саналади. Орзуда инсон онгида фақат мавжуд нарсалар инъикос этибгина қолмай, балки яна келажакда нималар бўлиши керак ва бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Орзу воқелик бағрида ётган имкониятларнинг маънавий-руҳий инъикоси. Орзу инсоннинг хоҳиш-истаги бўлиб, у ҳамма одамларга хос. Халқимизда «Орзуга айб йўқ» ибораси бор. Аммо орзу қандай бўлиши керак, бу муҳим масала. Яхши, ижобий нарсаларни орзу қилиш, ният қилиш муҳим...

Эстетик онгнинг таркибий қисмига эстетик қараш ва назариялар киради.

Эстетик қараш ва назариялар у ёки бу эстетик ходисларга тегишли ғоя ва тушунчалар, таълимотлардир. Эстетик назария – бу эстетик объектни бутунлай қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, билимлар тизимидир.

2-масаланинг баёни: Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Талаб ва эҳтиёж – мураккаб, кўп қиррали ходиса. Муайян талаб – эҳтиёж бўлмаса, инсон фаолиятининг муайян шакли ҳам вужудга келмайди. Шу маънода талаб-эҳтиёжлар инсонни фаолиятга ундайди, фаолият эса янги-янги талаб эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Эстетик фаолият инсон моддий ва маънавий фаолиятининг ўзаги, мағзи бўлиб, унинг барча шакллари инсон куч-қудратига қанот бағишлайди.

Эстетик фаолият нисбатан бадий фаолиятда, яъни санъатда энг «тоза», «соф» ҳолда кўринади, ўзини намойиш этади. Санъат эстетик фаолиятнинг ихтисослашган кўринишидир. Санъат ўз табиатига кўра ижодий мақсадга қаратилган бўлиб, бу жараёнда ижодкор нафосат қонунларига риоя қилади ҳолда ижод қилади.

Нафосатли фаолият моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини - меҳнат шароити, меҳнат самараларини ҳам қамраб олади.

Меҳнатнинг эстетик жиҳатдан тўлақонли бўлиши объектив омилларга, қолаверса, ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг умумий ва эстетик маданияти даражасига боғлиқдир.

Ҳозирда инсон ишлаб чиқариш фаолиятида техник эстетика – дизайн тобора муҳим роль ўйнамоқда. Дизайнда муҳандислик, илмий ва бадий фаолият қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуришга, уни инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилади.

Саноатда кенг истеъмол маҳсулотларидан тортиб, нодир дастгоҳлар ва асбобларни лойиҳалаш ва яратиш ишида турли-туман касб эгалари – муҳандислар, технологлар, ишчилар, иқтисодчилар, бошқарувчилар, руҳшунослар, жамиятшунослар қатнашдилар. Бу ерда дизайнчи – мусаввир – лойиҳа яратувчи алоҳида мавқега эга. Унинг зиммасига эстетик қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва меҳнат қуроллари яратиш бурчи юкландир. Ҳозир истеъмолчиларнинг эстетик диди ўсиб бормоқда. Яъни харид қилинаётган маҳсулот ҳам гўзал, ҳам сифатли бўлиши талаб-эҳтиёж даражасига кўтарилмоқда... Ишлаб чиқариш корхоналаридаги асбоб-ускуна, дастгоҳларнинг техник-эстетик жиҳати – дизайни ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир қилмоқда...

Эстетик фаолият илмий ижоднинг ҳам эстетик томонини ташкил қилади. Жуда кўп илмий тадқиқотчилар, атоқли олимларнинг гувоҳлик беришларича олимнинг салоҳияти, ижодий меҳнат натижалари ва самарадорлиги унинг эстетик маданият даражасига боғлиқ экан.

Эстетик ривожланмаганлик, лоқайдлик олимнинг ижодий куч-қудратини сўндиреди, ақлий раванқига салбий таъсир ўтказади. Илм-фан

билан бир томонлама шуғулланиш билан чекланиб қолмаслик керак, балки санъатдан ҳам лаззат олиш олим ижодига баракали таъсир ўтказди.

3-масаланинг баёни: Нафосат (эстетика)нинг асосий тушунчалари – гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилилик саналади. Бу тушунчаларнинг – гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилилик саналади. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос равишда инсонда турли эстетик ҳис-туйғуларни уйғотади. Энди анна шу тушунчаларнинг баъзи хусусиятлари тўғрисида фикр юритамиз.

Гўзаллик – эстетиканинг асосий тушунчаси. Гўзаллик нафосатнинг маъзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил этади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан, гўзаллик фалсафаси ҳам деб юритилади.

Эстетик ҳис-туйғу аввало гўзаллик туфайли жўш уради. Мутафаккирларнинг таъкидлашича гўзаллик ҳақида фикр юритиш, уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли жараён.

Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани, томонни кўрсатиш анча осон. Аммо ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Чунки гўзаллик мураккаб ва кўпқирралилик хусусиятига эга.

Юнон мутафаккири Афлотун илк бор «Нима гўзал?» ва «Гўзаллик нима?» деган саволларга ажратиш билан тарихга гўзаллик тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси бўлиб кирган.

Афлотун мутлоқ руҳ-ғоя гўзалликнинг намоён бўлишидир, деб таъкидлайди.

Аристотель эса гўзаллик моддий оламдаги мослик, аниқлик, ҳамоҳанглик, тартиблиликнинг намоён бўлишидир деб кўрсатилган. Арасту гўзаллик заминида инсон ва нарсанинг бир-бирига мувофиқлиги, мослиги, лойиқлиги ақидаси ётишлигини қайд этган. Ҳақиқатан инсон идрок этмаган гўзаллик ҳеч нима, ҳеч қандай қадрият аҳамиятига эга эмас.

Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик, ижтимоий ҳаётдаги гўзаллик, фойдали амалий ҳаётдаги гўзаллик, бадий ижоддаги гўзаллик, санъатдаги гўзаллик ва бошқалар. Улар ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Аммо улар ўртасида умумий ўхшашлик томонлар ҳам мавжуд. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш инсонда ҳайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ҳамоҳанг ривожланишига, унда энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топишига кўмаклашади.

Борлиқдаги гўзаллик санъат асарларида ҳам акс эттирилади. Буни биз санъатдаги гўзаллик деб атаймиз. Санъатда гўзаллик – ҳаётдаги гўзаллик инъикоси бўлиб, унинг битмас-туганмас манбаи – воқеликдаги гўзаллик саналади. Санъатдаги гўзалликни ижодкорлар яратадилар. Ижодкор шахсларнинг бошқа, оддий одамлардан фарқлари шундаки, улар бошқалар фаҳмлай олмаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиш, фаҳмлаш, сезиш, ҳис қилиш қобилиятига эгадир.

Санъатда гўзалликни акс этиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлардан бири санъатда гўзалликнинг кўп қиррали эканлиги бўлса,

иккинчи хусусияти санъатда гўзал ва хунук ходисларни акс эттириш мумкинлиги. Аммо санъатнинг ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир. Табиат, борликдаги гўзалликни англаш, фаҳмлаш қанчалик муҳим бўлса, санъат асарларида ифодаланган гўзалликни англаш ҳам муҳимдир. Ҳар ким ҳам бу гўзалликни фаҳмлайвермайди...

Улуғворлик – тушунчаси ўзида эстетик ва ахлоқий сифатлар касб этиб, амалиётда кўп қўлланиладиган эстетик тушунчадир. Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолиятида мавжуддир. Чунончи табиатдаги баланд тоғлар, қудратли шар-шаралар, чексиз океанлар, мовий денгизлар, тубсиз осмон ва бошқалар улуғворлик тимсоллари бўлиб, улар улканлик, буюклик, кенг кўламлик, тугамаслик жиҳатдан умумийликка эга. Табиатдаги улуғворлик инсонни заифликка эмас, балки унда табиат билан қўшилиб кетишига интилиш хиссини уйғотади. Улуғворлик баъзида инсонда қўрқинч хиссини ҳам уйғотади. Аммо бу қўрқув хисси инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки бўлади.

Улуғворлик санъатда, хусусан меъморчилик ва ҳайкалтарошликда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан Миср пирамидалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги меъморчилик обидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизей ива бошқалар ўзларининг салобати, улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади, кишида ўз кучига ишонч, кўтаринкилик хис-туйғусини уйғотади. Улуғворлик тушунчасини фақат кенг, катта миқёсини меъёр ўлчови билан англаш тўғри эмас. Чунки кўриниши, миқёси жиҳатдан улкан бўлмаган, аммо нафислиги билан улуғворлик касб этган обидалар куп. Булар Амир Темур даҳмаси, Шохизинда, Регистон майдони, Ички қалъа, Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Минор, Шохӣ жаҳон обидалари шулар жумласидандир.

Ҳаётда улуғворликнинг акси бўлган тубанлик ҳам учраб туради. Тубанлик кишида кучли жирканиш, нафратланиш хиссиётини уйғотувчи воқеа-ходислар орқали изоҳланади.

Фожиавийлик ва кулгилилиқ тушунчаси ёрдамида ҳаётнинг мавжуд зиддият ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади.

Санъатда фожа қаҳрамонлари кўпинча ижобий тарзда тасвирланади. Фожа қаҳрамонлари ўз даври орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган улуғвор шахс сифатида намоён бўладилар. Уларнинг тақдири кишида ачиниш хис-туйғусини уйғотади.

Фожиалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур зиддиятлари: ҳаёт ва ўлим, озодлик ва тутқунлик, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий манфаатлари тўқнашувлари акс этади. Бу тўқнашувларнинг қандай тугалланиши билан инсоният истиқболи, тараққиёт тақдири боғланган бўлади. Фожа қаҳрамонлари кўпинча ижобий тарзда тасвирланиб, улар ўз даврининг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахс сифатида (қиёфасида) намоён бўладилар. Кўпинча фожиали воқеалар мазмунида қаҳрамоннинг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиши намоён бўлади. Бу масалада Шекспирнинг Гамлетини эслаш

кифоя.

Фожиали воқеалар – қаҳрамон ҳаётида трагедик ҳолат сифатида баён қилинади. Трагедик санъат асарлар ибтидоси қадим Юнонистонга бориб такалади. Эсхил, Софокл, Эврипид қадимги дунёнинг трагедик санъаткорлари сифатида машҳурдирлар. Эсхилни «Трагедиянинг отаси» деб юритилади.

Уйғониш даври трагедик санъат асарлари ижодкори сифатида Вильям Шекспир машҳурдир. Унинг фожиавий асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин, барқарор инсон тимсоли гавдалантирилган. Бу ўринда Отеллони эслаш ўринли.

Инсон орзуларини рўёбга чиқариш учун бир умр интилади, кўрашади. Бунда у турли тўсиқларга дуч келади. Мана шу тўсиқлар, ҳаётдаги адолатсизликлар фожианинг туғилишига сабаб бўлади. Шу боис фожа инсонга ҳамроҳ. Аммо фожа асарини яратиш камдан-кам ижодкорга насиб қилади.

Кулгилилик ҳам инсоннинг дунё воқеа-ходисларига ўзига хос муносабатини англатади. Кулги ноинсоний, ноахлоқий иллатлар билан кўрашишнинг омилкор воситаси. Айни вақтда кулги инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсолини ҳам ифодалайди.

Кулгилилик санъатда комедия шаклида ўзининг тўла нафосатли (эстетик) ифодасини топади. Комедия мавзуини турли беухшовликлар, мувофиксизлик, бир-бирига ўзаро мос келмасликларнинг турли-туман кўринишлари ташкил этади. Комедия салбий одамларни акс эттирувчи асар маъносини билдиради. Комедияга фақат қоралаш, инкор қилиш, танқид қилиш эмас, балки тўғридан-тўғри эзгулик ўрнатиш, қарор топтириш ҳам хос.

Ўзбек санъатида комик асарлар сирасига А.Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», «Оғриқ тишлар», Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» ва бошқалар кириб кўп йиллар давомида театр сахналаридан тушмай келди.

Кулгининг бадиий шаклларида бири масҳара (сатира) саналади. Унда ҳаётнинг салбий ходислалари устидан Кулиш орқади бу ходислар юксак инсоний орзуларга зид эканлиги бўрттириб кўрсатилади. Масҳара марказида доимо салбий воқеа-ходислар жойлашиб, унинг бутун фош қилиш кучи анна шуларга қарши қаратилган бўлади.

Санъатнинг кулги торасида ҳазил-ҳажв (юмор) ҳам муносиб ўринга эга. Ҳазил-ҳажвсиз Бирон-бир кулги асари яратилмайди. Ҳаёт икир-чикирлари, камчиликларини танқид қилаётган ижодкор ҳазил-ҳажв туйғуси орқали инсонни маънавий-ахлоқий комилликка эришувига ёрдам беради.

Кулги фақат фош этиш хусусиятигагина эга бўлмай, унинг бошқа томонлари – тарбияловчи кулги, кўнгилни юмшатадиган кулги, ачиниш ва меҳр-шафқат кўрсатиш кулгиси, ҳаётбахш ва дўстона кулги ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Буларнинг ҳаммаси инсонда маълум ҳис-туйғуларнинг туғилишига олиб келади. Улар орқали инсонда лаззатланиш ёки нафратланиш туйғуси пайдо бўлади...

Такрорлаш учун саволлар

1. Эстетик объектга нималар киради?
2. Эстетик субъектга нималар киради?
3. Эстетик онг нима?
4. Эстетик хузувланиш ва лаззатланиш нима?
5. Нафосатнинг асосий тушунчаларини аниқланг.
6. Гўзаллик тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси ким?
7. Гўзалликнинг намоён бўлиш даражаларини аниқланг.
8. Санъатдаги гўзалликнинг манбаи нимада?
9. Табиат ва санъатдаги улуғворликни аниқланг.
10. Фожиавийлик нимани акс эттиради.
11. Фожиавийликнинг акс эттирувчи асарлар ё ижодкорларини аниқланг.
«Трагедиянинг отаси» деган номга сазовор санъаткорни аниқланг.
12. Комедия (кулгилилиқ) қандай маънони билдиради?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
5. Умаров Э. Эстетика. Тошкент «Ўзбекистон». 1995. 183-225, 227-232 бетлар.
6. Шестаков В.П. Эстетическое категория. Москва. Наука. 1993.
7. Махмудов. Т. Гузаллик ва ҳаёт. Тошкент. 1982.
8. Эстетика. Словарь. Москва. Изд. «Полит. Литература. 1989.
9. Хусанов Б. Талабаларга аудиторияда гузаллик мавзусини утиш услуги. Таълим ва тарбия журнали. 1997й. 4-5 сонлар.

2- маъруза. Санъатнинг нафосатли моҳияти, унинг турлари.
Шахснинг нафосатли тарбияси. (2-соат).

РЕЖА:

1. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти.
2. Санъат турлари.
3. Бадиий ижод нафосатли фаолиятнинг бир туридир.
4. Шахс камолотида нафосатли тарбиянинг аҳамияти.

1-масала. Санъат кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, ракс, назм (шеърят)ни санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда «санъат» сўзи «воқеликни бадий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишнинг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёни», «бирор ишни бажаришдаги маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади. Чунончи деҳқончилик, темирчилик, ошпазлик, ўқитувчилик, ёзувчилик, рассомлик, врачлик, шофёрлик санъати ва бошқалар.

Санъат тушунчасининг бундай кенг маънода талқин этилиши бежиз эмас. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган турини англатади. Ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос қобилияти, истеъдоди намоён бўлади. Санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғланиб кетган.

Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудуди Испания, Сахрои Кабир ва бошқа манзилларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан юксак эстетик қийматга эга. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида Заравутсой, Сармишсой, Қорачарвоқсой, Тақатош, Теракисой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой каби ерларда ов манзараларини ифодаловчи тасвирий санъат ёдгорликларини учратамиз.

Санъат узоқ ўтмишда инсон меҳнати билан уйғун тарзда ривожланиб борган.

Инсониятнинг ибтидоси даври фақат қояларга ўйиб туширилган тасвирий санъат билан чекланмайди. Бу даврда бадий фаолият афсонавий тафаккур тарзида ривожланган ва турли халқлар ўз афсоналарини яратганлар. Афсоналарда диний мазмун кенг ўрин олган. Юнонларнинг Зевс ва унинг фарзандлари ҳақидаги афсоналар бунга мисол бўла олади. Марказий Осиёда эса Митра, Анахита, Каюмарс, Эликбек ҳақидаги афсоналар яратилган.

Шундай қилиб санъатнинг вужудга келиши инсоният қадимги аجدодлари меҳнат фаолиятини тасвирлаш тарзида (масалан ов қилиш) юзага келиб ривожланиб борган.

Санъат ҳиссиётлар, туйғулар билан тирик, у ҳиссий таъсир этиш, ибрат кўрсатиш, тарбия бериш қудратига эга.

Санъат инсонга воқеликни бадий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. Санъат асарлари инсонда ҳис-туйғулар, хилма-хил кечинмалар кўзгаб, инсон дилига, унинг руҳига таъсир ўтказди. Санъатнинг нафосатли моҳияти анна шунда намоён бўлади.

2-масала. Санъат асарлари яратиш бадий ижод тури ҳисобланади. Улар инсоният бадий маданиятнинг асосини ташкил этади. Демак, санъат ва унинг турлари бадий маданиятда муҳим ўрин тутди. Узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасида санъат бир неча турларга ажралган. Булар адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқалардан иборатдир. Мазкур санъат турлари ўз ичида яна бир қанча турларга яъни жанрларга

бўлиниб кетишини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, адабиёт халқ оғзаки ижоди, шеърят ва унинг турлари; проза ва унинг турлари; драма ва унинг турларига; тасвирий санъат – ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир (мусаввирлик), графика ва бошқаларга бўлиниб кетади.

Мазкур санъат турлари бир-бирининг ўрнини босолмайди. Уларнинг ҳар бири мустақил, ўзича нодир ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради. Масалан, бадиий адабиёт ҳаётни кенг ва теран акс эттириб, инсон руҳий-ақлий томонларини очиб беришда бошқа санъат турларига нисбатан кенг имкониятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Санъат турлари инсон дунёқарашини шакллантиришда ўзига хос турли вазибаларни бажариши билан ҳам бир-биридан фарқланиб туради. Чунончи, мусиқа – инсон ҳис-туйғу маданиятини; тасвирий санъат – инсон синчков кузатиш маданиятини; очиқ сахна (эстрада) ва цирк санъати эса инсон кўнгил очиш, томоша маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Турли тарихий даврларда, турли халқлар, мамлакатлар ҳаётида ўз даврининг бадиий қиёфасини белгилаб берадиган санъатнинг у ёки бу тури етакчи ўринни эгаллаган ва кенг ривож топган. Масалан, Қадимги Мисрда барча санъат турлари ривож топган бўлиб, улар орасида меъморчилик, Хиндистонда мусиқа ва рақс (шундан бўлса керак ҳозирги даврга қадар Хиндистонда мусиқа ва рақс, унга қўшилиб қўшиқ инсон ҳис-туйғусига нозик таъсир этиш қувватини сақлаб келаётир), Хитойда ранг-тасвир (шундан бўлса керак ҳозиргача Хитойда табиат кўринишлари ғоят нозик ва дидли суратда акс эттирилади), Эрон ва Туронда халқ амалий санъати (кулолчилик, гиламдўзлик ва заргарлик), Юнонистон ва Римда ҳайкалтарошлик раванқ топган эди. Милодий давр бошларида Рим ва Византияда тасвирий санъат, арабларда сўз санъати, ислом Шарқида илк Уйғониш даврида (IX-XII) бадиий маданиятнинг назм ва меъморчилик соҳалари (Минораи Калон, Сомонийлар мақбараси, Қутадғу билик ва бошқалар бунга мисол бўла олади) баланд чўққиларга кўтарилди. Оврўпо Уйғониш даврида Италияда тасвирий санъат (Леонардо да Винчи); Англияда театр санъати (Вильям Шекспир), Германияда мусиқа санъати, XIX асрда Россияда бадиий адабиёт (Пушкин, Лемонтов) ривожини яққол кўзга ташланади.

Энди санъатнинг айрим турлари, уларнинг жанр, инсон – ҳис-туйғусига таъсир этиш хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Санъат турлари орасида бадиий адабиёт алоҳида ўрин тутади. Бадиий адабиётнинг ўзига хос томони унинг сўз орқали намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётни сўз санъати деб ҳам юритадилар. Сўз санъати эса – оғзаки ва ёзма кўринишга эга. Сўз санъати дастлаб оғзаки шаклда юзагаша келган. Хусусан халқ оғзаки ижоди – меҳнат қўшиқлари, достонлар, эртаклар бунга мисол бўла олади. Ҳозирда ўзбек халқи ҳаётида санъатнинг оғзаки шакли ўзбек бадиий сўз усталари, аскиячилар, бахшилар, достончилар, қизикчилар, эртакчилар, алла, ёр-ёр ва алла айтувчилар ижодида сақланиб келмоқда. Улар кишиларга бетакрор нафис завқ-шавқ бағишлаб келаётганига ҳаммамиз ҳам гувоҳмиз. Мустақиллик йиллари санъатнинг бу турини тиклаш

ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунончи, Ўзбекистон бахшиларининг анаъанавий кўриклари (бу санъат тури Ўзбекистонда, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида нисбатан кенг ривожланган), «айнан жаҳон»нинг «халқ ижоди» кўрсатувлари, жойларда халқ ижоди дасталари кўриклари, аскиячилар кўриги (бу санъат тури кўпроқ Фарғона водийсида ривож топган) ўтказиб келинмоқда.

Ёзма адабиётнинг ҳам асосий моддий қуроли, тасвирий – ифода воситаси – сўздир. Сўз – фикр ифодаси, фикр баёнидир. Сўз туфайли инсоният тўплаган ақлий бойлик келажак авлодларга етиб келади. Сўз инсоният маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг воситасида моддий ва маънавий ту солган ёзма адабиёт санъатнинг ақлий тўйинтирилган турига айланди. Моддий ва маънавий олам, инсоннинг ақлий ва маънавий дунёси ёзма адабиётда энг теран, ҳар томонлама акс этади.

Ўзбек халқи ёзма сўзнинг буюк соҳиблари Навоий, Машраб, Қодирий, Чўлпон, Ойбек ва бошқалар инсон ички дунёсининг бутун рангоранглиги, бойлиги, мураккаблигини ажойиб маҳорат билан ифодалаш қобилиятига эга бўлганликлари билан ажралиб турадилар. Санъат тури сифатида бадиий адабиёт ўзининг ички тизими, кўриниши ва турига, услубига эга. Бу жиҳатдан бадиий адабиёт учта адабий тўрни – эпик (сочма эркин баён) лирик (шеърий) драматик кўринишларни қамраб олади.

Адабиётнинг эпик тури ҳақида сўз юритилганда ўзбек адабиётида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Навоийнинг «Ҳамса» сига киритилган; «Хайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбаи сайёра», «Сади Искандарий» дostonлари, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Ойбекнинг «Навоий», Примкул Қодировнинг «Бобур», «Хумоюн ва Акбар» каби асарлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Юқоридагиларнинг айримларида назм, айримларида насрий услубда воқелик юксак бадиийлик билан баён қилинган.

Бадиий адабиётнинг драматургия тури саҳналаштиришга мўлжалланган бўлиб, унинг асосини зиддият (конфликт) ташкил қилади. Драматик асарларда ўз олдиларига аниқ-равшан мақсад ва вазифалар қўйган иродали кишилар юзма-юз келиб тўқнашадилар. Уларнинг суҳбатлари (диологлари) орқали томошабинга таъсир ўтказилади.

Шундай қилиб, бадиий адабиётнинг турлари ўз навбатида бир неча хил ва кўринишларга бўлинади. Чунончи эпик тур – халқ эпоси – эпик дoston, роман – эпопея (бир неча китоб-роман), роман, қисса; лирик тур – қасида, туюқ, рубоий, ғазал, шеър; драматик тур – фоҷиа (трагедия), комедия, драма каби кўринишларга эга эканлигини кўрамиз.

Энди икки оғиз сўз ҳозирги ёшларимизнинг санъатнинг бадиий адабиёт барча турларига муносабати, қабул қилиши ҳақида. Шунини афсус билан қайд этиш лозимки, аксарият ёшларимизнинг бадиий адабиёт намуналарини ўқишга қизиқиш даражалари паст, ҳатто йиллаб бирор ролини қисса, шеър ўқимайдилар. Қандай ёзувчи, шоир, драматург борлиги, бўлганлиги, қандай асарларни ёзганлигини билмайдилар. Шунингдек

театрларимизга келувчи томошабинлар сонининг йилдан-йилга кмайиб борганлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Албатта буларнинг ўз сабаби бўлиши мумкин. Аммо, энг ачинарлиси шундаки, бу жараён ёшларимизнинг нафосатли (эстетик) ҳис-туйғуси, дидининг ўтмаслашиб қолишига олиб келади...

Энди тасвирий санъат тури ҳақида фикр юритамиз. Тасвирий санъат тизимига мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм (графика) мансуб бўлиб, уларнинг вужудга келиши инсоният тарихининг энг қадимги даврларга бориб тақалади.

Тасвирий санъат ўзининг эстетик хислатларига ва эстетик мақомига эга бўлиб боргани сари унинг айрим туралари ва жанрлари ажралиб чиқа бошлади. Тасвирий санъат турлари ўзаро боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб туради. Гарчи тасвирий санъат турлари бир-биридан воқелик манзарасини ўзига хо сакс эттириши билан фарқ қилсада, лекин пировардида улар бир тизимга бирлашадилар.

Тасвирий санъат асарлари монументал ва дастгоҳ кўринишларига эга. Монументал дейилганда ҳажм жиҳатидан катта, меъморчилик, парк, боғ санъатига, шунингдек, бирор бир ботиний муҳитга мўлжалланган санъат асари тушунилади. Масалан, Амир Темур майдонидаги Амир Темур ҳайкали; Ўзбекистон Миллий боғи ва шоирлар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкаллари бунга мисол бўла олади.

Дастгоҳ асари санъаткор томонидан эркин ижодий фаолият туфайли яратилиб, уларни ҳоҳлаган жойга музей ёки ўқув дарсхоналарига қуйиш ва намойиш этиш мумкин.

Тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бири – ҳайкалтарошлиқдир. У жонли мавжудотлар - асосан инсонни, қисман жониворларни ҳажмли шаклларда акс эттиради. Мармартош, оддий тош, ҳарсангтош, ёғоч, металл, гипс ва бошқалар ҳайкалтарошлик учун моддий ашёлар сифатида хизмат қилади.

Ҳайкалтарошлиқда асосан инсон ташқи киёфаси, унинг моддийлиги ёритилади. Аини вақтда инсоннинг ички дунёси, кечинмалари, фикр-туйғулари ҳам ундан ўрин олади. Яъни фикр ва туйғулар инсон танаси ҳаракати орқали берилади. Бу санъат турининг ўзига хос томони шундаки ҳаркатсиз ҳолатда ҳаркат таассуроти яратилади. Бу жуда қийин ва мураккаб. Ҳайкалтарошнинг санъати уни ярата олиш ва кўрсата олишда. Юқорида айтганимиз – Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобу рва бошқа улуғ сиймоларнинг ҳайкаллари, аввало ҳаракат билан тўлиб тошган. Ёки бундай ҳолни машхур Юнон ҳайкалтароши Мироннинг «Диск отувчи» асари ёки гўзаллик ва муҳаббат рамзи бўлган Афродитага бағишланган ҳайкалларда кўришимиз мумкин.

Ҳайкалтарошлик бизнинг ўлкада қадимдан ривож топган. Бунга Сурхондарё вилоятида Кушонлар даврига оид буддизмга хос ҳайкалтарошлик намуналари, Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёбдан топилган ҳайкалчалар мисол бўла олади.

Халқ қаҳрамонлари фан ва маданият арбоблари, фидойи кишиларга

кўйилган ёдгорлик ҳайкаллари тарихий воқеаларни акс эттириб, тарғибот-ташвиқот, ахборот, тарбия, эстетик дидни ўстириш ва бошқа кўп вазифаларни бажаради.

Тасвирий санъатнинг яна бир муҳим тури мусаввирлик яъни рангтасвир санъати саналади. Бунда бўёқлар, чизиклар ва улар аралашмасидан фойдаланиб, дунёнинг барча манзаралари акс эттирилади. Уларнинг марказида эса инсон туради.

Мусаввирликнинг наққошлик, ёдгорлик ва дастгоҳлик (намоиш этишга мўлжалланган) турлари мавжуд.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос нафис бу тури инсоният тафаккурининг ноёб намунаси сифатида кишиларни неча асрлардан буён ўзига ром қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан рангтасвир санъати ривожланганлигини Афросиёбдаги деворий расмлар, Варахша ва Болалитепа тасвирий намуналаридан билиш мумкин. Улар ўтмиш аجدодларимизнинг гўзаллик борасида эришган ютуқларидан ҳикоя қилибгина қолмай, балки шу билан бирга тарих сирларини очиб берувчи кўзгу вазифасини ҳам бажаради. Бу санъат турининг машхур вакиллари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Рембранд, Карл Брюллов саналади. Бу санъат тури бўйича ватандошларимиз ва замондошларимиз Камолиддин Бехзод, Ўрол Тансиқбоев, Абдулҳак Абдуллаев, Раҳим Ахмедов, Малик Набиев, Алишер Мирзаев ва бошқаларнинг ижоди диққатга сазовордир.

Юқоридагилардан ташқари ифодали санъат турлари ҳам бўлиб, унга безакли-амалий, меъморчилик ва мусика санъати турлари киради. Санъатнинг бу ижод турлари ўзининг ғоявий-эстетик бур-вазифаларини ифодали воситталар орқали амалга оширади.

Безакли-амалий санъат тури тасвирий санъат турига яқин туради. Фарқ шундаки, безакли-амалий санъат амалий мақсадларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг бадиий қиймати фойдали-амалий қийматидан келиб чиқади.

Безакли-амалий санъат асосан маиший турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган нарса-буюмлардан иборат. Бунда нарса-буюмнинг амалий ва эстетик хислатларига ғоявий-бадиий ифодалиликл қўшилиб санъат асари даражасига кўтарилади. Нарса – буюмга ўзига хос равишда – яъни мутаносиблик, вазн-оҳанг, томонлар тенглиги ва безак берилади. Безак эса нақш билан боғлиқ бўлади. Нақш нарса – буюмнинг бадиий шаклга айланишидир. Нақш инсонда қувонч ва қайғу, осойишталик ва безовталикл каби туйғу ва қайфиятларни ифодалайди .

Ўзбек миллий нақши азалдан-масжид, минора, мақбара, мадраса каби меъморчилик ишларини амалга оширишда; амалий санъат – зардўзлик (Бухоро), гиламдўзлик (Хива), кулолчилик (Фарғона), дурадгорлик, тикувчилик ва бошқаларда безак вазифасини ўтаб келади. Бу соҳада ўзбек миллий санъати ўзига хос, такрорланмас хусусиятларга эга.

Санъат турлари орасида меъморчилик алоҳида ўрин тутди. У ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятга тааллуқли. Донишмандлар меъморчиликни «қотишма» мусика ёки «тошдаги дoston» деб таърифлаганлар. Меъморчилик давр қиёфасини ижтимоий-ифодали

кўринишда яратади. Агар мусиқада қиёфа эшитиш орқали идрок қилинса, меъморчиликда қиёфа кўриш орқали идрок қилишга мўлжалланган.

Гап шундаки меъморчилик бинолари ва иншоотларини кўрар эканмиз, гўё тарихнинг «тош варақаларнинг» кўздан кечиргандай бўламиз. Бунда инсонда турли – хис-туйғулар юзага келади. Чунончи ғурурланиш, ўтмишга ҳурмат хисси ўтмиш тарих даҳшатли, суронли ходислари ҳаёлот дунёмизни чулғаб олиш хиссиёти каби ҳолатни бошимиздан кечирамиз... Чунки, Самарқанд, Шаҳрисабз, бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида бунёд этилган меъморчилик обидалари ўзининг мазмундорлиги ва мўжизавийли жиҳатдан Миср сағаналари (пирамида), Афинанинг Акрополидан қолишмайди.

Ҳозирги меъморчилик айрим бинолар ёки уларнинг мажмуини (Регистон сингари) яратишга эмас, балки меъморчилик ижодининг олий кўриниши бўлган шаҳар бунёд этишга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри меъморчиликнинг энг яхши намуналарини эркин режалаштириш асосида барпо этилмоқда.

Мусиқа санъатнинг ифодали тури тизимига кириб, воқеа-ходисаларни ифодали акс эттиради. Мусиқа эшитиш воситасида идрок қилинади. У инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятларини ифодалйди. У дунё тўғрисида туйғу ва кайфиятлар ҳосил қилади. Яъни мусиқа воқеликнинг хиссий туйғули қиёфасини яратади.

Мусиқа санъатининг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бирдамлик, тушқинлик каби инсон руҳий ҳолатларини намоиш эта олади.

Ўзбек миллий мусиқасининг дурдонаси бўлган «Шошмақом» халқининг мураккаб тарихи, кечинмалари, завқ-шавқи, қайғу-хасратлари, орзу-умидлари теран, чуқур, нафис, жозибали, эҳтиросли ифода этганки, унинг тинглаган киши беихтиёр ширин ҳаёлот дунёсига шўнғиб кетади.

Ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлади, мусиқада ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзгули ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Мусиқа санъатида куй асарнинг танасидаги қони, қалбидаги жони, юраги саналади. Мусиқа ижро этиладиган санъатдир. Мусиқа санъати ижро этилиш жараёнида жонланади, «тилга киради». Мусиқа инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, унда юксак фикр ва туйғулар, нафосат диди ва орзулар ҳосил қилади, дард, ғам-алам, ташвишлардан фориғ қилади. Қани эслайлик, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Отабек нима учун тушқунлик, хорғинлик ҳолатига тушганда қахваҳода созанда қандай куйни ижро этай деганда, Ўзбекистон халқ артисти М.Аҳмедов қойил-муком, меъёрига етказиб куйлаган айрилиш, айрилиқ куйи «Ўртар»ни ижро этишни сўрайди... Бу ерда куй ва қўшиқ қўшилиб инсон ички туйғуси қат-қатларига кириб боради...

Ифодали санъат тизимида рақс, қўшиқчилик, санъатлари ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Ҳозирги даврда томоша-қоришма санъат турлари – театр, очик сахна (эстрада), цирк, кино, «ойнаи жаҳон» ҳам инсон эстетик хис-туйғусига

таъсир этувчи, тарбияловчи сифатида катта аҳамият касб этган.

3-масала. Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасаввури, тушунчалари орқали ташқи дунёни «қиёфа» яъни образ шаклида англайди. Бадиий қиёфа манбаи ташқи олам ходисларидир. Бадиий ижод жараёнида санъаткор ташқи дунёни унинг бутун гўзалликлари билан қайта англайди, уни эстетик қадрият сифатида ифодалайди. Бадиий ижод жуда мураккаб бўлиб, ижодкор бадиий хис-туйғуси, дидининг утки рва юқори бўлишини воқеликнинг бошқалар англамаган нозик томонлар барча қирраларини унинг бутун гўзаллиги билан идрок этишини талаб қилади. Шундагина у юксак санъаткор даражасига кўтарила олади. Ўлмас, умри боқий асарлар яратади.

Санъаткорнинг ўзида акс этирилаётган воқеликка нисбатан юксак хис-туйғу бўлмаса, у воқелик билан қўшилиб кетмаса, ўзи тасвирлаётган воқеа-ходиса, қиёфа (образ)га бефарқ, лоқайдларча бўлса ҳеч маҳал юксак бадиий санъат асарини ярата олмайди.

Санъаткор хис-туйғулари ўзи яратаётган қаҳрамонлари қиёфасига кириб, улар ҳаёти билан яшаса, ўзи йиғлаб уларни (қаҳрамонлари, образлари) йиғлатса, ўзи кулиб уларни ҳам кулдирса юксак бадиий асар яратилади.

Санъаткорнинг бадиий қиёфалар яратиш қобилияти унинг тасаввурлар ҳосил қилиш қобилиятидан келиб чиқади. Санъаткор ўз тасаввурларига ҳуду воқеликнинг жонли ходислари каби муносабатда бўлади, ўзини ўз қаҳрамонлари ҳолатида кўради. Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонлари билан ҳуду жонли одамлар сингари гаплашган ва баҳслашган. Кумушга заҳар бериш ва унинг ўлими лавҳасини ёзаётиб Юм-юм йиғлагани хотираларида ёзиб қолдирилган.

Юқорида қайд этганимиздек санъаткор Абдулла Қодирий сингари дунёни, воқеликни, ходиса ҳолатини, аввало эстетик нуқтаи назардан идрок этади ва баҳолайди, воқеликдан нафосат (ҳис-туйғуга таъсир этувчи ҳолат)ни излайди. У воқеликда, ходисалар силсиласида бошқалар кўрмаган, ёрақмлай олмаган, хис-туйғусига таъсир этиб уни уйғотмаган, ҳаракатга келтирмаган нафосатни кўради ва идрок этади. Санъаткор нарсалардаги гўзалликни севади, ардоқлайди, уни ўзгалар билан баҳам кўришга ошиқади. Шу тариқа бадиий ижод маҳсули юзага келади. Санъаткор ўзи хис этмаган нарсани бадиий ижод маҳсули сифатида ярата олмайди. Агар яратса ҳам бундай асарлар юқори санъат асари даражасига кўтарила олмайди. Бундай санъат асарларининг умри калта бўлади.

Пухта ўйланган, ойлаб, йиллаб мияда пишитилган тасаввурлар ижод маҳсули умри боқий бўлади.

Санъаткорнинг ўтқир фаҳм-фаросати унинг бадиий истеъдодлигини белгисидир. Унинг ҳаётий, хис-туйғули ва аклий тажрибаси қанчалик бой ва хилма-хил бўлса яратган асарлари юксак нафосатли маъно-мазмун кашф этади.

Шундай қилиб, бадиий ижод билан ҳар ким ҳам шуғуллана олмайди. Унга

истеъдод ва қобилият керак. Аммо, истеъдод ва қобилият ўз ўзича юзага чиқмайди. Уни юзага чиқарувчи томон меҳнат ва изланиш, ҳаётни ўрганиш,

ундан таъсирланиш, ҳаёт лаззатини хис эта били шва уни бошқалар билан баҳам кўра билиш ва бошқалар. Мана шу маънода бадиий ижодни нафосатли (эстетик) фаолиятнинг махсус тури деб айтамыз.

Санъат турлари санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқалар ўзига хос муҳим кўринишда намоён бўлади. Мана шу санъат турлари идрок этиш жиҳатидан ҳам ҳар хил кўринишларга бўлинади.

Чунончи кўз билан кўринадиган санъат асарлари – томошали санъат асарлари – томошали санъат турлари дейилади. Буларга тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, бадиий фато асарлари киради. Мусиқани эса эшитиладиган санъат тури деймиз. Театр, ракс, кино санъатлари эса ҳам томошали, ҳам эшитиладиган санъат туридир. Шу билан бирга санъат турлари ўз тасвирий-ифодавий воситалар тизимига эга. Адабиёт сўз, тасвирий санъатда, ранг, ёруғлик, чизик, нур-соя, мусиқада – оҳанг, мақом, вазн, ҳайкалтарошликда – ҳажм, ўлчам, меъморчиликда-мутаносиблик тизими амал қилади. Санъат асарларининг юқоридаги хусусиятлари – уларни идрок этишда муҳим роль ўйнайди.

Санъатда идрок этиш деб, - адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларини томошабин ёки ўқувчи онгида акс этишига айтилади. Идрок этиш учун ўқувчи ёки томошабин тасаввур қобилятига, мустақил тафаккур кучига, ҳис-туйғу маданиятига эга бўлиши керак. Санъат асарларини яратиш билан уларни идрок этиш бир-бирига айнан ўхшаш жараёнлар эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки, бадиий фаолият давомида санъаткор санъат асарини яратади, идрок этиш жараёнида эса бирор нарса яратилмайди. Идрокни «ижодга шериклик» дейиш мумкин. Ҳар қандай санъат асарнинг идрок этиш жараёнида санъат асари орқали ёзувчи, ҳайкалтарош, рассом ва ўқувчи, режиссёр ва томошабин ўрталарида пинхона учрашув содир бўлади.

Бадиий идрок эстетик идрокнинг энг «соф», намунали туридир. Санъат асарлари ва улардаги тасвирий – ифодали воситалар эстетик идрок объекти бўлса, томошабин, ўқувчи, эшитувчи бадиий идрок субъектидир. Бадиий идрок субъекти бўлиш учун инсонга бадиий кадриятларга нисбатан рухий эҳтиёж туғилиши лозим. Идрок этувчининг эстетик эҳтиёжи, эстетик ва умуммаданий савияси, ҳис-туйғу маданияти, ҳаёт тажрибаси санъат асарларини самарали бадиий идрок этилишини таъминлайди.

Санъат асарларини идрок этиш инсонга ҳамма вақт ўзини яхши билиб олиш имкониятини туғдиради. Ўзи қизиққан санъат турлари асарларидан

эстетик қониқиш ҳосил қилиш ўқувчини санъатнинг янги-янги қирраларини билиш, кашф этишга жалб этади. Инсон ўзининг эстетик эҳтиёжини қондирмай туриб, у дунё ҳақидаги янги билимларга ҳам, ахлоқий-эстетик камолотига эриша олмайди.

Бадий идрок этиш қобиляти инсонда ҳис-туйғулар, хилма-хил кечинмалар қўзғаб, инсон дилига, унинг руҳига таъсир ўтказади.

Меъморчилик асарларини идрок этиш орқали одамлар турмуш тарзини, маиший ҳаёт ва ҳаёт фаолияти хусусиятларини, ижтимоий тузум табиатини, эстетик орзуни у ёки бу давр ижтимоий руҳиятини ва мафкўрасини инъикос этамиз. Меъморчилик ҳосил қиладиган билимлар мажмуининг аҳамияти шундаки, одамларда у яратилган маданий муҳит, ҳаёт тарзи, фикр ва туйғулари тўғрисида тасаввур пайдо қилади.

Хусусан, меъморчилик бинолари ва иншоатларини кўрар эканмиз, гўё тарихнинг «тош варақаларини» кўздан кечиргандай бўламиз, бошқа оламга кириб, уни ўз яхлитлигича англаймиз. Меъморчилик ўзининг ҳажмлари ва чизиқлари «тили» билан давр ва инсон ҳақида ҳикоя қилгандай бўлиб муайян ҳис-туйғу ва тасаввурлар ҳосил этади.

Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида меъморий обидалар ўзининг мазмундорлиги жиҳатидан Миср сағаналари (пирамидалари), Афинанинг Акрополи, Дехлидаги Шохжаҳон меъморий обидаларидан қолишмайди. Бугунги кунда ҳам мазкур меъморчилик обидалари, аввало ўзининг ажойиб ҳамоҳанглиги билан кишини ҳайратга солиб келмоқда. Анаъанавий миноралар макбараларининг ҳаворанг гумбазлари билан масжид-мадрасалар ички безаклари билан кўшилиб, баркамол яхлитлик, умумий яхлитлик ҳосил этиб, инсонда ўтмиш ва бугун муносабатлари ҳақида тасаввур ҳосил этади.

Муסיқа санъатнинг ифодали тури сифатида эшитиш орқали идрок қилинади. Муסיқа асарлари инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятларини ифодалаб, тингловчи томонидан идрок этилади. У инсонда дунё ҳақида маълум туйғу ва кайфиятлар ҳосил этиши билан ажралиб туради. Яъни муסיқа асарлари туйғу ва кайфиятлар орқали идрок этилади. Ўзбек миллий муסיқасининг дурдона асарлари, хусусан «Шашмақом» ўзининг нафис, жозибали, эҳтиросли ифода усули билан идрок этувчи шахсда муайян ҳис-туйғу ва кайфиятлар туғдиради.

Муסיқа инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади, меҳнат жараёнлари, маросимларда қатнашади, хордиқ чиқаришда эса яхши кайфият туғдиради. Муסיқа асарларини идрок этилиши ҳар бир кишини, умуман одамларни бирор мақсад-ниятга сафарбар этади, уларни ягона туйғу ва ғайрат астрофида бирлаштиради. Мана шунинг учун ҳам ўтмишда, масалан Катта Фарғона каналини барпо этишда созандадар, хофизлар, раққослар ва бошқа санъаткорлар фаол иштирок этиб, канал қазувчиларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлар...

Муסיқа инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, унда юксак фикр ва туйғулар, нафосат диди ва орзулар ҳосил қилади. Инсоннинг ижодкорлик қобилятини оширади.

Ёзма ва оғзаки адабиётни идрок этиш ҳам мураккад жараён бўлиб, ўқувчидан кўпроқ ижодий фаолликни ва мустақилликни, адабий матндан олинган ахборотни ўзининг маънавий дунёси ва ҳаётий тажрибаси билан қиёслашни талаб қилади. Мана шунинг учун ҳам ёзма адабиёт санъат асарини турли ўқувчилар турли равишда идрок этадилар. Баъзилар таъсирланса, баъзилар у даражада завқланмайдилар...

«Зерикарли» адабиёт ва санъат асарлари кишиларда хис-туйғулар уйғотмайди, ўқувчи томонидан идрок этилмайди. Зерикарли ифода санъатнинг ашаддий душмани.

Шундай қилиб, бадиий асар гўзаллик нуктаи назаридан идрок этилса, ўқувчи ва томошабинда муайян хис-туйғу ва кайфиятларни уйғота олсагина бадиий қийматга эга бўлади, бундай асарларни қизиқиб идрок этилади. Ўқувчи бундай асарларни идрок этиш туфайли ўзи дуч келган муаммоларга жавоб топгандай бўлади ёки жавоб излайди.

4- масала. Эстетик тарбия ҳам кишиларда умуминсоний ва миллий кадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Маълумки, ҳар қандай тарбия, жумладан эстетик тарбия ҳам инсон онгига, хис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, ҳатти-ҳаракатларига, хулқ-атворига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Инсоният тараққиётининг турли даврларида эстетик тарбия турли мақсадларни кўзланган ҳолда олиб борилган. Чунончи, қадимги юнонларда эстетик тарбия мақсади фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланишига «рух ва бадан» ҳамоҳанглигини қарор топтиришга йўналтирилган эди.

Ўрта асрларда Шарқ ва Оврўпода эстетик тарбия илоҳий куч-қудрат манбаи бўлган Оллоҳга эътиқод қилиш ва «бу дунё» нинг ўткинчи, арзимас эканлигини инсон шахсига сингдиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Ҳозирги мустақиллик шароитида мамлакатимизда эстетик тарбиянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Аввалари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар эди. Эстетик тарбия санъат асарларини тўғри идрок этиш, бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиб, муайян бадиий кўникмаларга эга бўлиш доирасида тушунилар ва талқин этилар эди. Баъзан эса эстетик тарбияга фақат одамларда юксак эстетик дид-фаросатни шакллантириш сифатида қаралар эди. Буларнинг барчаси бадиий-эстетик тарбиянинг вазифа ва мақсадлари доирасига киради. Бадиий ва эстетик тарбия бирдай эмас. Улар ўртасида умуммиллийлик ва фарқли томонлар бор. Бадиий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми. Бадиий тарбиянинг асосий мақсади – муносабатларни санъат воситалари ёрдамида шакллантиришдир. Эстетик тарбия фақат санъат билан чекланиб қолмайди. Эстетик тарбиянинг асосий мазмуни инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Воқеликка бўлган инсон муносабатининг ҳар қандай кўриниши эстетик мазмундан ажралиб қолса, у асл инсоний моҳиятини йўқотади.

Эстетик муносабат дунёга кенг ва холис қараш, одамларда, табиат воқеа-ҳодисларида, энг аввало жамият, инсоният, тараққиёт учун хизмат

қиладиган ижтимоий аҳамиятли бўлган фазилатларни кўра билиш қобилиятини тарбиялайди.

Эстетик тарбия инсонни эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади. Энди анна шу вазифаларнинг баъзи жиҳатларини кўриб ўтамиз.

Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуи инсондир. Санъат инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, хис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттиради.

Санъат воқеликни акс эттириш жараёнида жамиятда амал қилаётган ахлоқий муносабатларни, одоб қоидаларини, ахлоқий ғоя ва қарашларни, инсон ички дунёсини, ахлоқий қиёфасини ҳам очиб беради. Шу боис санъат инсон ахлоқ-одобининг кўзгуси деб ҳам юритилади.

Инсон воқеликка бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам эстетик муносабатда бўлади. Эстетик ва ахлоқий тушунчалар инсон фаолиятини бошқариб туради.

Ахлоқий муаммолар мажмуи санъат, хусусан бадиий асар мазмунининг таркибий қисми саналади. Айниқса, бадиий адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларида муаммолар тугуни, тўқнашувлар, қаҳрамонлар феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатлари ахлоқийлик билан суғорилган бўлади.

Ахлоқ санъатнинг мағзини ташкил этади. Санъат асарлари ахлоқ мазмунига эга бўлмаса, ўзининг инсонпарварлик хусусиятини йўқотади. Санъатда ахлоқий қоида ва ақидалар эстетик жиҳатдан қайта ишлаб чиқилади: гўзал ва хунук, улуғвор ва пасткаш, фожиали ва кулгили каби эстетик тушунчалар сифатида идрок этилади. Санъат асарларидаги бу ҳолатларни эстетик жиҳатдан идрок этилиши инсон ахлоқий ва эстетик тарбиясига яқиндан ёрдам беради.

Эстетик тарбия билан экологик тарбия ҳам ўзаро боғлиқ. Бу боғлиқлик инсоннинг табиатга беғараз, инсоний муносабатда бўлишида, жамият билан табиат ўртасида ҳамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Эстетик томонсиз дунёқараш чала, бир ёқлама бўлиб қолади. Эстетик дунёқараш фалсафий ва ахлоқий ва бошқа дунёқарашларни бойитиб туради.

Эстетик тарбия, аввало одамларнинг эстетик дидлари шаклланишига катта таъсир ўтказади. Эстетик дидда инсон ақлий ва ҳиссий дунёси, орзу-умидлари, талаб эҳтиёжлари, мақсад-манфаатлари рўёбга чиқиши ифодаланади.

Эстетик тарбия яна ўз диққат эътиборини шахс эстетик эҳтиёжларини шакллантиришга қаратади.

Эстетик эҳтиёж фақат моддий ва маънавий гўзалликлардан лаззатланишигина эмас, балки ҳар қандай амалиёт соҳасига гўзалликни татбиқ қилишни ҳам билдиради. Шу боис эстетик тарбияни ҳаёт жабҳаларининг ҳаммасига ўқиш, меҳнат қилиш, илмий ва техник изланиши ва бошқаларга татбиқ этилишини ҳаёт тақазо қилади.

Шундай қилиб, эстетик тарбия – бу эстетик жиҳатдан ривожланган ва ижодий фаол бўлган инсон шахсини шакллантириш демакдир.

Миллий истиқлол ғоямизда таъкидланганидек, эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Маънавий баркамол, комил инсон эса ўзида барча ижобий фазилатлар билан бирга эстетик жиҳатларни ҳам намоён этиши лозим. Мустақил Республикамизда эстетик тарбиянинг манбаи адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарларини яратилиши ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда.

Эстетик тарбия самарадорлиги эстетик тарбиянинг омиллари ва воситаларидан тўғри фойдаланиши талаб қилади.

Эстетик тарбия омиллари деб, шахснинг эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга айтилади. Эстетик тарбия воситалари деб шахснинг воқеликка эстетик муносабатини ривожлантиришга хизмат қиладиган тарбиявий фаолият шаклларига айтилади.

Меҳнат эстетик тарбиянинг энг муҳим омили. Шахс ҳаётига меҳнатнинг эстетик таъсирини кучайтиришда ишлаб чиқариш жараёнларига кўпроқ эстетика техникаси (дизайн)ни кенг равишда жорий қилиш керак бўлади.

Меҳнат шароитлари ва воситаларига эстетик мазмун бахш этиш омили шахсни эстетик камол топтириш билан бирга, шахснинг фойдали-амалий вазифаларни ҳам кенгроқ доирада бажаришга сафарбар қилади. Эстетик мазмун меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим омилдир.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили – бу табиатдир. Табиат билан доимий муносабатда бўлмай туриб, эстетик жиҳатдан ривожланиш, эстетик тарбияни уюштириш мумкин эмас. Шахс онгида табиатнинг эстетик қадриятлари туйғусини шакллантириш инсон эстетик камолотининг ўзига хос заминидир. Ҳозирги экологик инқироз ва ҳалоқат ҳавфи ортиб бораётган шароитда эстетик тарбиянинг бу қирраси тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Эстетик тарбия омиллари қаторида маиший турмуш нарсалари, тура ржой жихозлари, хоналар ва бошқалар жойлашуви, уларнинг ранглари, бўёқлари ва бошқа нарсалар муҳити алоҳида ўрин тутади.

Эстетик тарбия воситалари орасида санъат муҳим ўрин эгаллайди. Санъат воқеликка эстетик муносабатнинг энг муҳим шаклидир.

Санъатдан баҳраманд бўлиш, ундан лаззатланиш учун муайян даражада бадий билимларга эга бўлмиш ҳам лозим. Санъатга интилиб яшаш, бадий ижод маҳсуллари идрок этиш, завқ олиш қобилияти кўп жиҳатдан инсоннинг бадий савиясига боғлиқ.

Эстетик тарбияда оила, мактаб, ўқув юртларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши натижалар келтиради.

Эстетик тарбия ижтимоий фаол, ҳар томонлама ва ҳамоханг ривожланган шахсни, бошқача айтганда комил инсонни тарбиялаш мақсадига йўналтирилган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Томошали санъат турларини аниқланг.
2. Эшитиладиган санъат турини аниқланг.
3. Санъат асарини идрок этиш нима?
4. Нафосатли идрок этиш объекти нима?
5. Нафосатли идрок этиш субъекти нима?
6. Муסיқа асарлари қандай идрок этилади.
7. Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуси нима?
8. Санъат асарлари ахлоқийликдан ажралган бўлиши мумкинми?
9. Эстетик тарбиянинг омилларини аниқланг.
10. Эстетик тарбиянинг воситаларини аниқланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
5. Умаров Э. Эстетика. Тошкент «Ўзбекистон. 1995.
6. Шестаков В.П. Эстетическое категория. Москва. Наука.1993.
7. Махмудов. Т. Гузаллик ва ҳаёт. Тошкент. 1982.
8. Эстетика. Словарь. Москва. Изд. «Полит. Литература. 1989.
9. Гоибов Н. Санъат тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент. Г. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1980.
10. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. Тошкент. «Шарк». 1993.